

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР А.В. АЛИМОВ ТАХРИРИ ОСТИДА**

**«ТАЛАБАЛАРНИ КЛИНИК ФИКРЛАШИНИ БАҲОЛАШ  
ВАРАҚАЛАРИ»**



**ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИ 5 КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ 2005**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР А.В. АЛИМОВ ТАХРИРИ ОСТИДА**

**«ТАЛАБАЛАРНИ КЛИНИК ФИКРЛАШИНИ БАҲОЛАШ  
ВАРАҚАЛАРИ»**



**ТИББИЁТ ИНСТИТУТЛАРИ 5 КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ  
2005**

Талабалрни клиник фикрлашини бахолаш варақалари билим берувчи, назорат қилувчи ўқув қўлланма бўлиб, талабанинг билими ва клиник фикрлашини, берилган клиник вазиятни тезкор таҳлил этиб, тиббий ёрдам курсатишнинг оптимал усулини топиш – клиник компетентликни бахолаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ўқув-услубий бўлими томонидан тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинди.

### **Тузувчилар:**

#### **ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР А.В. АЛИМОВ ТАХРИРИ ОСТИДА**

А.Ш.АБДУМАДЖИДОВ, Н.В.АГЗАМОВА, Т.С.АГЗАМХОДЖАЕВ, М.М.АЛИЕВ,  
Ш.О.ДАДАЕВ, П.С.ДЖАЛИЛОВ, М.Ю.ДЖАЛИЛОВА, Б.О.ЗОХИДОВ,  
А.И.ИСКАНДАРОВ, С.И.ИСМАИЛОВ, Т.И.ИСМАИЛОВ, М.А.ИСМАИЛОВА,  
И.А.КОСИМОВ, А.В.МУРАТХОДЖАЕВА, Г.К.СОДИКОВА, Ё.У.УСМАНОВ,  
М.Р.ХАМРОКУЛОВА, С.А.ХАСАНОВ, Д.В.ЦОЙ, А.М.ШАРИПОВ, Х.К.ШОДИЕВ,  
Г.А.ЮСУПАЛИЕВА, С.А.ЯДГАРОВА

### **Рецензент:**

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БОШ ПЕДИАТРИ ТИББИЁТ  
ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Д.И.АХМЕДОВА

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Неонатология кафедраси .....	4
Шошилинич педиатрия кафедраси .....	14
Факультет педиатрия кафедраси .....	25
Асаб касалликлари кафедраси .....	65
Рухий касалликлар кафедраси .....	117
Эндокринология кафедраси .....	125
Тери-таносил касалликлар кафедраси .....	135
Юқумли касалликлар кафедраси .....	155
Сил касалликлари кафедраси .....	186
Болалар жаррохлиги кафедраси .....	197
Анестезиология ва реаниматология кафедраси .....	267
Қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари кафедраси .....	277
Травматология ва ортопедия кафедраси .....	287
Кўз касалликлари кафедраси .....	303
Умумий жаррохлик кафедраси .....	313
Хирургик касалликлари ва ХДХ кафедраси .....	323
Фойдаланилган адабиётлар .....	336

## СЎЗ БОШИ

Тиббиёт олий ўқув юртларида нисбатан қисқа муддатда тўлақонлик мутахассисларни тарбиялаш мураккаб масаладир. Барча тиббиёт муассасаларида ўқув жараёнига ажратилган вақтни узгартирмаган холда илғор илм тавсия этаётган замонавий маълумотлар, услублар ва технологияларни талабаларга ўргатиш жиддий муаммо бўлиб қолади. Бугунги кунда тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш жараёнида айрим камчиликлар мавжуд. Булар:

- битирувчилар томонидан амалий куникмаларидан фойдаланиш даражаси сустлиги;
- энг янги тиббий аппаратура ва уни ишлатиш услублари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаслик;
- шифокорлар фаолиятида дори воситаларни қўллаш ҳақида саёз билимга эга бўлиши;
- тез ва шошилиш ёрдам беришда тез фикрлай олмаслик;
- битирувчини поликлиник секторларида тайёрланиш даражаси сустлиги.

Ушбу муаммолар Ўзбекистон Республикасининг барча олий тиббий таълим тизимини хавотирга солмоқда. Таълимни анъанавий услублари (маълумотни қабул қилиш ва ёдлаш) бугунги кунда унга ажратилган вақт ва сифати бўйича яроқсиздир. Ўқув жараёнига буткул ўзгача ёндашиш зарур. Бунинг натижасида олий таълим даргоҳини муаммоларни комплекс ҳал қила оладиган билимли мутахассис тугатади.

Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти ҳам ушбу зарур ва мураккаб ишдан четда қолгани йўқ. 2001 йилдан бошлаб талабалар клиник фикрлашини баҳолаш варақалари (ТКФБВ) ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда.

Булажак шифокорнинг клиник компетенцияси ахборотни узлаштириши билан бирга, уни ўз вақтида қўллашга ҳам боғлиқ. Диагностик ва даволаш тадбирларни тез ва аниқ ўтказиш, беморни даволаш учун барча маъсулиятни ўз зиммасига олиш зарур. Институт мутахассислари ушбу талабга жавоб бера оладиган ўзига хос ўқув қўлланма – ТКФБВни яратдилар. Ушбу варақаларда клиник, инструментал ташҳиснинг услублари, уларнинг интерпретацияси, даволаш стандартлари, индивидуал даволаш усуллари, реабилитация масалалари клиник кафедралар ишчи дастурларда кўзда тутилган барча нозологик бирлик бўйича ёритилган.

ТКФБВ нафақат билим берувчи, балки назорат қилувчи ўқув қўлланма бўлиб, талабанинг билими ва клиник фикрлашини, берилган вазиятни тезкор таҳлил этиб, тиббий ёрдам курсатишнинг оптимал усулини топиш – клиник компетентликни баҳолаш имконини беради.

Талабалар кўйидаги жадвални тўлдирадилар.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		

Бу услуб талаба мустақил ишлашини ҳам бир кўриниши ҳисобланади. Педагог ҳар бир топшириқни муҳокамадан ўтказди ва хатоларни тўғрилайди. Сўнгра балл билан баҳолайди.

Ҳар бир клиник вазият шифокорнинг амалий фаолиятида қўллаш мумкин бўлган аниқ клиник вазият сифатида кўриб чиқилиши лозим.

5-курс талабалари учун ТКФБВ энг содда кўринишда бўлиб: клиника, лаборатор ва инструментал ташҳисот интерпретациялаш билан, қиёсий ташҳис ва даволаш стандартлари ёритилади.

ТКФБВни қўллаш талаба тимсолида нафақат ўқувчини, балки бўлажак шифокорни кўриш имкониятини яратади. Педагог тўлдирилган варақаларни муҳокама этишда нафақат ўқитувчи, балки тажрибали шифокорни ролини ҳам бажаради.

Бундай қўлланма талабаларнинг билим ва амалий куникмаларини узлаштириш сифатини яхшилади, уларга мустақил фаолиятларининг дастлабки йилларида жуда қўл келади.

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Хомила ривожланишини кечикиши, диспластик шакли

Ёши: 1 кун

Тана вазни: 2300 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
1. Чақалоқ бўйи узунлиги ва тана вазни 10 центилдан паст бўлиши. 2. Дисэмбриогенез стигмаларини 5 дан ортик бўлиши ёки оғир ривожланиш нуқсонлари	1. Генетик текширув: А. Синдром Дауна В. Синдром Эдвардса С. Синдром Патау D. Синдром Шенешевского-Тернера E. Синдром Клайнфельтера	1. Кариотип узгариши: А. Трисомия 21+ В. Трисомия 18+ С. Трисомия 13+ D. Синдром 45 ХО E. Синдром 47 ХХУ	Ўтказил-майди	Ўтказил майди	1. Гипопластик шакли (жисмоний ривожланишни барча курсаткичларини пропорционал камайиши дисэмбриогенез стигмаларини мавжудлиги < 5 дан кам).	1. <u>Кювезда парваришлаш.</u> 2. <u>Кукрак билан овқатлантириш</u> (сут микдори муддатига етмай тугилган-лардек). 3. Rp: Sol. Vicasoli 1% - 1,0 D. t. d. n. 10 in amp. S. 0,2 мл дан м/о 4. Rp: Sol. Pyracetami 20% - 5,0 D. t. d. n. 10 in amp. S. 2 мл в/и томчилаб физ. эритмада. 5. Rp: Sol. Thiamini chloridi 2,5% - 1,0 D. t. d. N 10 in amp. S. 0,5 мл т/о. 6. Rp: Sol. Pyridoxini Hydrochloridi 5% - 1,0 D. t. d. n 10 in amp. S. 0,1 мл м/о. 7. Rp: Sol. Cyanocobalamini 0,01% - 1,0 D. t. d. n 10 in amp. S. 0,5 (50 мкг) мл м/о.
100% - 2	2	2	-	-	2	2
50% - 1	1	1	-	-	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	-	-	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Хомила ривожланишини кечикиши, гипотрофик шакли

Ёши: 1 кун

Тана вазни: 2300 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент ал текширув	Интерпретация		
Тугилганида гестацион ёшига нисбатан тана вазни етарли булмаслиги, буй узунлиги меъърида булганида.  Гестацион ёши. 38 хафта. Тугилганидаги тана вазни 2300 г (9 центил) Буй узунлиги 48 см (25 центил)	1.Кондаги глюкоза<2,2 ммоль/л. 2.Кон зардобдаги Са микдори<1,75 ммоль/л 3.Кон зардобдаги Mg микдори-<0,62 ммоль/л. 4.Кон рН <7,35 5.Полицитемия (веноз гематокрит микдор) НЬ-220 г/л; Эрит.7*10 <sup>12</sup> /л; Нт-0,65.  6.Генетик текширув: А. Синдром Дауна В. Синдром Эдвардса С. Синдром Патау D. Синдром Шерешевского-Тернера Е. Синдром Клайнфельтера	1.Гипогликемия: (N- 2,2-6,5 ммоль/л). 2. Гипокальциемия: (N- 2,0-2,74 ммоль/л). 3.Гипомагниемия (N-0,74-1,15 ммоль/л). 4.Ацидоз ( N-рН-7,35-7,45).  5.Кариотип узгариши: А. Трисомия 21+ В. Трисомия 18+ С. Трисомия 13+ D. Синдром 45 XO Е. Синдром 47 XXУ	Ўтказил майди	Ўтказил-майди	1.Гипопластик шакли (жисмоний ривожланишни барча курсаткичларини пропорционал камайиши) 2.Диспластик шакли (дизэмбриогенез стигмаларини мавжудлиги>5 3.Муддатига етмай тугилиши (гестацион муддати).	1. <u>Кюевзда парваришлаш.</u> 2. <u>Кукрак сути билан овкатлантириши</u> (сут микдори муддатига етмай тугилганлардек). 3. Rp: Sol.Vicasoli 1%-1,0 D.t.d.N.10 in amp. S. 0,2 мл дан м/о 4.Rp: Sol.Tocopheroli acetatis oleosae 5%-1,0 D.t.d.n.10 in amp. S. 0,3 млдан м/о. 5.Rp: Bifidumbacterini 5 доз D.t.d.N 10 in flac. S. 2 дозадан кунига 1 махал. 6. <u>Синдромли терапия</u> (огир соматик касаллик мавжудлигида)
100% - 2	2	2	-	-	2	2
50% - 1	1	1	-	-	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	-	-	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Хомила ривожланишини кечикиши, гипопластик шакли

Ёши: 1 кун

Тана вазни: 2500 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
Жисмоний ривожланишни барча курсаткичларини (буй узунлиги ва тана вазни) баравар нисбатда 10 центилдан камайиши	1.Кондаги глюкоза<2,2 ммоль/л. 2.Кон зардобдаги Са микдори<1,75 ммоль/л 3.Кон зардобдаги Mg микдори-<0,62 ммоль/л. 4.Кон рН <7,35. 5.Генетик текширув: А. Синдром Дауна В. Синдром Эдвардса С. Синдром Патау D. Синдром Шенешевского-Тернера Е. Синдром Клайнфельтера	1.Гипогликемия: (N- 2,2-6,5 ммоль/л). 2. Гипокальциемия: (N- 2,0-2,74 ммоль/л). 3.Гипомагниемия (N-0,74-1,15 ммоль/л). 4.Ацидоз ( N-рН-7,35-7,45).  5.Кариотип узгариши: А. Трисомия 21+ В. Трисомия 18+ С. Трисомия 13+ D. Синдром 45 ХО Е. Синдром 47 ХХУ	Утказилмайди	-	1.Гипотрофик шакли (буй узунлиги меърида булганида тана вазни паст булиши) 2.Диспластик шакли (дизэмбриогенез стигмаларини мавжудлиги>5 3.Муддатига етмай тугилиши (гестацион муддати).	1. <u>Кювезда парваришлаш.</u> 2. <u>Кукрак сuti билан овкатлантириш</u> (сут микдори муддатига етмай тугилганлардек). 3. Rp:Sol.Vicasoli 1%-1,0 D.t.d.n.10 in amp. S. 0,2мл дан м/о 4.Rp:Sol.Tocopheroli acetatis oleosae 5%-1,0 D.t.d.n.10 in amp. S. 0,3 млдан м/о. 5.Rp:Bifidumbacterini 5 доз D.t.d.N 10 S. 2 дозадан кунига 1 махал. 6. <u>Синдромли терапия</u> (огир соматик касаллик мавжудлигида)
100% - 2	2	2	-	-	2	2
50% - 1	1	1	-	-	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	-	-	0	0
Максимал балл – 10 б.						



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: (синдром) Жинсий криз

Ёши: 5 кун

Тана вазни: 3200 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>1. Хаётини 3-4 кундан бошлаб кукрак безларини дагаллашиши ва 7-8 кунга бориб юкори даражага етиши, баъзида кукрак сургичидан ок-сутсимон ажралмаларни чиқиши.</p> <p>2. Десквматив вульво-вагинит - жинсий тиркишдан куп микдорли шилимшик ажралмаларни ажралиши.</p> <p>3. Метрорагия-киндан кон кетиши.</p> <p>4. Милиа - бурун канотлари, кумирчаги ва пешонада оксарик тусли тугунчалар.</p> <p>5. Угил болаларда кукрак сургичи ва ёргок атрофидаги терини гиперпигментациялашуви.</p> <p>6. Ташки жинсий аъзоларни шиши. Уртача гидроцеле.</p>	<p>1. Умумий кон тахлили: Нв-156 г/л; Эрит.-<math>4,3 \cdot 10^{12}</math>/л; Лейк.-<math>9 \cdot 10^9</math>/л; С-56%; Лимф.-32; Эоз.4%; Мон.-6; СОЭ-6 мм/соат.</p>	<p>1. Умумий кон тахлили меъёрда.</p> <p>2. Бурун шилигини арборизацияси-микроскопик текширувда "папоротник" симптоми.</p>	<p>Утказилмайди.</p>		<p>1. Чақалоклар маститида-интоксикация симптомлари, маҳаллий яллигланишни классик белгилари (шиш, гиперемия, кукрак безида оғрик) кузатилади.</p> <p>2. Инфекцион, паразитар этиологияли вульвовагинитларда-киндан сероз-йирингли ажралмаларни ажралиши, маҳаллий яллигланиш белгилари ҳамда тегишли анамнез.</p> <p>3. Думба соҳаси билан тугилишда-жинсий аъзолардаги шиш; тугрук даврини хусусиятлари хисобга олинади.</p>	<p>Кўкрак безларини сезиларли катталашганида иссик стерил боғлам, камфора ёғи билан компресс қилинади. Rp: Sol.Camphorae oleosae 20%-100,0 D.t.d.n.1 in flac. S.Компресс учун. Кукрак безидаги ажралмаларни босиб чиқариш мумкин эмас. Кукрак безидаги тугунчалар яллигланганида кунига 2-3 мартаба шу жойларни калий перманганатни 0,5%ли эритмаси билан ишлов бериш керак. Rp: Sol.Kalii permanganati 0,5%-200 D.S.Ташки ишлов учун.</p>
100% - 2	2	2	-	-	2	2
50% - 1	1	1	-	-	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	-	-	0	0
Максимал балл – 10 б.						

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Чакалоқлар гемолитик касаллиги, сариклик шакли, огир даражаси, резус-келишмовчилик.

**Ёши** 2 кун

**Тана вазни:** 3000 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
1.Сариклик биринчи 6-12 соатда пайдо булади. Сарикликни даражаси апелсиндан бронза, лимон кейинчалик эса пишмаган лимон рангигача узгариб туради. 2.Гепатосплено-мегалия, склералар ва шиллик каватларни саргайиши кузатилади. 3.Бехоллик, адинамия, эммай куйиш, физиологик рефлексларни пасайиши.	1.Кон гурухи ва резусини аник-лаш (она Rh-0(I), чакалок Rh+III(B). 2.Периферик кон тахлили, тромбоцитлар. 3.Конда боғланмаган билирубин микдорини аниклаш. 4.Она сутида специфик антителоларни аниклаш.	1.Резус-омил буйича келишмовчилик 2.Нв микдорини пасайиши<100г/л (N-Нв-180 г/л). Тромбоцитопения<150 г/л (N-301±107). Ретикулоцитоз>7% (N- ретикулоцитлар - йўқ). 3.Гипербилирубинемия боғланмаган билирубин>342 мкмоль/л (N- 85 мкмоль/л гача). 4.Антителолар титри 1:16-1:32(N-abs).	Жигарни ультра-товуш ёрдамида текшириш	Жигар структураси эхогенлиги ортиши ва улчамларини катталашиши.	1.Наслий гемолитик анемиялар: наслий анамнез, иммунологик келишмовчиликни йўқлиги, эритроцитлар шакли, улчамлари хамда осмотик тургунлигини узгариши. 2. Обструктив саргаймалар: боғланган билирубин микдорини ортиши, ахолик нажас, тук рангли сийдик, жигар каттиклашган.	1. <u>Кукрак билан оқатлантириши.</u> 2. <u>Конни алмашлаб куйиши</u> Rh(-) 170-180 мл/кг. 3. <u>Фототерапияни</u> боғланмаган билирубинни микдори>205 мкмоль/л дан ортганда бошлаш зарур. 4.Rp:Sol.Glucosae 5%-200,0 D.t.d.n.3 in flac. S.150 мл дан в/и томчилаб. 5.Rp:Phenobarbitali 0,005 D.t.d.n.10 in tab. S.1 табл. кунига 3 марта.
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Чакалоқлар гемолитик касаллиги, анемик шакли.

**Ёши:** 1 кун

**Тана вазни:** 3000 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>1.Эрта ва доимий симптомлар - умумий яққол беҳоллик ва тери ҳамда шиллик каватларни очимтир тусдалиги. Очимтир ранг 5-8 кун яққол намоён булади.</p> <p>2.Гепатоспленомегалия.</p> <p>3.Енгил саргайиш.</p>	<p>1.Периферик кон тахлили. Эритроцитлар ва ретикулоцитлар микдори.</p> <p>2.Богланмаган билирубин микдорини аниқлаш.</p> <p>3.Кон гуруҳини аниқлаш.</p> <p>4.Резус-омилни аниқлаш.</p>	<p>1.Гемоглобин микдорини пасайиши 60-100 г/л гача(N-180-220 г/л). Эритроцитлар микдори <math>2,5 \cdot 10^{12}</math>/л гача камайган (N-<math>3,5 \cdot 10^{12}</math>/л); ретикуло-цитоз (N- ретикуло-цитлар-йўқ).</p> <p>2. Гипербилирубинемия: богланмаган билирубин микдорини ортиши &gt;85 мкмоль/л (N&lt;85 мкмоль/л).</p> <p>3.Кон гуруҳи: онаси I , чакалоқ II, II гуруҳли.</p> <p>4.Резус-омил буйича келишмовчилик. Она Rh(-), чакалоқ Rh(+).</p>	<p>Жигарни ультратовуш ёрдамида текшириш</p>	<p>Жигар структураси экзогенлиги ортиши ва улчамларини катталашиши.</p>	<p>1.Чакалоқлар гемолитик касаллигини шишли шакли-яққол намоён булган шишлар ички аъзоларда суюқлик тупланиши билан.</p> <p>2.Чакалоқлар гемолитик касаллигини сариклик шакли-1-2 кундан сарикликни пайдо булиши ва уни интенсивлиги ортиши: дастлаб апелсин, кейин бронза, лимон тусли, кейинчалик эса пишмаган лимон тусида.</p>	<p>1.<u>Қуқрак билан овқатлантириши.</u></p> <p>2.<u>Конни алмашлаб қуйиши</u> Rh(-) 170-180 мл/кг.</p> <p>3.<u>Фототерапияни</u> богланмаган билирубинни микдори &gt;205 мкмоль/л дан ортганда бошлаш зарур.</p> <p>4.Rp:Sol.Glucosae 5%-200,0 D.t.d.n.3 in flac. S.150 мл дан в/и томчилаб.</p> <p>5.Rp:Phenobarbitali 0,005 D.t.d.n.10 in tab. S.1 табл. кунига 3 марта.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

**5-курс**

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Кизилунгач ахалазияси

**Ёши:** 15 кун

**Тана вазни:** 2900 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
1. Хаётини 2-3 ҳафтасидан қушиш овкатлантириш вақтида узгармаган, ошқозон аралашмасисиз сут билан. 2. Ютиш қийинлиги. 3. Тана вазни кам қушиш.	Утказилмайди		1. Ошқозон-ичак тракти R-графияси. 2. Фиброгастро-дуоденоскопия.	R-граммада: кизилунгачни дифрагмани пастки соҳасида "сичкон думи", "редиска думи" тасвирида қуриниши; эвакуацияни сусайиши, кейин эса контрастни ошқозонга тусатдан тушиб кетиши. Эндоскопияда: кизилунгач кенгайган, кардияга қириш воронкасимон қуринишда, лекин аппарат ундан эркин утади.	1. Халазияда: R-граммада ошқозондан кизилунгачга контраст моддани ретроград қайтиши. Эндоскопияда- кардияни очилиб туриши, эзофагит. 2. Пилороспазма - R-граммада ошқозонда контраст моддани 2 соатдан ортик сакланиб қолиши. Эндоскопияда-ошқозон қириш қисми тирқиш қуринишида.	1. Оз микдордан қунига 10 -12 мартаба овкатлантириш. 2. Rp: Sol. Thiamini bromidi 3%-1,0 D.t.d.n. in amp. S. 0,3 мл дан м/о. 3. Rp: Sol. Novocaini 0,25%-50,0 D.t.d.n. 1 in flac. S. 1 чой қошигидан ҳар овкатлантиришдан олдин. 4. Rp: Sol. Natrii bromidi Tincturae valerianae āā 2,0 Tinct. belladonnae 1:10-12 gutt. Aq. destillata 100,0 M.D.S. Овкатлантиришдан 30 минут олдин 1 чой қошигидан.
100% - 3	-	-	1	1	2	3
50% - 1,5	-	-	0,5	0,5	1	1,5
Жавоб йўқ - 0	-	-	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Физиологик сариклик

Ёши: 3 кун

Тана вазни: 3200 г.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
1.Сариклик ҳаётини 2-3 кунда пайдо булади; 2.Муддатига етиб тугилган чакалоқларда 6-10 кун, муддатига етмай тугилган чакалоқларда эса 1 ойгача муддатда йўқолади. 3.Склералар ҳам саргаяди. 4.Жигар катталашмаган.	1.Богланмаган билирубин: 90-150 мкмоль/л 2. Сийдикни интенсив буялиши. 3.Билирубинни киндик конидаги миқдори-35 мкмоль/л 4.Билирубинни усиши- 2,6 мкмоль/л/соат (усиш богланмаган билирубин хисобига)	1.Енгил гипербилирубинемия (богланмаган билирубин N-муд.етмай тугилган чакалоқларда-85-171 мкмоль/л; муддатига етиб тугилган чакалоқларда -60-145 мкмоль/л). 2. Билирубинни ажралиши хисобига сийдикни интенсив буялиши. 3.Киндик конидаги богланмаган билирубинни миқдори меърида (>34 мкмоль/л). 4.Билирубинни соат сайин усиши меърида (N-1,7-2,6 мкмоль/соат)	-	-	1.Чақалоқлар гемолитик касаллиги: богланмаган билирубин миқдори биринчи 24 соатдан кутарилган; онасида Rh- манфий, АВО гуруҳ. Кумбс синамаси мусбат. 2.Хомила ичи инфекциялари (гепатит, цитомегаловирусли инфекция, токсоплазмоз, кизилча, сифилис). Специфик антителоларга серологик реакциялар. Вирусологик текширув: вирусни пуфакчалар суюқлигидан топиш; оркамия суюқлигини цитологик текшируви. 3.Ут чиқариш йулларини ривожланиш нуксонлари. Сариклик 1-2 хафтада пайдо булади. Умумий билирубин миқдори богланган ва богланмаган билирубин хисобига ортади.	1. <u>Чақалоқ талабига кура эрта кукрак билан эмиши.</u> 2. <u>Фототерапия.</u> 3. <u>Кун миқдорда суюқлик ичиши.</u> Rp:Sol.Glucosae 5%-100,0 D.S.Суткасига 30 мл дан оғиз оркали ичириш учун. 4.Rp: Phenobarbitali 0,1 D.t.d. N10 in tab. S. 0,001дан суткасига 2-3 махал.
100% - 2	2	2	-	-	2	2
50% - 1	1	1	-	-	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	-	-	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Пилороспазм

Ёши: 8 кун

Тана вазни: 3000 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>Пилороспазм -ошқозон чиқиш қисми спазми бўлиб, ошқозондан овқат утишини қийинлаштиради.</p> <p>1.Қайт қилиш овқатланишдан "анча кейин" кейинги овқатланишга яқин. Қусик массалари куп микдорда, ивиган, нордон, ут аралашмасисиз, унинг хажми берилган овқат хажмидан ошмайди.</p> <p>2.Тана вазни ортиши жуда паст.</p>	Утказилмайди	-	<p>1.Ошқозон-ичак тракти контраст R-графияси.</p> <p>2. Фиброгастроуденоскопия.</p>	<p>1.Рентгенограммада контраст барий аралашмаси юборилгандан 2 соат сунг - контраст массани сакланиб қолиши.</p> <p>2.Эндоскопияда - привратник спазм ҳолатида, бекилиб турган тирқиш қуринишида, ушбу тирқишдан факат аппарат зонди билан утиш мумкин. Бу ҳолат органик келиб чиқишли пилородуоденал тутилишни истисно қилиш имконини беради.</p>	<p>1.Кизиунгач ахалазияси-нисбатан қатта ёшда (2-3 ойлик) намоён бўлади. Асосий белгиси - овқатлантириш вақтида ҳозир берилган сунг, ошқозон аралашмасисиз қайт қилиш. Тана Тана вазни: :ни қушиш етарли даражада эмас. R-граммада кизилунгачни диафрагмани пастки соҳасида "сичкон думи" тарзида торайиши, эвакуацияни кечикиши кузатилади.</p> <p>2.Кизилунгач ҳалазияси - пастки кизилунгач сфинктерини етишмовчилиги. Қайт қилиш овқат берилгандан сунг тезда, қайта-қайта, оз микдорда. R-граммада ошқозондан кизилунгачга контраст моддани ретроград қайтиши.</p> <p>3. Пилоростеноз - хаётини 2-4 ҳафтасидан бошлаб ҳар овқат берилгандан сунг "фонтан" қуринишидаги қайт қилиш; қусик массалари берилган овқат хажмидан куп. Озиб кетиш ва сувсизланиш белгилари кучаяди. "Қумсоат" симптоми.R-граммада ошқозон улчамларини кенгайиши, бирламчи эвакуацияни сусайиши, пилорик канални торайиши ва узайиши.</p>	<p>1.<u>Оз микдордан соғилган она сүтини</u> 40-50 мл дан қунига 10 маротабагача бериш.</p> <p>2.<u>Овқатлантиришни</u> 10% манний бутқасидан 1 чой қошигида беришдан бошлаш.</p> <p>3.<u>Қайт қилиш доимий бўлганда:</u> Rp: Sol.Aminazini 2,5% - 1,0 D.t.d.n2 in amp. S. 0,3 мл м/о. Rp: Sol.Pipolpheni 2,5%-2,0 D.t.d.n 2 in amp. S.0,3 мл м/о.</p>
100% - 2	-	-	2	2	2	2
50% - 1	-	-	1	1	1	1
Жавоб йўқ - 0	-	-	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Муддатига етмай тугилган чакалок, 35 хафталик

Ёши: 1 кун

Тана вазни: 2300 г

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>1. Териси юзаки кипикланиш билан томирлар тасвири буртиб турибди.</p> <p>2. Ланугоси юпка ва нозик.</p> <p>3. Товонини юкори кисмида битта кундаланг бурма.</p> <p>4. Кукрак безларини ареоласи кутарилган, 3-4 ммли тугунчалар.</p> <p>5. Кулок супралари юмшок, тез букилади.</p> <p>6. Эркаклар жинсий аъзолари – мойклар ёргокка тушмокда, ёргокда бир нечта бурмалар мавжуд; Аёллар жинсий аъзолари: катта ва кичик уятли лаблар бир текисда чикиб турибди.</p> <p>7. Куллар тирсақда бир оз букилиб, оёклар тиззада букилиб ва ажралиб турибди.</p> <p>8. "Квадрат дераза" 45°</p> <p>9. Кулларни бериши тез, лекин тулик эмас.</p> <p>10. Тизза ости бурчаги 110°</p> <p>11. "Эгри ҳаракат" симптоми - тирсақ урта чизикгача етиб боради.</p> <p>12. Товон букилганда кулокка етиб бормади, оёклар тизза бугинида 160°га ёйилган.</p>	<p>1. Умумий кон тахлили</p> <p>2. Кондаги билирубин микдори</p> <p>3. Умумий сийдик тахлили</p> <p>4. Копрология</p>	<p>1. Кон тахлили меърида (N - Нв 135-177 г/л, Ер 4,6-7*10<sup>12</sup>/л, L 6-12*10<sup>9</sup>/л).</p> <p>2. Сарикликни билирубинни 85 мкмоль/л га етганида пайдо булиши, хаётини 5-8 кунда максимал гипербилирубинемия 137-171 мкмоль/л. Узакли сарикликни ривожланиши хавфи билирубинни микдори 170 мкмоль/л.</p> <p>3. Сийдик тахлили меърида: (N- нисбий зичлиги 1002-1015, рН 5-8, глюкоза ++. Лейкоцитлар курув майдонида 5% , Ер 1-2 та.</p> <p>4. Нажаси ялтирок тусли ёг булакчалари билан, таркибида нейтрал ёг ва ёг кислоталари мавжуд.</p>	<p>1. Морфофункционал етуклигини Боллард жадвали ёрдамида аниклаш.</p> <p>2. Нейросонография.</p>	<p>1. Боллард жадвали буйича баллар йигиндиси 29, 35-36 гестацион хафтага мос келади.</p> <p>2. НСГ мия етуклиги даражасини, мия ичига кон куюлишларни, кальцификатларни, яллигланишни, мияда ривожланиш нуксонларини аниклаш имконини беради.</p>	<p>1. Хомила ривожланишини кечикишида-дисэмбриогенез стигмалари мавжуд.</p> <p>2. Муддатига етиб тугилган чакалок:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Териси силлик, оч пушти тусли;</li> <li>• Лануго факат билан ва елка сохасида бор;</li> <li>• Товонни барча юзасида бурмалар яккол намоен булиб туриюди;</li> <li>• Кулок супраларида тогай тукумаси яхши ривожланган;</li> <li>• Угил болаларда мойк ёргокка тушган ва ёргокни бурмалари ривожланган;</li> <li>• Киз болаларда катта уятли лаблар кичик уятли лабларни беркитиб турибди.</li> </ul>	<p>1. <u>Муддатига етмай тугилган чакалоқларни парваришлаш бўлимига утказиш.</u></p> <p>2. <u>Температур режим</u> - 24-25°С палатада.</p> <p>3. <u>Овқатлант ириши</u> - она сути.</p> <p>4. <u>Чумилтириши.</u></p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Шошилинч ҳолат: нейротоксикоз 2 даража

Ёши: 8 ой

Тана вазни: 8 кг

Ташхислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ёткизишга кўрсатма	Транспортировка
<p>Хушни бузилиши - сопор, кома  <b>Микроциркуляциянинг бузилиши</b> - рангпарлик, мраморсимон кўриниш, капилляр синама 2 секунддан ортик, кўл-оёқларнинг музлаши  <b>Юрак етишмовчилиги</b> - ЮУС 120 – 180 та минутига, САБ кутарилган  <b>иситма</b> –  <b>Диурезнинг камайиши</b>  <b>Талваса эҳтимоли</b> – энцефалитик реакция (клонико-тоник)</p>	<p><b><u>нейровегетатив тўсик:</u></b>                      Rp: Sol. Droperidoli 0,25 % 10.0                      DS: 0.1 мл/кг (0,8) мл в/и ёки                      Rp: Sol. Aminazini 0,5 % 1.0                      DS: 0.02 мл/кг 0,2 мл в/и  <b><u>томир кенгайтирувчи:</u></b>                      ганглиоблокаторлар                      Rp: Sol. Pentamini 5 % 1.0                      DS: в/в 0,5 мл/кг (4.0)                      сув-электролит мувозанатин                      меъёрлатиш:                      перорал нормогидратация - 750 мл</p>	<p>- тана ҳарорати                      - тери ранги                      - капилляр синама                      - ЮУС</p>	<p>20 минут давомидаги шошилинч ёрдам самарасизлиги (тери ранги, ЮУС, ҳарорат)</p>	<p>Бемор ҳолати – тургун ёнбош</p>
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Шошилинч ҳолат: Инфекцион-токсик шок 3 даража

Ёши: 2 ой

Тана вазни: 5 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ётқишишга кўрсатма	Транспортировка
<p>-касалликнинг тўсатдан бошланиши ёки касаллик кечувининг критик оғирлашуви</p> <p>-тўсатдан гипотермия ҳолатига тушиши билан ҳароратнинг юкори курсаткич-ларга кўтарилиши</p> <p>-АБ нинг катастрофик тушиши (САБ 60 дан кам ёки периферической артерияларда пульснинг йўқолиши)</p> <p>-тери-геморрагик синдром (петехилар и экхимозлар)</p> <p>-кон кетиши (кофе куйкасига ўхшаш қусиш, дегтесимон нажас, гематурия, инъекция жойларидан кон кетиш).</p>	<p>1. венага йўл очиш – кўлтик ости венаси пункцияси ёки венесекция</p> <p>Rp: Hydrocortisoni hemisuccinati 0.1</p> <p>DS: 1,0 мл эритмада эритиб, в/и 0,1 мл/кг (5.0)</p> <p>2.Плазмозспандерлар инфузияси – агар самара бўлмаса (САБ&lt;60)</p> <p>Rp: Sol. Disoli 500.0</p> <p>DS: в/и 10-20 мл/кг (50 – 100 мл) 30-40’ давомида</p> <p>3. Агар 5 минут давомида самара бўлмаса– вазопрессорлар</p> <p>Rp: Sol. Mesatoni 1 % 1.0</p> <p>DS 1 мл 200 мл инфузион эритма билан минутига -40-60 томчидан ҳар 2-3 минутда АБ ни, юбориш тезлигини назорат қилган ҳолда (САБ &gt;60га ошишига эришиш) ёки болус-гантибда - 1 мл.</p> <p>Rp: Sol. Noradrenalini hydrotartrati 0.2% 1.0</p> <p>DS: мезатонга қаранг</p> <p>4. агар самара бўлмаса – гидрокортисонни қайта юбориш ва доимий плазмозспандерлар инфузияси</p>	<p>- САБ</p> <p>- ЮУС</p> <p>- капилляр синама</p> <p>- тери ранги</p>	<p>Албатта шошилин касалхонага ётқишиш</p>	<p>Эхтиётлик чорасидаги ташиш (тўсатдан юзага келадиган БУБ га кон куйилиш хавфи).</p> <p>Бемор ҳолати – тургун ёнбош</p> <p>Йўлда – вазопрессор (мезатон 1% ёки норадреналин 1%)нинг дисолдаги эритмаси минутига 40-60 томчидан СҚБ назорати остида (70 дан ортик булиши керак)</p>
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Шошилинч холат: Кишша токсикози

Ёши: 1 ёш

Тана вазни: 10 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ётқишига кўрсатма	Транспортировка
<p>-асабий кўзгалувчанлик -тахикардия 200 дан ортик -тургун ЮЕ (периорбитал ва периферик шишлар, гепатомегалия, ўпка шиши). -ЮУС/НС 4:1 дан ортик -сон соҳасида мумсимон бурмалар -ичак парези (корин дам бўлиши, ичак перильсталтик шовкинларининг сусайиши ёки йўқолиши) -артериал гипотония -“Кувилган ит” нафаси</p> <p><b>ЭКГ – белгилари:</b> Т-Р- интервалнинг йўқолиши (Тнинг Р га усмауст тушиши). QT депрессияси манфий Т QRS кенгайиши QT интервалнинг узайиши брадикардия юррак тўхташи</p>	<p>1. асабий кўзгалувчанликни йўқотиш - Rp: Sol. Seduxeni 0.5 % 2.0 DS: в/в 0,1 мл/кг (1.0) агар самара бўлмаса Rp: Sol. Natrii oxybutirati 20 % 10.0 DS: 10 мл физ. э-мада эритиб, в/и 0,5 мл/кг (5 мл)</p> <p>2. Тахикардияни йўқотиш: - QT интервалнинг узайишида Rp: Sol. Calcii gluconati 10 % 10.0 DS: в/и минутага 0,03 мл/кг тахикардии йўқолунча (минутага 0.3 мл) -ёки TP интервалнинг кискаришида Rp: Sol. Isoptini 0.25 % 2.0 DS: в/в 0,8 мл в 20 мл 20% глюкозада в/и</p> <p>3. Кислород ингаляция доимий (бурун катетери ёки маска оркали 4 л/мин 45%).</p> <p>4. Нейровегетатив тўсик + томир кенгайтирувчилар</p> <p>5. Ўпка шишида: -интратрахеал (интубация ёки трахея пункцияси) кўпик ўчиргич (30% спирт, антифомсилан 10%, силикон 10% - 1 мл). Rp: Sol. Pentamini 5 % 1.0 DS: в/и 0,5 мл/кг (5.0) Rp: Sol. Furosemidi 1 % 2.0 DS: в/ви0,2 мл/кг (2.0) шошилинч строфантин юбориш Rp: Sol. Strophantini 0.05 % 1.0 DS: 0,2 мл 10 мл дисол билан, аста-секин в/и</p>	<p>- ЮУС - НС - Капилляр синама - Тери ранги</p>	<p>Албатта шошилин касалхонага ётқишиш</p>	<p>Бемор холати – онанинг кулида вертикал холатда</p>
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

**5-курс**

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолат:** ўткир ларинготрахеитда 3 даражали ларингостеноз

**Ёши:** 2 ёш

**Тана вазни:** 12 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ётқишишга кўрсатма	Транспортировка
- ЎРВИ белгилари (иситма, тумов, томок кизариши) -ит хуришига ухшаш йўтал -Стридор -Инспиратор хансираш -жисмоний зўриқишда таркалувчи тинч ҳолатдаги периорал цианоз, -2-3 даражали ретракция	1. Кислород ингаляцияси (гипероксид синама). 2. Чалгитувчи даволаш (оёк ваннаси) Қ ишқорли суюқликлар ичириш. 1. Венага йўл очиш  Rp: Sol. Prednisoloni 3 % 1.0 DS: в/и 0,15 мл/кг (1.8 мл)  Rp: Sol. Adrenalini hydrochloridi 0.1 % 1.0 DS: в/и 0,01 мл/кг (0.12 мл)	- нафас хажми - нафас шовқини - НС - ретракция	Шошилинч ёрдам самарасизлиги	Бемор ҳолати – ярим ўтирган - Йўлда кислород ингаляцияси билан ташишни амалга ошириш (70 %, 3-4 л/мин), трахея интубациясини ўтқишишга тайёр туриш.
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолат:** Обструктив бронхитда 3 даражали ўткир бронхиал обструкция

**Ёши:** 4 ой

**Тана вазни:** 6 500 г

Ташхислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ёткизишга кўрсатма	Транспортировка
-ифодаланган безовталик -узокдан эшитилувчи хириллашлар. -Экспиратор ёки аралаш хансираш -Ретракция -Ўпкада аускультатив: -ўпка эмфиземаси (суст нафас, бронхофония, кутигасимон товуш). -Гиперкриния – нафас чикарганда кўпол гижилловчи хириллашлар. -Шиш – нафас чикарганда таркок майда пуфакчали ва субкрепитацияли хириллашлар. -Бронхоспазм – нафас чикарганда курук хуштаксимон хириллашлар. -«Соков» ўпка (нафас сусайган, хириллашлар йўқ) – ифодаланган ЎБО.	1. НС 60 дан ортик бўлса, 45% ли кислород ингаляцияси 4 л/мин 2. венага йўл очиш 3. Rp: Sol. Euphilini 2.4 % 10.0 DS: в/в 0,3 мл/кг (2.0)в/и	- нафас хажми - нафас шовкини - НС - ретракция	Албатта шошилинч касалхонага ёткизиш	Бемор ҳолати - ярим ўтирган Доимий 45% ли кислород ингаляцияси (4 л/мин) билан
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолат:** Плевра ичи таранглашиш синдроми, ўткир шакли, очик пневмоторакс

**Ёши:** 3 ёш

**Тана вазни:** 14 кг

Ташхислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ёткизишга кўрсатма	Транспортировка
-кескин безовталик, кўркув -кийналиб нафас олиш, озги билан хавони ушлашга ҳаракат килиш -тери рангпарлиги, совук ёпишкок тер -кучайиб борувчи (таркалувчи) цианоз -АБ нинг тушиши - трахеянинг сагиттал чизикдан силжиши -юрак тонлари проекцияларининг силжиши -кўкрак кафасида ёки бўйинда ёки коринда хаво сўрувчи яра -кўкрак нафаси жарохатланган томонининг нафас олишда орқада колиши -тимпанит – кўкрак кафаси жарохатланган томонида нафас шовкинларининг йўқлиги шумў <b>касал томонида</b> -секин-аста ковургалар ораликларининг силликлашуви	1. ҳолат – ярим ўтирган. 2. хаво сўрувчи ярага окклюзион боғлам кўйиш 3. Маска оркали 100 % ли кислород ингаляцияси (6-8 л/мин) 4. Маска оркали 45 % кислород ингаляцияси (6 л/мин)	- САБ - Капилляр синама - ЮУС - НС - Ретракция - Трахея проекцияси - Юрак тонлари проекцияси	Албатта шошилинч касалхонага ёткизиш	Бемор ҳолати – ярим ўтирган Маска оркали 45 % ли кислород ингаляцияси 6 л/мин
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

**5-курс**

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолат:** ЎИИ да 2 даражали эксикоз

**Ёши:** 1 ёш

**Тана вазни:** 10 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ётқишишга кўрсатма	Транспортировка
-1 секунддан ортиқ вақтда тери бурмасининг тикланиши -лаблари курук -тери курук -кўз олмалари ригидлиги -диурез камайган -корин дам эмас, перильстальтик шовкинлар аниқ эшитилади	1. глюкоза-гузли эритмаларни қўп ичириш (180 – 200 мл/кг /2 литр/ кунига)	- тери бурмасининг тўғриланиши - тери ва лабларнинг куруклиги - тана ҳарорати	Эпидемик ёки социал-маиший кўрсатмалар асосида касалхонага ётқишиш	Бемор ҳолати – она кулида эркин
100% - 4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50% - 2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Шошилинч ҳолат: ЎРВИ да гипертермик синдром («ок» иситма)

Ёши: 5 ёш

Тана вазни: 20 кг

Ташхислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ётқишишга кўрсатма	Транспортировка
-безовталиқ, уйқучанлик ёки делерия. -совукотиш ёки совукни хис қилиш. -рангпарлик. -акроцианоз. -қўл-оёқларнинг музлаши. -тахикардия. -тез-тез нафас олиш - <b>ЎРВИ белгилари (бурундан суюқлик ажралиши, томоқ кизариши)</b>	1. Rp: Sol. Analgini 50 % 1.0 DS: м/о 0,1 мл/ёш (0,5 мл)  2. Rp: Sol. Droperidoli 0.25 % 10.0 DS: м/о 0,1 мл/ёш (2,0 мл)  ёки  Rp: Sol. Dimedroli 1 % 1.0 DS: м/о 0,05 мл/ёш (0,3 мл) ёки  Rp: Sol. Pipolpheni 2.5 % 2.0 DS: в/м 0,01 мл/кг (0,2 мл) 2. агар самара бўлмаса – 4 мартагача 5 минут оралатиб илик сув билан артиш	- Хулқи (ўзини тутиши) - тана ҳарорати - тери ранги	Геморрагик тошмаларни излаш: - агар бор бўлса – юқумли касаллоиклар шифохонасига ётқишиш. - Агар йўқ бўлса – участка шифокори назорати остида уйда қолдириш.	
100% - 4,0	3,0	1,0	2	-
50% - 2,0	1,5	0,5	1	-
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	-
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Шошилинч ҳолат: буйрак санчиги

Ёши: 9 ёш

Тана вазни: 28 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ёткизишга кўрсатма	Транспортировка
-бел соҳасида ёки коринда кесувчи оғриklar -коринга, бурун бўшликига (ёргокка, жинсий лабларга сон соҳасига) иррадиацияланади -дизурия -пайпаслаганда умуртка-ковурга бурчагидаги оғрик	1. Rp: Sol. Analgini 50 % 1.0 DS: м/о 0,1 мл/ёш (0,9 мл)  Rp: Sol. Nospani 2 % 1.0 DS: м/о 1.0 мл ёки  Rp: Sol. Papaverini hydrochloridi 2 % 2.0 DS: м/о 0,3 мл/ёш, 2,0 мл дан ошмаслиги шарт (2,0 мл) 2. Бел соҳасига грелка ёки иссик ванна	- оғрикнинг мавжудлиги - дизурия	Агар самара бўлмаса ёки санчиш биринчи марта кузатилаётган бўлса	Бемор ҳолати - эркин
100%      -      4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50%        -      2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ -      0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				



**5-курс**

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолат:** чин чўкиш

**Ёши:** 10 ёш

**Тана вазни:** 30 кг

Ташҳислаш мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам самарасини баҳолаш	Касалхонага ёткизишга кўрсатма	Транспортировка
-хушсиз (оғрикга жавоб реакцияси йўқ) -нафас йўқ (кўринмади, эшитилмади, сезилмади) -кон айланиш йўқ (уйку артериясида пульс йўқ) - биологик ўлим белгилари йўқ («эриётган музчалар», «мушук кўзи» симптомлари манфий)	1. бўйин соҳасида жароҳат, деформация, шишларни текшириш (умуртка погонасининг бўйин қисми шикастланиш белгилари) 2. агар шикастланиш белгилари бўлмаса, беморни кутқарувчининг буқилган сон соҳасига корни билан ёткизиб, 15 секунд давомида кўкрак қафасини ён томондан сиқиш 3. агар шикастланиш белгилари аниқланса, бош ва бўйинни стабил ушлаб туриб, беморни орқаси билан ётган ҳолатда кўкрак қафасини сиқиш 4. агар шикастланиш бўлмаса – бемор бошини орқага эгиш	Хуши даражаси Нафас олиш товуши ва ҳажми Уйку артерияда пульс пайдо бўлиши ЮУС НОС	Мажбур Тезкор Йулда реанимацион ҳаракатлар кислород ингаляция билан (100 % 8 – 10 л/мин) давом этиш	
100% - 4,0	3,0	1,0	2	-
50% - 2,0	1,5	0,5	1	-
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	-
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Шошилинч ҳолати:** Героин (опиатлари) билан оғир даражадаги заҳарланиш **Ёш:** 15 ёш

**Тана вазни:** 40 кг

Диагностик мезони	Шошилинч ёрдам баённомаси	Шошилинч ёрдам кўрсатилгандаги эффектив назорат	Шифохонага ётқишига бўлган кўрсатма	Транспортировка
-Кома -Нафас фолитини то тўхташгача бўлган ҳолати -Артериал гипотензия -Брадикардия -Миоз (гипоксияда мидриаз холида ҳам бўлиши мумкин)	1. ABC ёрдам 2. Беморни маҳкам қилиб турғунлаштириш 3. Налоксон 400 мкг (1,0 мл) 2 – 3 минут ичида вена ичига. Кейин ҳар 3 – 5 минутда то хушига келгунча ва нафас олиши тиклангунча юборилади	ABC баҳолаш ЮҚС НС Налоксонни умумий доза миқдори (агар 10 мг ва эффект бўлмганда бошқ наркотик моддалар таъсири ҳақида ўйлаш керак.)	Мажбури токсикологи марказга ётқишиш	-Тикловчи ҳолатни бериш -Кислородли ингаляция маска орқали 8 л/мин -Керак бўлганда СН -Уйғотиш керак эмас -Маҳкамланганлиги сифатини назорат қилиш
100%    -    4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
50%       -    2,0	1,5	0,5	0,5	0,5
Жавоб йўқ   -    0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Қайталувчи бронхит.

Ёши: 12 ёш.

Тана вазни: 35 кг.

Клиника	Ташҳислаш				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p><b>Шикоятлари:</b> йўтал, умумий холсизлик, йўтал ОРЗ дан 3 кундан кейин пайдо бўлган. 3-5 hafta давом этган. Йўтал аввал курук, кейин хўл бўлган.</p> <p><b>Анамнезидан</b> аниқланишича, бола 1 йилда 3 марта ОРЗ билан касалланган, йўтал азобловчи.</p> <p><b>Объектив:</b> умумий ахволи ўртача оғирликда, бўшашган, териси оқарган, бурун – лаб учбурчаги цианози, чодир қизарган, мўртак беги катталашган. ўпкада перкутор ўпка товуши, аскультация Ҳар-хил калибри хуштаксимон хириллашлар.</p>	<p><b>Умумий қон таҳлили:</b></p> <p>1) Гемоглобин 110 г/л</p> <p>2) Эритроцитлар- <math>3,8 \times 10^{12}/л</math></p> <p>3) Рк-0,9</p> <p>4) Лейк-<math>10,0 \times 10^9/л</math>,</p> <p>5) ЭРИТРОЦИТЛАР ЧУКИШ ТЕЗЛИГИ- 12мм/ч,</p> <p>6) ядро сегм. - 55%</p> <p>7) эозинофил-3%</p> <p>8) моноцит-4%</p> <p>9) лимфоцит - 57%.</p> <p><b>Иммунограмма:</b> Хужайра ва гуморал иммунитетини пасайиши</p>	<p>Конда лейкоцитоз (лейкоцитлар сонини ортиши, нормада <math>4 \cdot 10^9/л</math>), эритроцитларроцитлар чукиш тезлигининг ортиши (нормадан 2-10 мм/с), инфекцион яллиғланиш хисобига, лимфоцитоз (лимфоцитлар сонини ортиши нормадан 19-37%) вирусли инфекция хисобига келиб чиқади.</p>	<p><b>Рентгенограмма</b> ўпка рентгенограммасида ўпка сурати кучайиши. ўпка илдизи кенгайиши. ўчоқлик соя аниқланмади.</p>	<p>Бронхитга хос тасвир</p>	<p>Сурункали пневмония – йўтал эрталаб, жисмоний ривожланишда орқада қолиш, балғам кўп микдорда, Кўкрак кафаси деформацияси. Рентгенда ўпка тасвирининг кучайиши ва деформацияси, бронхлар девори қалинлашган. Пневмосклероз бир ёки бир неча сегментда.</p>	<p><b>1. Ўткир даврда</b> Ётоқ режим 3-5 кун. Пархез – 15 стол. <b>Антибактериал даво:</b> Ампициллин таб. 0,5 х 4 марта. Ампиокс, Цефазолин Rp: Ampicillini - natrii 0,5 Ds: 0,5 х 4 маҳал м/о <b>Муколитик препаратлар:</b> Бромгексин таб. 0,04 х 3 марта. Муколтин 0,05 х 3 марта 10 кун Лазолван 0,03 х 3 марта 10 кун Rp: Tab. Mucaltini 0,05 Ds: 1 таб. х 3 маҳал ичишга <b>Витамин даво:</b> Аскорутин – 1 таб. х 3 марта, В1, В6 Rp: sol. Pyridoxini hydrochloridi 5% - 1 ml Ds: 1 мл х 1 маҳал м/о <b>Физиотерапия:</b> 2% сода билан ингаляция. Постурал дренаж ва вибрацион массаж. <b>2 Ремиссия даври</b> Бронхомунал 1 ой давомида 1 капс. х 3 марта. қиздириш. Нафас гимнастика. Санатория курорт даволаш.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Ўнг томонлама пастки бўлакнинг (крупоз) пневмонияси, ўткир кечуви, асоратсиз.

**Ёши:** 12 ёш.

**Тана вазни:** 36 кг.

Клиника	Ташҳислаш				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>Тана харорати бирдан ошиши, қалтираш, умумий холсизлик, бош оғриғи, бош айланиши, толиқиш, оёқ қўлларда холсизлик, қусиш, ўнг қовурға остида оғриқ.</p> <p><b>Объектив қўрувда:</b> боланинг ахволи оғир, кучли интоксикация, тери рангпар, лаблар қуруқ, нафас етишмовчилик белгилари кузатилади: бурун лаб учбурчашда цианоз, хансираш, нафас олиш ёрдамчи мушаклар иштирокида. Хўл йўтал, кам микдордаги балғам билан. Болада Кўкрак қафасининг ўнг томони нафас олишда ўнг қовурға остида оғриқ. Перкуссияда: ўнг томонда айниқса пастки бўлакда тўмтоқ товуш. Овоз дириллаши сусайган, бронхофония кучайган.</p> <p><b>Аускультацияда:</b> ўнг томонда пастки бўлак соҳасида бронхиал нафас фонидаги юмшоқ крепитацияланувчи хириллашлар, чап томонда дағал нафас. Юрак тонлари бўғиқлашган, чўққида систолик шовқин. Қорин юмшоқ, ўнг қовурға остида оғриқ. Жигар +2см. Талоқ пальпацияланмайди. Ич келиши ва диурез меъёрда.</p>	<p><b>Умумий қон таҳлили:</b></p> <p>Гемоглобин– 120г/л., Эритроцит– 4,0x10<sup>12</sup>/л., Ранг қўрсаткич–0,9, Лейкоцит– 14x10<sup>9</sup>/л, Таёқ ядр. - 4%, Сегм.ядр - 75%, Эозинофил - 1%, Лимфоцит - 17%, Базофил – 1%, Моноцит – 3%. Эритроцитларнинг чўкув тезлиги–20 мм/с.</p>	<p>Лейкоцитоз (лейкоцитлар сонини ортиши, меъёрда 4,0-9,0x10<sup>9</sup>/л), лейкоцитар формулани чапга силжиши (таёқча ядролари нейтофилларни камайиши, меъёрда 1-6%). Нейтрофилёз (сегмент ядролари нетрофилларни ортиши, меъёрда сегм.ядр. 47%-72%), инфекцион яллиғланиш ҳисобига. Лимфопения (лимфоцитлар сонининг камайиши, меъёрда 19%-37%), нетрофилёз ҳисобига келиб чиқади. Эритроцитлар чўкув тезлигини ортиши (меъёрда 2-10 мм/с), ацидоз ҳисобига.</p>	<p>Рентгенография: ўнг ўпканинг пастки бўлагида инфилтратив соя. Чап томонда қонтомир тасвири кучайган.</p>	<p>ўнг томонлама пастки бўлакнинг крупоз пневмония кўриниши</p>	<p>1. ўткир бронхит билан. Унга: хансираш хос эмас, аускультацияда қуруқ ва нам – ўрта ва йирик пуфакчали хириллашлар. R-граммада: инфилтратив соялар йўқ. 2. ўткир бронхит билан, унда кучли нафас етишмовчилиги кузатилади ривожланган. ўпкада майда пуфакчали нам хириллашлар.</p>	<p><u>1. Ётоқ тартиби.</u> <u>2. Пархез № 15.</u> <u>3. Антибактериал терапия:</u> Ампиокс 50 мг/кг/сут. кунига 4маҳал м/о 10 кун давомида, 3 маҳал 10 кун давомида, гентамицин 4% эритма 3-5 мг/кг/сут 10 кун давомида) Rp: Cefazolini 1,0 D.t.d. № 10 S: 0,5, 3 маҳал м/о. <u>4. Дезинтоксикацион терапия</u> (глюкоза 10% ли эритмаси, гемодез, реополиглюкин 10 мл/кг ҳисобидан 3-5 кун давомида) Rp: Pheopolylglucini 200,0 D.t.d. № 3 S. 200,0 мл дан в/и томчилаб <u>5. Витаминотерапия</u> (Вит С, Вит В гуруҳ витаминлари)10 кун давомида Rp: Sol . Acidi ascorbinici 5% - 1,0 D.t.d. № 10 in amp S. 2 мл. дан в/и физ. эритмада <u>6. Муколитиклар</u> (мукалтин 0,05, 1 таб х 3 мах – 10 кун, бромгексин 0,08 1 таб 3 маҳал– 10 кун, лазольван 0,03 1 таб 3 маҳал – 10 кун.) Rp: Mukaltini 0,05 D.t.d. № 30 in tab S: 1 таб 3 маҳал овқатдан кейин, 1 стакан қайнаган сувда эритиб</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Сурункали носпецефик зотилжам, бронхлар деформацияси билан, чап томонлама, ўртача оғирликда, зўрайиш даври.

**Ёши:** 4 ёш **Тана вазни:** 16 кг.

Клиника	Ташҳислаш				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p><b>Шикоят:</b> йўтал, хансираш, тана хароратининг кўтарилиши, иштаханнинг пасайиши.</p> <p><b>Анамнези:</b> 4 марта ўткир пневмония ўтказган. Охирги зўрайиши 3 ой олдин кўк йўтал ўтказгандан кейин бошланган.</p> <p><b>Қўрувда:</b> ахvoli ўртача оғирликда, тери рангпар, тўкималар тургори пасайган. Бурун-лаб учбурчагида озгина цианоз, хансираш, ковурағалараро мушакларнинг кучсиз тортилиши билан.</p> <p><b>Перкуссияда:</b> чапда пастки бўлагида ўпка товушининг кискариши. Аускультацияда шу соҳада жарангдор майда пуфакчали нам хириллашлар, крепитация. Бошқа соҳаларда кам миқдорда хўл ва тарқалган курук хириллашлар. Юрак тонлари бўғиқлашган, чўққида систолик шовқин, қорин юмшоқ, жигар +2,5 см. пешоб ва нажас меъёрида. Туберқўлин синамаси манфий.</p>	<p><b>Умумий қон таҳли:</b></p> <p>Гемоглобин–110 г/л, Эритроцит-<math>4,9 \times 10^{12}</math>/л, Лейкоцит-<math>12,5 \times 10^9</math>/л, Таёқ ядр.-6%, Сегмент ядр-80%, Эозинофил-3%, Лимфоцит-8%. Эритроцитларнинг чўқув тезлиги-15 мм/с.</p>	<p>Лейкоцитоз (лейкоцитлар сонини ортиши, меъёрда <math>4,0-9,0 \times 10^9</math>/л). Нейтрофилёз (нетрофиллар миқдорини ортиши, меъёрда сегм.ядр. 47%-72%), инфекцион яллиғланиш ҳисобига. Лимфопения (лимфоцитлар сонининг камайиши, меъёрда 19%-37%), нетрофилёз ҳисобига келиб чиқади. Эритроцитлар чўқув тезлигини ортиши (меъёрда 2-10 мм/с), ацидоз ҳисобига.</p>	<p>Рентгенограммада: ўпка суратининг кучайиши ва деформацияси, бронх деворларининг қалинлашиши, ўнг тарафда ўпканинг баъзи сегментларининг кискариши.</p> <p>Бронхография: бронхлар деформацияси.</p> <p>Бронхоскопия: бронхлар шиллик қавати шишган, фиброз билан қопланган, бронхлар деформацияланган.</p>	<p>Хулоса: ўнг ўпка пастки бўлагининг пневмосклерози ва бронхлар деформацияси белгилари.</p> <p>Хулоса: бронхлар деформацияси, фибриноз эндобронхит.</p>	<p>1. Чўзилган пневмонияда бронх-ўпка тизимидаги яллиғланиш жараёни 6-8 ойдан ортиқ, клиник морфологик ўзгаришларни (рентген ва бронхологик текширувлар) тўлиқ орқага қайтиши характерли.</p> <p>2. Сурункали бронхитда бронхлар деформацияси кузатилади, пневмосклероз бўлмайди. Клиник кўриниши кам ифодаланган: йўтал, обструкция белгилари устунлик қилади. Интоксикация белгилари кам кузатилади.</p> <p>3. Спецефик пневмонияга кучли ривожланган интоксикация, озиб кетиш, ҳамма группа периферик лимфа тугунларининг катталашиши, Манту синамасининг мусбатлиги ва туб.анамнез характерли.</p>	<p><u>1. Ётоқ тартиб.</u> <u>2. Пархез № 15.</u> <u>3. Антибактериал терапия:</u> Ампиокс, цефазолин, гентамицин, сумамед. Rp: Cephazolini 1,0 DS: 0,5г 2 маҳал м/о. <u>4. Муколитик:</u> 1% калий йодид эритмаси, мукалтин, бромгексин. Rp: Mukaltini 0,05 D.t.d. № 30 in tab S. 1 таб 3 маҳал 1/4стакан сувда эритиб ичилади. <u>5. Витаминотерапия:</u> В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, С. Rp: Sol.Pyridoxini hydrochloridi 5% -1,0 №10 DS: 0,5 мл м/о. <u>6. Иммунотерапия:</u> Бронхомунал «П», рибомунил.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Спазмофилия, очиқ шакли, ларингоспазм. **Хамроҳ:** Рахит II даражали, ўткир ости кечуви, реқонвалесценция даври

**Ёши:** 10 ойлик

**Тана вазни:** 9,6 кг.

Клиника	Ташҳислаш				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпид.анамнез – консерваланган, гўшт ва гўштли маҳсулотларни истеъмол қилиш,</p> <p>2. Кўзга хос белгилар – диплопия, «кўз олдида тўр пайдо бўлиши, нарсаларни хира кўриш, юқори ковокни тушиб қолиши, қорачикларни кенгайиши, нистагм. Кўз ёши ажралишини бузилиши,</p> <p>3. Назофаренгиал белгилар – оғизнинг куриши, ютишнинг қийинлашиши, товушнинг манқаланиши. Суяқ овкатларни бурундан чиқиши. Овознинг пасайиши, афониягача олиб келади, юмшоқ танглайни осилиб қолиши, тилчани ўрта чизикдан силжиши</p> <p>4. Ботулизмнинг бошланғич давридаги гастроинтестинал синдром – кўнғил айнаш, қусиш, патологик аралашмаларсиз ичнинг суяқ келиши, 1-2 кун давомида ўтиб кейинчалик қабзият ривожланиб, уни бир неча кун давом этиши</p> <p>5. Ваготония белгилари – брадикардия, гипотония, метеоризм</p>	<p>I. Бактериологик усул – нажасни Кито-Тароци мухитига экиш</p> <p>I. Серологик усул – ИФА, латекс агглютинация</p> <p>II. Шубҳа уйғотган маҳсулотлар қолдиғини ва шу билан бирга қусуқ маҳсулотларини, ошқозон чайиндисини текшириш, нейтраллаш реакцияси (сичқонларда биосинама ўтказиш)</p>	<p>Соф мухитда кўзгатувчини ажратиб олиши</p> <p>Антитоксик ва антибактериал антителоларни аниқлаш</p> <p>Хусусий даво муолажаларини бошлашдан олдин токсинларни аниқлаш учун венадан қон олинади. Синама манфий бўлса ботулизм ташҳиси инкор этилмайди, 4 та сичқоннинг қорин бўшлиғига овқат қолдиғини чайинди сув ёки бемор қони зардобини юборамиз, кейин 1 чи сичқонга физиологик эритма, 2-чисига ПБС А типи, 3-чисига – В типи, 4-чисига Е типи юборамиз, юборилган зардоб ва токсин бири бири билан мос келган сичқон тирик қолади</p>	<p>А) Атропин ва беладонна билан захарланганда алахираш, сопор ва кома, кўз қорачикларининг кучли кенгайиши. Кўзгалувчанлик ривожланади.</p> <p>Б) Полиомиелит ва вирусли энцефалитларда сўлакнинг кўп ажралиши, кўз ёшланиши тана ҳароратининг кўтарилиши, катарал белгилар, менингиал белгиларни мусбағлиги. Орқа мия суяқлигида патологик ўзгаришларни бўлиши.</p> <p>В) бошқа сабабларига кўра келиб чиққан овқатдан захарланишда тана ҳароратини кўтарилиш, диспептик ҳолатлар, асаб тизимини зарарланиши (ботулизмга хос бўлмаган ўзгаришлар)</p>	<p>I. <u>Базис даво:</u> уй шароитида дарҳол беморни ошқозонини ювиш, сурги дорилар бериш беморларни дарҳол юкумли касалхонага ётқизиш</p> <p>II. <u>Хусусий даво</u> токсинларни нейтраллаш мақсадида Безредко усули бўйича ботулизмга қарши зардоб юбориш 1 микдори – 25000 ХБ, (А тип 10000 ХБ, Б тип 5000 ХБ, Е тип 10000 ХБ) физиологик эритмада 10 марта суяқтириб, 37°C да иситиб в/и аста-секинлик билан юборилади левомецетин сукцинат 20-30 мг/кг суткасига юборилади Rp: Laevomycetini succinas solubile 0,5 D.t.d. № 30 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,9% NaCl эритмасида эритиб, кунига 4 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</p> <p>III. <u>Белгилар даво:</u> дезинтоксикацион даво (реополиглюкин, гемодез 10-15 мг/кг тана вазнига, плазма 5-10 мл/кг). витаминлар В<sub>1</sub> тиамин хлорид – 5% (0,2-1,0 мл в/м х 1 маҳал), В<sub>6</sub> пиридоксин хлорид – 5% (0,5-1,0 мл м/о х 1 маҳал), аскорбин кислотаси –5% эритмаси (1-2 мл/суткага в/и) гормонотерапия 3-5 мг/кг преднизолон бўйича прозерин 0,5% эритмаси 0,1 мл/ҳар ёшига. Нафас олиш қийинлашганда – ўпка сунбий вентилияцияси</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хусусий профилактикаси ишлаб чиқилмаган</li> <li>2. маданий оқартув ишларини олиб бориш. Ўчоқда тиббий назоратни йўлга қўйиш (12-14 кун)</li> <li>3. шубҳа уйғотган маҳсулотларни истеъмолдан четлатиш ёппасига касалланиши кузатилганда барча шахсларга профилактика мақсадида БКЗ (ботулизмга қарши зардоб м/о юборилади, касалликни яширин даврини ҳисобга олган ҳолда, 10-12 кунга тиббий назорат ўрнатилади</li> </ol>
100%	-	3	1	3
50%	-	1,5	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0

Максимал балл – 10 б

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Вирусли гепатит А, ўткир сариклик шакли, ўрта-оғир кечуви, сарикликнинг 2-чи куни.

**Ёши :** 5 ёш.

**Тана вазни:** 18 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Эпиданамнезнинг ўзига хос маълумотлари (сарик бўлган бемор билан мулоқатда бўлиш, болалар боғчасида, уйда, кўшниларида сарик касаллиги қайд этилган ҳолатларни аниқлаш керак, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, ювилмаган мева ва сабзавотларни истеъмол қилиши)</p> <p>2. Ўткир, диспептик, грипсимон ёки аралаш синдромлар билан бошланади</p> <p>3. Кучсиз ривожланган заҳарланиш белгилар</p> <p>4. Ҳар хил намоен бўлувчи сариклик юзага чиқиши билан интоксикация белгилари камайиб боради</p> <p>6. Гепатомегалия</p> <p>7. Ахолия ва холиурия</p>	<p>I. Хусусий - ИФА Кон зардорбида anti- HAV Ig Мни аниқлаш</p> <p>II. Нохусусий 1) биохимик АЛАТ, АСАТнинг ошиши</p> <p>гипербилирубинемия тўғри фракция ҳисобига</p> <p>тимол синамани фаоллигини ортиши</p> <p>2) Ровзинг синамаси Пешобда ўт пигментлари мусбат</p> <p>3) гемограмма Лейкопения нейтропения, лимфоцитоз, моноцитоз, ЭЧТ секинлашуви</p>	<p>Қонда хусусий антитаначалар пайдо бўлиши</p> <p>АЛАТ N- 0,1-0,68 ммоль/л/час; АСАТ N-0,1-0,48 ммоль/л/час – Цитолиз белгиси курсаткичлари; умумий билирубин N – 20,0 мкмоль/л – холестаз курсаткич</p> <p>N - 0-4 ЕД. Мезенхимал ялиғланиш белгиси курсаткичи</p> <p>Қон зардобиди боғланган билирубин микдори кўпайгани учун</p> <p>Лейкоцитў N – 4,0-9,0 x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N – 30-37%, эозинофиллў 0,5-5%. Гемопоз аъзоларининг вирусли инфекцияга хосреакцияси.</p>	<p>А) ВГВ – аста, ёки ярим ўткир холда атралгик ёки астеновегетатив синдром билан бошланиши, сариклик белгиларининг, ортиб бориши билан интосикация белгилари ҳам кучайиб боради, продромал даврида уртикар ёки бошқа аллергик тошмалар тошиши. Тимол синомаси кўрсаткичлари пастлиги, ВГВ маркерлари (HBsAg, anti HBc IgM, ва б.)</p> <p>Б) ВГЕ – касаллик тарқалиши ёз-куз мавсумийликка эга, кўпроқ ўсмир ёшлар (14 ёш ва ундан юқори) касалланади. Ўнг қовурга соҳасида оғрик, интоксикация, давомийлиги 1 хафтадан юқори, нисбатан оғир ўтади. Хомиладорларда кечуви оғир, маркерлар аниқланади (HEV – antiHEV ва Anti HEV IgM</p>	<p>I. <u>Базис даво</u> ётоқ ва ярим ётоқ тартиби стол № 5а ва № 5 кўп миқдорда суюқлик истеъмол қилиш, минерал сув, кампотлар, шарбатлар, соф мевалар истеъмол қилиш кунгил айнашда, қушишда в/и глюкозанинг 5-10% - 10 мл/кг тана вазнига 1 маҳал 2-3 кун мобайнида аскорбин кислотасининг 5% - 2,0 мл эритмаси билан бирга юборилади ўт ҳайдовчи препаратлардан – холосас 1 ч.к. x 3 маҳал 1 кунда, кальций глюконат 0,02 г/кг тана вазнига x 3 маҳал 1 кунда</p> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <p>1. Ўчоқда яқунловчи дезинфекция. 2. Шу инфекцияни юқиш йўлларини бортараф этиш учун тиббий тушунтириш ишларини аҳолига етказиш. 3. Мулоқатда бўлганларни назоратга олиш, ферментини 1 марта текшириш</p>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Вирусли гепатит В, ўткир сариқ шакли, ўрта оғир кечуви, сариқликнинг 2-чи куни.

Ёши : 1,5 ёш.

Тана вазни: 11 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Эпиданамнезга хос маълумотлар (охирги 6 ой ичида парентерал муолажалар ўтказган). Стационарда, поликлиникада ёки уй шароитида ўтказилган текширувлар ва олинган муолажалар, қон ва унинг ўрнини босувчи препаратлар олганлиги, оилада онаси ВГВ билан оғриб ўтганлиги ёки НbsAg ташувчини оилада борлиги.</p> <p>2. Касалликнинг ярим ўткир ёки аста-секин артралгик ёки астено-вегетатив синдромлар билан бошланиши</p> <p>3. Продромал даврда уртикар ёки бошқа аллергия тошманинг борлиги</p> <p>4. Ривожланган интоксикация</p> <p>5. Сариқликнинг кучайиб боришига кўра кўнғил айнаши, қусиш белгиларининг сақланиб қолиши ёки уларнинг кучайиши</p> <p>6. Ваготония белгилари – брадикардия, метеоризм, оғиз шиллик қаватининг қуриши, гипотония.</p> <p>7. Гепатомегалия баъзан спленомегалия, ахолик нажас, сийдикнинг тўқланиши</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) ИФА Қон зардобида НBsAg ва анти НВсIgM ни аниқлаш</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>1) Биохимик АЛАТ, АСАТ миқдори ошиши</p> <p>билвосита фракцияси ҳисобига гипербилирубинемия</p> <p>тимол синама фаоллигининг ортиши</p> <p>2) Ровзинг синамаси. Пешобда ўт пигментлари мусбат</p> <p>3) гемограмма Лейкопения, нейтропения. лимфоцитоз, моноцитоз, ЭЧТ сустлашган</p>	<p>Қон зардобида хусусий антиганацалар пайдо бўлиши. Нормада манфий.</p> <p>АЛАТ N 0,1-0,68 ммоль/л/ч, АСАТ N-0,1-0,48 ммоль/л/ч-цитолоиз кўрсаткичлари</p> <p>Умумий билирубин N-20,0 мкмоль/л, Холестаз кўрсаткичлари</p> <p>Нормада 0-4 ЕД. мезенхимал яллиғланиш кўрсаткичи</p> <p>Конда боғланган билирубин пайдо бўлиши натижасида</p> <p>Лейкоцитлар N 4,0-9,0 x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N 30-37%. Гемопоз аззоларининг инфекцияга хос хусусий реакцияси.</p>	<p>А) юқумли моноклеоз – ўзига хос учлик белгиси мавжуд (ангина, лимфаденит, гепатоспленомегалия, давомли иситма). Юқори нафас йўлларидаги катарал яллиғланиш, периферик қонда лейкоцитоз, ноаниқ моноклеарлар, ВГВ маркерларининг тахлили манфий натижа беради</p> <p>Б) ВГА – бошланиши ўткир, катарал диспептик белгилар билан, интоксикация сариқликнинг кучайиши билан камаяди, сариқ бўлган бемор билан мулоқатда бўлиши, Анти HAV ни IgM ҳисобига (мусбат бўлиши) аниқланиши.</p>	<p><u>Базис даво</u></p> <p>ётоқ ва ярим ётоқ тартиби стол №5а ва №5 кўп суюқлик, мин сув компот, шарбат, соф мевалар истеъмол қилиш кўнғил айнаши, қусиш бўлганда в/и глюкозанинг 5-10% - 10 мл/кг эритмасига аскорбин кислотасининг 5% -2,0 мл қўшиб юборилади (қунига 1-2 маҳал. Интоксикация белгилари йўқолгунча) Rp: Sol.Glucosi 5% - 200 ml D.t.d. № 2 S. 200 мл дан в/и, 5% аскорбин кислотаси эритмасини 2 мл билан бирга, қунига 1 маҳал ўт хайдовчи препаратлардан холосас 1 ч.қ.қунига х 3 маҳал ичирилади</p> <p><u>Профилактика чоралари</u></p> <p>1. Ўчоқда якуний дезинфекция ўтказиш 2. Мулоқатда бўлганларни назоратга олиш ва конни ферментга бир марта текшириш 3. 3-6 ой давомида беморларни диспансер назоратидан ўтказиш 4. Хусусий профилактикаси (жадвал бўйича) эмлаш</p>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б						

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Бруцеллез, ўткир септик шакли, декомпенсация босқичи.

**Ёши:** 24 ёш.

**Тана вазни:** 60 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Уйда кўй, сигир парвариш қилишда қатнашади, сут қаймоқ, пишлоқ, кабоб истеъмол қилади. Сут соғувчи бўлиб ишлайди</p> <p>2. Тўлқинсимон иситма, қалтираш, кўп терлаш</p> <p>3. Бўғимдаги оғриқлар учувчан доимий эмас</p> <p>4. Сусти ривожланган захарланиш белгилари</p> <p>5. Лимфа тугунларининг катталаниши, ҳаракатчанлиги, оғриқсизлиги</p> <p>6. Гепатомегалия</p> <p>7. Камдан кам холларда терида аллергик тошмалар (ҳар хил кўринишдаги тошмалар)</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) Бактериологик усул – бруцелларни аниқлаш учун бемор қони гўшт-пептон ёки жигарли бульонга экилади</p> <p>2) Серологик усул - АР, РПГА, КБР – Райт реакцияси билан ўтказилади. Агглютинация титри 1:200 мусбат ҳисобланади - Хедельсон реакцияси –манфий ёки ижобий баҳоланади РПГА реакциянинг титри 1:200</p> <p>3) Бюрне синамаси – тери-аллергик синамаси мусбат (қизариш, шиш оғриқ)</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>Гемограмма:</p> <p>- Лейкопения, лимфоцитоз, эозинопения, ЭЧТ тезлашган.</p>	<p>Нормада гемокультура манфий.</p> <p>Қон зардобиди хусусий антитаначаларни аниқлаш Нормада манфий</p> <p>Нормада: Лейкоцитлар 4,0-9,0 x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар 30-37%, эозинофиллар 0,5-5%, ЭЧТ – 2-10 мм/ч Гемопоз аззоларининг бактериал инфекцияга хусусий реакцияси</p>	<p>А) Безгакка хос белгилар – иситма хуружларнинг даврийлиги, камқонлик белгиларининг бўлиши, гепатоспленомегалия, лимфоаденитнинг бўлмаслиги, эритроцитларда плазмодийларнинг аниқланиши (қоннинг «қалин томчи» усули билан текшириш)</p> <p>Б) Қорин тифига хос белгилар: касалликнинг аста-секин бошланиши, тана ҳароратининг зинапоясимон кўтарилиши; доимий ёки ремитирланувчи турдаги иситма, тери қопламларининг рангпарлиги, «тифга хос тил», экзантемали тошма, метеоризм, Образцов, Падалка белгилари мусбат, бактериологик экмада <i>Sal.thyrphi abdominalis</i> аниқланади.</p>	<p>✓ <u>Антибиотиклар</u> – микробларга нисбатан бактериостатик ва бактериоцид таъсир кўрсатади: Бруцеллезни даволашда тетрациклин гуруҳи (террамицин, тетрациклин, биомицин) кенг қўлланилади 0,3 г ҳар 6 соатда. Булардан ташқари стрептомицин м/о 250000 ТБ ҳар 12 соатда яъни 1 кунда 2 марта буюрилади; левомоцилин 0,5 г ҳар 6 соатда; гентамицин 40 мг ҳар 8 соатда м/о юборилади. Антибиотиклар 7-10 кун муддатга буюрилади. Агар юқоридаги антибиотиклардан наф бўлмаса бошқа кенг доирадаги антибиотикларни ҳам буюриш мумкин</p> <p>Рр: Tab.Tetracyclini obductae 0,25 D.t.d. № 20</p> <p>S. 1 таблеткадан 4 маҳал, овқатдан сунг.</p> <p>✓ <u>Қувватни оширувчи даво усули:</u> витаминотерапия В<sub>1</sub>-1,0 м/о, В<sub>6</sub>- 1,0 м/о</p> <p>✓ <u>десенсибиловчи дорилардан</u> (тавегил 1 табл. х 2 маҳал, супрастин 1/2 табл. Х 3 маҳал</p> <p>Рр: Tab.Suprastini 0.025 D.t.d.№ 10</p> <p>S. 1 таблеткадан 2 маҳал</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика асослари</u></p> <p>1. Ветеринар-санитар назорат</p> <p>2. Сут-гўшт махсулотларига тулик термик ишлов бериш</p> <p>3. Иши ҳайвонлар ва уларнинг махсулотлари билан боғлиқ ишчиларни, тирик вакцина билан эмлаш.</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б				

## 5-курс

### Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Бруцеллез. Бирламчи сурункали шакли, декомпенсация босқичи.

**Ёши:** 15 ёш.

**Тана вазни:** 38 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Бемор қушхонада ишлайди. Бемор сут, гўшт, пишлок истеъмол қилади. Уйда кўй боқади</p> <p>2. Ўзини 2-3 ойдан бери касал деб ҳисоблайди.</p> <p>3. Касаллик аста-секин тизза ва тўпиқ бўғимларида оғриқ билан бошланган, ҳарорати кўтарилмаган</p> <p>4. Ҳозирги пайтда радикулит ва полиартрит белгилари кучайган, тизза бўғимида шиш, оғриқ ва ҳаракати чекланган</p> <p>5. Периферик лимфа тугунлари ловиядек катталашган ва оғриқсиз</p> <p>6. Кўп терлайди, тана ҳарорати субфебрил ёки меъёрида</p> <p>7. Гепатомегалия</p>	<p><b>I. Хусусий</b></p> <p>1. Бактериологик усул: суяк кўмигидан бруцеллалар культурасини ажратиб олиш (миелокультура) учун озука муҳит сифатида жигар бульони ёки гўшт-пептонли бульонга 1%ли глюкоза ва 4%ли глицерин қўшилган (Первущин-Врублевский муҳити) муҳитга экилади.</p> <p>2. Серологик усул:</p> <p>1) Райта реакцияси: агглютинация реакцияси бўлиб конда бруцеллаларга қарши ишлаб чиқарилган хусусий агглютининларни аниқланадир. Агглютинация титри 1:100-1:200 мусбат ҳисобланади</p> <p>2) Комплементли боғлаш реакцияси (КБР) бруцеллез касаллигида мураккаб реакция усули бўлиб, хусусий реакция титри 1:200 мусбат ҳисобланади.</p> <p>3) Суст гемагглютинация (РПГА) реакцияси 1:200 ва ундан юқори титрда ижобий ҳисобланади</p> <p>4) Хедельсон реакцияси – сифат реакцияси ҳисобланиб ижобий ёки манфий баҳоланади</p> <p>3. Бюрне синамаси: Ташҳисот мақсадида тери орасига бруцеллин юборилади.</p> <p><b>II. Нохусусий</b></p> <p>Гемограмма – конда гипохром анемия, лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз, ЭЧТ тезлашган</p>	<p>Нормада миелокультуранинг бак.экмаси манфий</p> <p>Қон зардобида хусусий антитаначаларни аниқлаш нормада манфий</p> <p>Аъзоларнинг қўзғатувчига нисбатан алергик мунособати. Нормада – манфий</p> <p>Гемопоз аъзоларининг бактериал инфекцияга хусусий реакцияси. Нормада Нб – 130-160 г/л, эритроцитлар 4,5-5,0 x10<sup>12</sup>/л, лейкоцитлар 4,0-9,0x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар 30-37%, ЭЧТ 2-10 мм/с</p>	<p>Ревматизмга хос белгилар - кўпинча майда бўғимлар яллиғланади, оғриқ учувчан бўлади, касаллик ўзига хос анамнезга эга – тез-тез ангина билан оғриш, аъзода стрептококк инфекцияларнинг йўқлиги бруцеллез бак. экмасининг ва Райт, РПГА, Хедельсон реакцияларнинг манфий натижаси. Қонда нисбий лимфоцитоз ва ревматизмнинг мусбат бўлиши хосдир.</p>	<p><b>I. <u>Антибиотиклар билан даволаш</u></b></p> <p>✓ левомисетин 0,5 г ҳар 6 соатда 10 кун Rp: Tab. Laevomycetini 0.5 D.t.d. № 30 S: 1 та таблеткадан 4 маҳал</p> <p>✓ тетрациклин 0,3 г ҳар 6 соатда 10 кун</p> <p>✓ стрептомицин 250000ХБ ҳар 12 соатда 10 кун (бактериостатик таъсир кўрсатади)</p> <p><b>II. <u>Вакциноterapia</u></b> (схема бўйича). Бруцеллез вакцинаси бруцелла культурасини қиздириб тайёрланади. Вакцинани т/и,т/о,м/о,в/и юбориш мумкин (Руднев схемаси бўйича юборилади). Курс 8-10 инъекциядан иборат.</p> <p><b>III. <u>Бруцеллиноterapia</u></b>. Бруцеллин (бруцелларнинг бульондаги уч ҳафталик культурасининг филтрати) т/о 2-3 кунда 1 марта юборилиб микдори аста-секин ошириб борилади (бруцилинотерапия фақат вакциноterapiaни қўллаб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади)</p> <p><b>IV. <u>Десенсибиловчи даво</u></b>: тавегил, супрастин 1/2 x 3 маҳал</p> <p><b>V. <u>Ностероид яллиғланишга қарши воситалардан</u></b> брүфен 0,2x2 м, индометацин 1/2 табл. X 2 маҳал, ацетилсалицил кислота 0,25 x 3 маҳал</p> <p><b>VI. <u>Иммуностимуляторлар</u></b>: левомизол 2,5 мг/кг, делагил 0,25 x 3 маҳал</p> <p><b>VII. <u>Витаминотерапия</u></b> В<sub>1</sub> 1,0 мл м/и, В<sub>6</sub>-1,0 м/и.</p> <p><b>VIII. <u>Бруцеллезга қарши иммуноглобулин бруцеллезнинг сурункали шаклида ишлатилади</u></b></p> <p><b>IX. <u>Физиотерапевтик усуллар</u></b>: кўк рангли электр нури, электр ваннаси ва б.қ.</p> <p style="text-align: right;"><u>Профилактика асослари:</u></p> <p>1. Ветеринар-санитар назорат</p> <p>2. Сут-гўшт махсулотларига тўлиқ термик ишлов бериш</p> <p>3. Бруцеллез учрайдиган жойлардаги аҳоли ўртасида текшириш ўтказиб, касал шахслар ҳисобга олинади</p> <p>4. Бруцеллезли чорва хўжаликлариде ишловчи кишиларга бруцеллездан сақланиш чоралари тушинтирилади, улар махсус иш кийимлари билан таъминланади. Ишдан сўнг қўлларни ювиш ва дезинфекция қилишга одатланиш зарур чоралардан бири эканлигини тушунтириш лозим</p> <p>5. Сутни текширмасдан ичиш, гўштни чала пишириб (кабоб) истеъмол қилиш хавфли эканини ҳам аҳолига тушунтириш лозим</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б

## 5-курс

### Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Бруцеллез, иккиламчи сурункали шакли, декомпенсация босқичи.

**Ёши:** 13 ёш.

**Тана вазни:** 32 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Уйда майда ёки йирик шохли хайвонлари бор, бемор уларни парвариш қилишда қатнашади.</p> <p>2. Шикоятлари: тана ҳароратининг 37,2-37,4<sup>0</sup>С бўлиши, тизза, болдир, товон бўғимларида, белда оғрик бўлиши, кўп терлаш, кўзгалувчанликка шикоят қилади;</p> <p>3. Бемор 6 ой мобайнида касал, касаллик ҳароратнинг кўтарилиши, эт увишиши, кўп терлаш билан ўткир бошланган, баданида аллергик тошмалар тошган, касалхонада даволанган, бруцеллезнинг, ўткир-септик шакли ташҳиси қўйилган</p> <p>4. Объектив кўрилганда: ҳарорат нормада тери қопламлари нам</p> <p>5. Қўлтиқ ости, чов лимфа тугунлари катталашган оғриксиз, ҳаракати сақланган.</p> <p>6. Артрит кўринишлари – тизза, болдир, товон бўғимлари шишган, оғрикли, ҳаракатлари чекланган</p> <p>7. Периферик асаб тизамининг зарарланиши – бел радикулити белгилари мусбат</p> <p>8. Гепатомегалия</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) Бактериологик усул – бруцелаларни аниқлаш учун бемор кони гўшт-пептон ёки жигарли бульонга экилади</p> <p>2) Серологик усул - АР, РПГА, КБР – Райт реакцияси билан ўтказилади.</p> <p>Агглютинация титри 1:200 мусбат ҳисобланади - Хедельсон реакцияси – манфий ёки ижобий баҳоланади. РПГА реакциянинг титри 1:200, 1:400 мусбат ҳисобланади - Кумбс реакцияси – антитаначалар титри 1:200 мусбат.</p> <p>3) Бюрне синамаси – тери-аллергик синамаси мусбат (кизариш, шиш оғрик)</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>Гемограмма:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Лейкопения,</li> <li>лимфоцитоз,</li> <li>эозинопения,</li> <li>ЭЧТ тезлашган.</li> </ul>	<p>Нормада гемокультура манфий</p> <p>Қон зардобида хусусий антитаначаларни аниқлаш</p> <p>Нормада манфий</p> <p>Нормада:</p> <p>Лейкоцитлар 4,0-9,0 x 10<sup>9</sup>/л,</p> <p>лимфоцитлар 30-37%,</p> <p>эозинофиллар 0,5-5%, ЭЧТ – 2-10 мм/ч</p> <p>Гемопоз аззоларининг бактериал инфекцияга хос хусусий реакцияси</p>	<p>а) Ревматизмга хос белгилар: кўпинча майда бўғимлар яллиғланади, оғрик учувчан бўлади, касаллик ўзига хос анамнезига эга тез-тез ангина билан оғриш, аззода стрептококк инфекцияларнинг бошқа ўчоқларининг борлиги, жинсий аззоларда ва лимфогемопоз аззоларида патологик ўзгаришларнинг йўқлиги, бруцеллез бак.экмасининг ва Райт, РПГА, Хедельсон реакцияларининг манфий натижаси. Қонда нисбий лимфоцитоз ва ревмасынаманинг мусбат бўлиши хосдир.</p>	<p>I. <u>Антибиотиклар билан даволаш</u> (бактериостатик таъсир)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ левомицетин ҳар кг 30-50 мг 7-10 кун</li> <li>✓ тетрациклин 0,3 х ҳар 6 соатда</li> <li>✓ стрептомицин – 250000 ХБ ҳар 12 соатда</li> </ul> <p>II. <u>Антибиотикни</u> 2 курсини ўтказганимиздан сўнг уларга қўшимча схема бўйича вакцинотерапия ўтказилади. Вакцинотерапия учун ўлдирилган бруцелла культурасидан фойдаланамиз м/о 100-200-500 минг микроб таначалари ҳисобидаги миқдорда беморга индивидуал миқдорда юборилади, курс 8-10 инъекциядан иборат</p> <p>III. <u>десенсибиловчи дори</u>лардан (тавегил 1 таблетка х 2 маҳал, супрастин 1/2 табл. Х 3 маҳал</p> <p>IV. <u>ностероид яллиғланишига қарши воситалардан</u> (бруфен 0,2 г х 2 маҳал, индометацин 1/2 табл. Х 2 маҳал, аспирин 0,25 х 3 маҳал</p> <p>V. витаминотерапия В<sub>1</sub> – 1,0 м/о; В<sub>6</sub> – 1,0 м/о</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика асослари</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ветеринар-санитар назорат</li> <li>2. Сут-гўшт маҳсулотларига тулик термик ишлов бериш</li> <li>3. Йши хайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари билан боғлиқ ишчиларни тирик вакцина билан эмлаш.</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б				

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: 3 кунлик безгак.

Ёши: 12 ёш.

Тана вазни: 30 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. 3 Хафта олдин безгак касаллигига нисбатан эпидемиологик вазият ёмон ўчоқда бўлган</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланган, холсизлик, бош оғриғи, бутун танада қакшаб оғриқ аломатлари борлиги, ҳароратнинг кўтарилиши билан бошланган</p> <p>3. Ҳар 48 соатда такрорланиб турувчи иситма хуружи ва иситмасиз ўтадиган давр кузатилган</p> <p>4. Иситма хуружида 3 давр ажратилади: эт увишиши, қалтираш, иссиқ чиқиш ва терлаш, бош айланиши, тахикардия, «қарсаксимон» юрак тонлари эшитилади</p> <p>5. Гепатоспленомегалия, кўз шиллик қаватларининг субиктериклиги, пешоби ва нажаси рангини тўқлашганлиги.</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) Қалин томчи ва қон суртмасини тайерлаб Романовский-Гимза усули билан бўялади ва микроскоп остида текширилади.</p> <p>2) Серологик усул РПГА,ИФА -</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>Гемограмма:</p> <p>- анемия,</p> <p>- ЭЧТ тезлашган,</p> <p>- анизоцитоз, Жоли таначалари</p>	<p>Плазмодийлар ҳар хил ривожланиш босқичларида эритроцитларга кириб, эритроцит ҳажми катталашади («узук тоши» кўринишида)</p> <p>Хусусий антитаначаларнинг ҳосил бўлиши.</p> <p>анемия – эритроцитларга безгак плазмодийларининг кириши ҳамда бирикаши натижасида эритроцитлар ёппасига парчаланади ва гипохром турдаги камқонлик ривожланади ЭЧТ тезлашади – паренхиматоз аъзоларининг лимфоид ва ретикуляр хужайралари эритроцитлар парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулотларни камраб олиши ҳисобига юзага келади.</p> <p>Анизоцитоз, Жоли таначалари – касалликнинг ўткир даврида қонда етилмаган ёш эритроцитлар кўпайиши ҳисобига эритроцитларнинг ёппасига парчаланиши натижасида эритроцитларнинг қайта тикланиши камади.</p>	<p>А) Қорин тифига хос – доимий, узоқ давом этувчи иситма, касаллик аста-секин бошланиб, ҳарорат занапоясимон кўтарилиб боради, нисбий брадикардия, пульс дикротияси, тифга хос тил», Образцов, Падалка белгилари, метеоризм, қабзият ва касалликка хос тошма борлиги</p> <p>Б) бруцеллезга хос – касалликка хос эпиданамнез, ремиттир ва интермиттир иситма, ҳаракат-таянч, асаб ва жинсий аъзоларга хос зарарланиш белгиларининг борлиги.</p>	<p>✓ <u>гематошизотрон воситалар</u> – делагил – 1чи суткада 1,0 гр. ҳар 6-8 соат 0,5 г (ҳаммаси бўлиб 6 табл. кейин 0,5 S таблеткадан х 1 сут 1 маҳал даво муддати 3 кун)</p> <p>✓ <u>цистошизотрон воситалар</u> – примахин – ичишга 15 мг х 1 кунда 14 кун давомида; хиноцид – 30 мг Х 1 кунда 10 кун давомида Rp:Tab.Primachini 0,003 D.t.d. № 20 S. 1/2 таблеткадан, кунига 1 маҳал</p> <p>✓ <u>жадал инфузион даво</u> – кристаллоид ва калоид препаратлар билан олиб борилади – 10-15 мл/кг тана вазни ҳисобидан: полиглюкин, реополиглюкин</p> <p>✓ <u>антигистамин препаратлар</u> – димедрол, супрастин, кларетин</p> <p>✓ <u>диуретиклар</u>: лазикс.</p> <p>✓ <u>бўйрак этишмовчиликда</u> – гемабсорбция, гемодиализ</p> <p>✓ <u>камқонлик кучли ривожланганда</u> – феррум-лек, витамин В<sub>12</sub>, оғир ҳолатларда – донор қони билан гемотрансфузия қилинади</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Дезинсекция</li> <li>2. Сан-оқартув ишларини олиб бориш</li> <li>3. Мулоқатда бўлганларни текшириш, безгак вакцинаси билан эмлаш; безгак вакцинасининг 3 тури 1) спорозит вакцинаси – безгак юқишини олдини олади, аъзода чивин орқали тушган спорозитни ўлдириш хусусияти пайдо бўлади; 2) мерозит вакцинаси – безгак плазмодийларини жинссиз шаклларини ўлдиради; 3) гаметоцид вакцинаси – касалликдан химоя қилмайди, аммо гаметоцид ташувчиларни касаллантормайди.</li> <li>4. Хусусий профилактика мақсадида гематошизотрон воситалар (хингамин, фансидар, хининг) эпид.ўчоққа киришдан 30-35 кун олдин ичилади ва безгак ўчоғида бўлиш даврида ҳам давом эттирилади (2-3 йил) ва эпид ўчоқдан қайтгандан сўнг яна 4-8 ҳафта ҳафтасига 1-2 марта ёки кунора ичиб турилади. 2 йил давомида диспансер назоратида бўлади.</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўзбекистон геморрагик иситмаси, ўрта-оғир кечуви .

Ёши: 20 ёш.

Тана вазни: 62 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1.Эпид.анамнез – 3 кун олдин каналар кўп бўлган жойда бўлган.</p> <p>2. Ўткир, бирданига умумий захарланиш белгилари (титраш, юкори ҳарорат, бош оғриғи, қўлоёқларда, белда оғрик бўшашиш) билан бошланиш.</p> <p>3. Териси рангпар, юзи кепчиган, кизарган.</p> <p>4. 2-3 кунига келиб диаметри 1-2 ммдан 2,5 см гача бўлган геморрагик тошмалар тошиб, улар теридан кўтарилмаган шакли эса думалоқ ёки ҳар хил бўлиши мумкин, тошмалар сони кам. Муолажалар килинган жойларда қон қуйилишлар бўлади.</p> <p>5. Қон қусишлар, бурундан, бачадондан, томоқдан, милклардан қон кетиши</p>	<p>VIII. Хусусий усуллар: Серологик - КБР Антителолар титри – 1:80</p> <p>IX. Нохусусий Гемограмма Анемия, лейкопения, лимфоцитоз, нейтропения, анэозинопения, ЭЧТ ошган</p>	<p>Нормада манфий</p> <p>Нормада Hb – 120-130 г/л, эритроцитлар – 3,7-4,5x10<sup>12</sup>/л лейкоцитлар N-4,8-10,8 x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар 30-37%, эозинофиллар 0,5-5%.</p>	<p>А) Менингококцемия: жуда ўткир бошланиши, кучли бош оғриши, тўхтатиб бўлмайдиган қусиш. Тана ҳароратининг жуда юкорилиги, юлдузчасимон геморрагик тошмаларнинг тошиши, кўпроқ думба ва сон соҳасида. Тошмалар теридан кўтарилиб туради, каттиқ. Гемограммада: лейкоцитоз, нейтрофиллар чапга силжишган, анэозинофилия, ЭЧТ тезлашган. Қондан тайёрланган суртма бактериоскопиясида диплококклар топилади.</p> <p>Б) Қорин тифи: Аста-секин бошланади, тана ҳарорати зинапоясимон кўтарилади, нисбий брадикардия, пульс дикротияси. Касалликнинг 8-10 кунда қорин соҳасида сийрак розеолез тошмалар пайдо бўлади. Тили жигар ранг караш билан қопланган четлари ва учи карашсиз. Метеоризм, Образцов, Падалка белгилари ижобий. Бемор ланж, ётоқлайди, саволларга қийналиб жавоб беради. Гемограммада: лейкопения, анэозинофилия, нисбий лимфоцитоз, нейтропения, таёкча ядролар томонга силжиши. Гемокультурада, уринокультурада, копрокультурада S. Abdominalis топилади. Видал реакцияси ижобий.</p>	<p>I. <u>Этиотроп давоси йўқ.</u> Касалликни ўтказган беморлар қонидан тайёрланган зардоб ёки плазма юбориш 150-200 мл.</p> <p>II. <u>Патогенетик даво:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Қатъий ётоқ тартиби, касаллик охиригача</li> <li>✓ Дезинтоксикацион даво (полиглюкин, реополиглюкин, гемодез, альбумин) Rp: Sol.Glucosi 5% - 200 ml D.t.d. № 2 S. 200 мл дан в/и, кунига 1 махал</li> <li>✓ Пархез, сутли овқатлар, сабзавотлар буюрилади.</li> <li>✓ Геморрагик синдромни йўқотиш (янги қон, қон компонентлари ёки қоннинг ўрнини босувчи препаратлар – керакли микдорда. Аминокапрон кислотаси 50-100 мг гача в/и, 10%ли кальций хлор эритмаси 10 мл в/и, гепарин 5000-10000</li> <li>✓ Глюкокортикостероидлар (преднизалон 60-120 мг в/ига 8-15 кун давомида)</li> <li>✓ Витаминлар С, В гуруҳдаги ва РР)</li> <li>✓ Протеаз ингибиторлари: Контрикал 50000 ЕД</li> </ul> <p>III. <u>Белгилар даво:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Юрак-қон томир препаратлари</li> <li>✓ МНТ тонусини кўтарувчи препаратлар (женьшень, хитой лимонники ва х.к.)</li> <li>✓ Антианемик препаратлар (Вит В<sub>12</sub> 100 мг м/о. Феррамид 0,2 X 3 м. ва х.к.)</li> </ul> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Дезинсекция</li> <li>2. Каналардан химоя қилувчи маҳсус кийим</li> <li>3. Тиббий ходимлари ҳамма муолажаларни резина қўлқопларда бажариши лозим.</li> <li>4. Бемор ажратмалари 3% ли хлорамин ёки 5% ли карбол кислотаси, 5% лизол ёрдамида зарарсизлантирилади.</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б				



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўлат, бубон шакли, ўрта-оғир кечуви.

Ёши: 9 ёш.

Тана вазни: 29 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Касаллик ўткир бошланади.</p> <p>2. Заҳарланиш белгилари яққол ривожланган бўлади (юқори ҳарорат, бош оғриғи, қалтираш, миалгия, бош айланиши)</p> <p>3. Нейротоксикоз белгилари (қўзғалувчанлик, сергаплик, галлюцинация, ҳаракат координациясини бузилиши)</p> <p>4. Патогномик белгилар – юз ва конъюктива қизарган, лаблари қуруқ, тили оҳаксимон қараш билан қопланган. Гаплари ноаниқ, англаб бўлмайди, қусиш «кофе қуюқмаси» кўринишида бўлади</p> <p>5. ЮҚТС – тахикардия, дикротия, гипотония, юрак чегаралари кенгайган, юрак тонлари бўғиқ</p> <p>6. Лимфаденит – чов лимфа тугунларининг катталашиви, кам оғриқли (мажбурий холат), атрофдаги клетчатка билан қўшилган, ҳаракатсиз, бубон усти териси тарангланган, қизил рангда, линфангаит кузатилмайди..</p>	<p>1. Бактериоскопик усул. Грамм-манфий овалсимон, биполяр бўяладиган бактерияларни мусбат шароитда аниқлаш</p> <p>2. Бактериологик усул: Қўзғатувчини соф культурасини ажратиш олиш. Агарли пластинкада тўқ сариқ рангда донатор, тўдалар ҳосил қилиб, маркази кўтарилган, ясси, фстонли тиник периферик зонага эга («каштали рўмолча» кўринишида) I.Pestis аниқланади.</p> <p>3. Биологик усул: текшириладиган материал билан сичқонни зарарлаш, мусбат натижада ҳайвон 5-7 кунда ўлади.</p> <p>4. Серологик усул: хусусий антитаначаларни аниқлаш, қонни РПГА усули билан текшириш (ташҳис титри 1:40)</p>	<p>N да аниқланмайди.</p> <p>N ўсмайди</p> <p>N –ҳайвон ўлмайди</p> <p>N манфий бўлади.</p>	<p>А) Бруцеллезни септик-метастатик шакл: хос қалтираш, юқори тана ҳарорати, кўп терлаш, гепатоспленомегалия, лимфатугунларини катталашиви, оғриқсиз, ҳаракатчан, териси ўзгармаган, ҳаракат-таянч, жинсий асаб ва б.қ. аъзоларни яллиғланиши. Эпид.анамнез – беморни ҳайвон билан мулоқатда бўлиши, сут, бринза, қаймоқ истемол қилиш. Райт-Хедельсон реакциялари мусбат.</p> <p>Б) Юкумли мононуклеоз – узок давом этувчи иситма, ҳамма периферик лимфа тугунларини катталашиви, асосан бўйин, ўмров-сурғичсимон ўсимта соҳасидаги лимфа тугунлари – эластик, бир-бири билан қўшилмаган, ҳам оғриқли. Териси ўзгармаган, оғиз-ҳалқум, бурун-ҳалқум зарарланиши, гепатоспленомегалия, гемограмма – ноаниқ мононуклеар борлиги, Паул-Бунелл серологик реакцияси мусбат.</p>	<p>I. <u>Этиотрон даво.</u> Стрептомицин м/о 30 мг/кг. Даво муддати 3-5 кун нормал ҳароратгача. Rp: Streptomycini sulfatis 0,5 D.t.d. № 10 S. флакон ичидаги моддани 2 мл 0,5% новокаинда эритилиб, кунига 2 маҳал м/о 2 мл дан юборилади</p> <p>II. <u>Дезинтоксикацион даво</u> – гемодез, реополиглюкин, 10% глюкоза эритмаси, стандартли эритмалар (трисол, квартасол ва б.к.) 10-15 мл/кг ҳар тана вазни ҳисобидан.</p> <p>III. <u>Витаминли даво</u> В ва С гуруҳлари.</p> <p>IV. <u>Симптоматик даво:</u> ✓ юрак қон томирга таъсир қилувчи препаратлар - корглюкон ✓ сийдик ҳайдовчи – лазикс. <u>Профилактика асослари</u></p> <p>1. бемор ларни касалхонага ётқизиш 2. ўлатга шубҳа қилинган ва мулоқатда бўлганларни алоҳидалаш 3. кунли ва якуний дезинфекция, дезинсекция, дератизация 4. EV қуруқ вакцинасини билан эмлаш.</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Куйдирги, карбункулёз шакли, ўрта-оғир кечуви.

Ёши: 7 ёш.

Тана вазни: 24 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Қассоб, 14 кун олдин мол сўйишда қатнашган.</p> <p>2. Касаллик терида қизил кичима доғ пайдо бўлиши билан бошланган, кейинчалик бу доғ пуфакчага айланган ва ёрилган, ўртада туби қора яра ҳосил бўлиб, атрофи яллиғланиш чизиғи бўйлаб пуфакчалар ҳосил қилган (карбункул)</p> <p>3. Некроз ўчоғида оғрик йўқ.</p> <p>4. Карбункул жойлашган жойидаги суюқлик, перкуссион болғача билан урилганда «лик-лик симон» қалтирайди (Стефанский белгиси).</p> <p>5. Захарланиш белгилари (тана хароратининг кўтарилиши, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, иштаханнинг пасайиши)</p> <p>6. Лимфаденит</p>	<p>I. Хусусий Ташҳисот:</p> <p>1. Бактериоскопик ва бактериологик усул: карбункул таркиби, қон, пешоб, балғам, нажасни микроскоп остида кўриш ва озуқа муҳитларга экиш (гўштли-пептонлик агар ёки гўштли-пептонли бульон). Қўзғатувчини соф культурасини ажратиб олиш учун, граммуқбат таёқча, занжирсимон кўринишда <i>V.antracis</i> аниқланади; Петри косачаларида уларнинг колониялари «медуза боши» шаклида кўринади; Пробиркада эса пахта қумоғи кўринишида бўлади</p> <p>2. Биологик усулида эса мойил ҳайвонларга юқитирилади (оқ сичқонлар, денгиз чўчкалари) 10% 0,1-0,2 мл ҳажмда текширилаётган материал олинади. Натижа муқбат бўлганда зарарланган ҳайвонлар 1-3 кундан кейин ўлади.</p> <p>3. Тери-аллергик синама, касаллик ўтказган ёки куйдирги вакцинаси билан эмланганларда, аъзонинг куйдирги антигенига сезгирлигини аниқлашга асосланган бўлиб, 0,1 мл миқдордаги антраксин бемор қўли териси орасига юборилади. Шу вақтни ўзида 2чи қўл терисига контрол суюқлик (физ. эритма) шу миқдорда юборилади. 2-48 соатдан сўнг, қизарган ва шишган жойнинг сатҳи 16-40 мм гача пайдо бўлса реакция муқбат ҳисобланади.</p> <p>4. Серологик усул – Асколи бўйича преципитация реакцияси – текширилаётган материалда куйдирги бациллаларини антигенини аниқлашга асосланган. Материал физ. эритмада 10-15 дақиқа қайнатилади, филтрланади, филтрат преципитатга қаватлаб жойланади – ингичка пробиркага зардоб қуйилади.</p> <p>5. Люминисцент – серологик таҳлил – куйдирги таёқчаларини вегетатив ва спора шакллари аниқлашга асосланган – суртма культурадан люминесцент-адсорбланган зардоб билан ажратиб тозаланади. Натижа муқбат бўлса куйдирги спораларининг иссиқликка чидамли хусусий турига хос антигенлари аниқланади.</p> <p>II. Нохусусий усул: Гемограммада: алоҳида ўзгаришлар бўлмайди, лейкоцитоз, лейкопения, нормоцитоз</p>	<p>Нормада - аниқланмайди.</p> <p>Биосинама манфий бўлганда тажрибадаги ҳайвонлар ўлмайди</p> <p>Синама манфий, шиш бўлмайди</p> <p>Реакция манфий бўлса суюқлик чегарасида ҳалқа ҳосил бўлмайди.</p> <p>Реакция манфий бўлса ёғду бўлмайди.</p>	<p>А) Сарамас – яллиғланган тўқима, соғлом тўқимадан яллиғланиш чизиғи билан яққол чегараланган бўлиб кизариш кичишиш, пуфакча (буллез шакли, флегмона) борлиги билан куйдиргидан фарқ қилади.</p> <p>Б) Ўлат, тери шакли – захарланиш белгилари яққол намён бўлади, яра оғриқли бўлиб, регионар бубон ҳосил бўлади. Яра атрофидаги шиш кам ривожланганлиги билан фарқланади.</p> <p>В) Фурункул ва карбункул – яллиғланиш кучли, марказида йиринг, шиш кам намён бўлиб, оғрик кучли бўлади.</p>	<p>I. <u>Этиотроп даво</u></p> <p>✓ пенициллин 400 000-500 000 Ед/кг Rp: Benzilpenicillini-natrii 1000000 ED D.t.d.№ 20 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаинда эритилиб, кунига 4 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</p> <p>✓ цефопин 40-60 мг/кг ✓ левомецетин 50 мг/кг ✓ гентамицин 2 мг/кг</p> <p>Даво муддати 7-10 кун давомида куйдиргига қарши иммуноглобулин (20-50-60 мл/суткага) билан бирга ўтказилади.</p> <p>II. <u>Патогенетик даво</u>:</p> <p>✓ дезинтоксикацион даво (тузли эритмалар, пастмолекулали ва юқори молекулали қон ўрнини босувчи воситалар) ✓ витаминли даво ✓ белгили даво муолажалари ўтказилади.</p> <p>III. <u>Профилактик асослари</u>:</p> <p>1. Ветеринар-санитар хизматлари (касал ҳайвонларни аниқлаш, алоҳидалаш, даволаш, ноқулай шароитдаги қишлоқ-хўжалик ҳайвонларни эмлаш, ҳайвон маҳсулотларига ишлов беришни, уларни сақланишни назорат қилиш)</p> <p>2. Тиббий-санитария чора-тадбирлари куйдирги ўчоғида эпид. текширув, кунли ва якуний дезинфекция ўтказиш, беморларни ўз вақтида аниқлаш, касалхонага ётқизиш ва даволаш;</p> <p>3. Жадал профилактика – мулоқатда бўлганларга нисбатан олиб борилади (тетрациклин, ампициллин, рифампицин) – ёшига мос миқдорда белгиланади; 5 кун давомида</p> <p>4. Эпид.кўрсатма асосида 14-ёшдан 60 ёшгача бўлганларни тирик куйдирги вакцинаси (СТИ) билан фаол эмлаш, тери орасига ёки тери ичига 0,5 мл миқдорда.</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Қоқшол, ўрта-оғир кечуви.

Ёши: 12 ёш.

Тана вазни: 30 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>6. Эпид.анамнезида – жароҳатнинг бўлиши (майший, қишлоқ хўжалиқдан)</p> <p>7. Жароҳатланган жойда симиллаган оғрик, тиришишларнинг бўлиши.</p> <p>8. Тризм – оғиз очилишининг қийинлашуви (чайнов мушакларининг зарарланиши)</p> <p>9. Сардоник тиржайиш – мимик мушакларнинг зарарланиши. Беморнинг қошлари юқорига кўтарилган, оғиз бурчаклари пастга қараган.</p> <p>10. Дисфагия (ютишни қийинлашуви)</p> <p>11. Опиסתотонус – боши орқага ташланган, танаси ёйсимон эгилган (бемор асосан энса ва товонларига тиралган).</p> <p>12. Клоник-тоник тиришишлар (бутун танада)</p> <p>13. Юқори ҳарорат</p>	<p>1. Асосан клиник-эпидемиологик далилларга асосланиб ташҳис қўямиз</p> <p>2. Микробиологик ташҳисотга асосланган лаборатор усуллар, ретроспектив ҳарактерга эга бўлади. Бунда биоматериални маҳсус муҳитларга (Мартўнов бульонига, Лергу-Рамон бульонига ва х.к.) экилади. Бундай муҳит вазелин ёғи қавати остида 10-15 кун давомида инкубацияланади</p> <p>3. Гемограммада: нейтрофилли лейкоцитоз. Кучли бўлмаган анемия.</p>	<p>Агар текширилаётган материалда грамусбат, юмалок терминал спорали таёқчалар топилса, у ҳолда тетаноспазминни топиш учун биосинама қўлланилади. Бунинг учун сичқон ёки денгиз чўққаларидан фойдаланилади.</p>	<p>А) Қутуриш учун хос хайвонлар тишлаган жойнинг бўлиши, гидро-, акустико-, аэро-, фотофобияларнинг бўлиши, кучли сўлак ажралиши, агрессив ҳолат, нейронларда Бабеш-Негри таначаларининг топилиши.</p> <p>Б) Ботулизм учун хос: консерваланган сабзавотлар, гўшт, балиқ маҳсулотларини истеъмол қилганлиги, диарея белгилари бўлиши, офтальмологик белгиларнинг (диплопия, птоз, страбизм, анизокория) бўлиши. Нозоглоссо-фарингологик белгиларининг бўлиши. нафас ва тана мушакларининг параличлари.</p>	<p>I. <u>Тезлик билан касалхонага ётқазил</u></p> <p>II. <u>Жароҳат жойини кесиб</u>, ёт жисмларини олиб ташлаш, жароҳатланган жойдан токсинни сўрилишини камайтириш, мақсадида жароҳатининг атрофи қоқшолга қарши зардоб билан (3-10000МЕ) «тешиб» чиқилади.</p> <p>III. <u>Қоқшолга қарши зардобни</u> Безредко усули билан 80-100 000 МЕ бир марта юборилади. Қоқшолга қарши фаол иммунитет ривожланиши учун тери остига қоқшолга қарши анатоксин 0,5-1,0 млдан 3 марта 5-7 кун оралатиб қилинади.</p> <p>IV. <u>Қоқшол таёқчаларининг вегетатив шакларини</u> йўқотиш учун юқори миқдорда пенициллин (200000 ЕД/кг) в/и 6 маҳал ёки тетрациклин 30-40 мг/кг (қунига 2 дан г кўп эмас) 4 маҳал буюрилади. Rp: Benzilpenicillini-natrii 1000000 ED D.t.d.№ 20 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаида эритилиб, қунига 4 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</p> <p>V. <u>Тиришишларни камайтириш мақсадида миорелаксантлар буюрилади.</u> Диазепам в/и ёки м/о 0,1-0,2 мг/кг миқдорда ҳар 3-6 соатда. <u>Профилактика чоралари:</u> 1. Тери коплами́ни жароҳатлардан асраш 2. Жадал профилактика мақсадида 0,5 мл анатоксинни тери остига юбориш</p>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Қутириш. Авж олган даври.

Ёши: 5 ёш.

Тана вазни: 18 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Бир ой олдин оёғини дайди ит тишлаган</p> <p>2. Гидрофобия, аэрофобия, акустикобобия хуружлари</p> <p>3. Хулқатворида қизиққонлик-агрессивлик (сабабсиз қичкириш, ўзини қўйишига жой топа олмаслик, кийимларини йиртиши, тимдалаш, туплаш, ўзини ва ёнидагиларни уриш)</p> <p>4. Қўп сўлак ажралиши, ёпишқоқ тер чиқиши, тана ҳароратининг юқорилилиги, тахикардия, гипотония, хансираш, олигоурия</p> <p>5. Эс-хушнинг хиралашиши оқибатида ваҳимали эшитиш ва кўриш, галлюцинациялари</p>	<p>I. Хусусий усул - флюоресцентли антителолар ёрдамида аниқлаш</p> <p>- биологик усул</p> <p>Кутириб ўлган бемор ва хайвонларни бош миясини гистологик текшириш</p>	<p>Кутириб ўлган одам ва хайвон миясининг аммон шохи деб аталувчи қисми ва узунчоқ мия, сўлак безларида вирус антигенларини аниқлаш мумкин</p> <p>Янги туғилган сичқонларнинг орқа мия суюқлигини ва сўлагини интрацеребрал йўл билан зарарлантириб, вирусни ажратиб олиш.</p> <p>Бабеш-Негри таначаларини аниқлаш</p>	<p>А) Қоқшол – анамнезида жароҳатни ифлосланган тупроқ тутиши. Жароҳат атрофининг тортишиши, тризм (мимик мушакларнинг тортилиши) – «сардоник кулги», ютинишнинг қийинлашиши, ҳамма гуруҳ мушакларининг (фақат қўл ва оёқ бармоғидан ташқари) тез-тез ва жадал талвасаси</p> <p>Б) ботулизм - анамнезда консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш, касалланиш гуруҳли хусусиятга эга, ўта ҳолсизлик, бош айланиши, кўз олди хиралашиши («булут» тўр пайдо бўлиши) нарсаларни кўзга иккита бўлиб кўриниши, мидриаз, анизокория, ярим птоз, птоз белгиларини аниқланиши, товушни пасайиши, ютишнинг қийинлашиши, қалқиб кетиш., юмшоқ танглайни осилиб қолиши, тилчанинг ўрта чизикдан силжиши, скелет мушакларининг ҳолсизлиги</p>	<p>I. <u>Қутиришнинг хусусий давоси йўқ</u></p> <p>II. <u>Белгилли даво</u></p> <p>✓ Талвасага қарши даво (седуксен 0,5% - 0,15-0,3 мг/кг в/и, ГОМК 100-150 мг/кг тана вазнига в/и)</p> <p>Rp: Sol.Seduxeni 0,5% D.t.d. № 10 S. 1 мл дан м/о.</p> <p>✓ Оғриқ қолдирувчи (анальгин 5-10 мг/кг 3-4 маҳал 1 кунга), наркотик аналгетиклари</p> <p>✓ Беморни алоҳида палатага ётқизиш, ётқизилган хонада ҳар хил таъсирлантирувчи воситалар бўлмаслиги лозим</p> <p>✓ Овқатлантириш ва йўқотилган суюқликларни қайта тиклаш мақсадида парентерал йўл билан тузли эритмалар, плазма ўрнини босувчи воситалар, глюкоза эритмаси юборилади</p> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>кутиришга қарши кураш - бу касалликни итлар орасида йўқотишга қаратилган бўлиши керак</li> <li>дайди ит ва мушукларни ветеринария хизмати назоратида бўлиши, уларни вақти билан эмлаб туриш</li> <li>хайвонларни чегарадан олиб ўтишда ҳалқаро қоидаларга риоя қилиш</li> <li>одамлар орасида қутиришга қарши антирабик вакцина билан профилактик эмлаш</li> <li>пассив иммунизация мақсадида одам плазмасидан тайёрланган антирабик иммуноглобулиндан фойдаланиш</li> <li>антирабик вакцина билан эмлаш.</li> <li>антирабик гаммаглобулин буюриш (гипериммун от зардоб)</li> </ol>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Сарамас, бирламчи-эритематоз шакли. Урта-оғир кечуви.

**Ёши:** 12 ёш.

**Тана вазни:** 32 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпид.анамнези – бемор 5 кун аввал қўлини миҳ билан жароҳатлаган.</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланган</p> <p>3. Зарарланиш белгилари яққол ривожланган. Ҳарорат 39-40<sup>0</sup>С, тили қуруқ, караш билан қопланган, холсизлик, тахикардия, юрак тонлари бўғиқлашган. Қусиш, уйқусизлик, бутун танада оғрик.</p> <p>5. Маҳаллий ўзгаришлар – ўнг қўл терисида қизариш, четлари нотекис чегараланган. Териси шишган, оғрикли. Терини зарарланиб, қизарган жойи шишган, чегараси текис бўлмайди ва терининг соғлом қисмидан яққол ажралиб туради, қизарган тери юзасида пуфакчалар бўлади</p> <p>6. Маҳаллий лимфаденит</p>	<p>Нохусусий</p> <p>- гемограмма – нейтрофилларнинг чапга силжиши билан бироз лейкоцитоз. ЭЧТ бироз ошган.</p>	<p>Лейкоцитлар нормада 4-9x10<sup>9</sup>/л ЭЧТ N- 2-10 мм/с. аъзоларнинг бактериал инфекцияга хусусий реакцияси</p>	<p>А) Куйдиргининг карбонкулез шаклига хос – юзаси ярали қўп миқдордаги сероз-геморрагик суюклик билан тўлган экссудациядан иборат. Пуфакча ёрилгач, ўрнида яра пайдо бўлади, бу яра тез қотиб, қурийди ва қўнғир рангли қўтир билан қопланади. Қора қўтир оғримайди, аста-секин катталашиб боради. Қора қўтир атрофида майда пуфакчалар пайдо бўлади. Куйдирги карбункули атрофидаги анча жой шишиб чиқади. Карбункул оғримайди.</p> <p>Б) Ўлат, тери шакли – тери атрофи яққол қизарган, яра таги яллиғланган, сарғиш рангдаги экссудат билан тўлган, кучли оғрик бор. Тери яралари узок вақт давом этади ва секин тузалади, чандиқ ҳосил қилади.</p>	<p>I. <u>Қўрсатма асосида касалхонага ёттиқиши</u></p> <p>II. <u>Этиотроп даво:</u></p> <p>✓ антибиотиклар пенициллин қатори 100-150 минг ТБ/кг 7-10 кун Rp: Benzilpenicillini-natrii 1000000 ED D.t.d.№ 20 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаинда эритилиб, кунига 4 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</p> <p>✓ сульфаниламидлар – бисептол 480 1 таб 2 маҳал овқатдан кейин, невиврамон</p> <p>III. <u>Десенсибиловчи даво</u> – супрастин 1-2 табХ2 маҳал, тавегил, фенкарол, диазолин.</p> <p>IV. <u>Дезинтоксикацион даво:</u> глюкоза эритмаси. Гемодез 10-15 мл/кг, реополиглюкин, ККБ 50 мг в/и физиол эритмада.</p> <p>V. <u>Маҳаллий даво - малхам</u></p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тери қопламанинг бутунлигини химоя қилиш</li> <li>2. Стрептококк инфекциянинг сурункали учоқларини санация қилиш</li> <li>3. Совуқ қотиш, жароҳатни олдини олиш</li> <li>4. Аъзония химоя кучини ошириш мақсадида овқатланиши тўғри йўлга қўйиш.</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Тошмали тиф. Ўрта-оғир кечуви.

Ёши: 24 ёш.

Тана вазни: 64 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Педикулез борлиги ёки иситмалаётган бемор билан мулоқатда бўлиш</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланиб тана ҳароратининг 39-40°C гача тез кўтарилиши</p> <p>3. Заҳарланиш белгиларнинг яққол намоён бўлиши (бош оғриги, кўнгил айниш, ҳолсизлик)</p> <p>4. Нейротоксикоз белгилари – безовталиқ, уйқусизлик, эшитув, кўрув сезгирлигини ошиши, эйфория, галлюцинация, тажавузкорлик, атрофни ва вақтни англай олмаслик.</p> <p>5. Ўзига хос ташқи кўриниши: юзини керкиб ва қизариш (айрим вақтда бўйни ҳам), кўзларнинг ёниши, кўз оқ пардасининг қизариши (куён кўз), «қизарган юзда Қизарган кўз»), лаблари қиб-қизил ва қуруқ, териси қуруқ ва иссиқ</p> <p>6. Розенберг-Винокуров_Лендорф белгиси – юмшоқ танглайда майда қон қуйилиш кўринишдаги тошма (касалликнинг 2-3 кунда пайдо бўлади)</p> <p>7. Ўзига хос ҳарорати чизиғи касалликнинг 4-5 ва 8-9 чи ва 12-13 чи кунларида «кесиклар» бўлиши</p>	<p>I. Нохусусий</p> <p>1) гемограмма – лейкоцитоз, нейтрофиллез, лимфопения, анэозинофилия, Тюрк плазматик хужайралари, ЭЧТ - ошиши</p> <p>2) уринограмма – олигоурия, протеинурия, цилиндрурия</p> <p>II. Хусусий</p> <p>1) Вейл-Феликс реакцияси, 1:200 ва ундан юқори титрда мусбат</p> <p>2) Комплементни боғлаш реакцияси (КБР) 1:100 ва ундан юқори титр мусбат</p> <p>3) НГАР (РНГА) 1:100 ва ундан юқори титр мусбат</p>	<p>Гемопоз аззолига токсик таъсир. Нормада Нв – 130-160 г/л, эритроцитлар 4,5-5,0 x10<sup>12</sup>/л, лейкоцитлар 4,0-9,0X 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар 30-37%, ЭЧТ 2-10 мм/с</p> <p>«Токсик буйрак» белгиси</p> <p>Риккетсиянинг хозирги ҳолатида ёт антигенга нисбатан хусусий антитаначаларнинг ҳосил бўлиши. N – манфий</p> <p>Комплементни боғловчи антитаначалар ҳосил бўлиши. N- манфий</p> <p>Қўй эритроцитларига ёпишган Провачек риккетсияларининг гаптенлари ёрдамида хусусий антитаначаларини аниқлаш</p>	<p>A) <u>Қорин тифига</u> хос – касалликнинг аста-секин бошланиши, ваготония белгилари – рангпарлик, метеоризм, брадикардия, адинамия, «тифга хос тил», Падалка, Образцов белгилари, касалликнинг 8-9 чи кунларида розеолез тошма тошиши, тошмани қоринда, кўкрак қафасида жойлашганлиги.</p> <p>B) <u>Менингококцемия</u> – касаллик тўсатдан бошланади, кучли бош оғриги, тўхтовсиз қусиш, юқори тана ҳарорати, геморрагик тошма – юлдузсимон шаклда, кўпроқ думба соҳасида ва сонда, тери сатҳидан кўтарилган, қаттиқ. Гемограмма – лейкоцитоз, нейтрофиллез чапга силжиган, анэозинопения, ЭЧТ юқори, қон суртмасида (бактериоскопияда) диполокларини аниқлаш мумкин.</p>	<p>I. <u>Ётоқ тартиби ва тўғри парваришлаш</u></p> <p>II. <u>Этиотрон даво</u> – антибиотиклар – тетрациклин 10-15 мг/кг/сут per os, левомецетин 30-50 мг/кг/сут per os, оғир ҳолатларда доксициклин 100-200 мг/сут, болаларга 50 мг/сут. Rp: Tab.Tetracyclini obductae 0,25 D.t.d. № 20 S. 1 таблеткадан 4 маҳал, овқатдан сунг.</p> <p>III. <u>Патогенетик даво:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Дезинтоксикацион даво: гемодез, 5% глюкоза эритмаси, тузли эритмалар 10-15 мг/кг</li> <li>✓ Юрак-қон томир бузилишларини коррекция қилиш мақсадида 1 мл 1 мезатон эритмаси, корглюкон – 1 мл 0,06% эритмаси, 10% глюкоза эритмаси, преднизалон 90 мг гача в/и томчилаб юбориш мумкин</li> <li>✓ Иситма тушурувчи воситалар - Тана ҳарорати кўтарилганда 38,5°C ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар аналгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 мл гача ёки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига.</li> <li>✓ Психомотор воситалар бромидлар, барбитуратлар, аминазин, седуксен 0,5% эритмаси (0,15-0,3 мг/кг тана вазнига), натрий оксибутират (50-100 мг/кг)</li> </ul>

<p>8. Спленомегалия, касалликнинг 2-чи ҳафтасидан гепатомегалиянинг ҳам юзага келиши</p> <p>9. Бульбар белгилари – тил девиацияси, дизартрия, Говоров-Годелье белгиси (тилни олд тишлардан ташқарига чиқара олмаслик). Бурун-лаб учбурчагининг текисланиши</p> <p>10. Қон томир ўтказувчанлигининг ошиши ҳисобига – «жгут» ва «чимчилаш» белгилари Киари-Авцин белгисини ижобийлиги</p> <p>11. Касалликнинг 4-5 кунда розеолез-петехиал тошма тошиши, тошма полиморф бўлиб бир вақтнинг ўзида кўкрак ва тананинг ён бошида пайдо бўлиши</p> <p>12. «Фулигиноз» тил – қуруқ, тўқ жигарранг караш билан қопланган</p> <p>13. ЮҚТТ – тахикардия, гипотензия, юрак тонлари бўғиқлашган.</p>				<p align="center"><u>Профилактика асослари:</u></p> <p>1. Беморни ҳарорати тушгач яни 12 кун давомида алохидаланг</p> <p>2. Мулоқатда бўлганларни 25 кун мобайнида кузатиш ва ҳароратни ҳар куни ўлчаш</p> <p>3. Мулоқатда бўлган шахсларни тозалиқдан ўтказиш ва битга текшириш</p> <p>4. ўчоқда яқунловчи дезинфекция ва дезинсекция</p> <p>5. қуруқ, тошмали тиф вакцинаси ёрдамида хусусий профилактика.</p>
100%      -      3	1	2	1	3
50%      -      1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ      -      0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Бўғма, томоқ оролчасимон шакли

**Ёши:** 5 еш

**Тана вазни:** 20 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпидемиологик анамнез далиллари. Бўғма билан оғриган бемор ёки бўғма кўзгатувчисининг токсик штаммини ташиб юрувчиси билан мулоқат.</p> <p>2. Муртак безларида тўқималар билан маҳкам бирлашган кулранг кўринишдаги пардани оролчасимон жойлашганлиги.</p> <p>3. Парда кўчирилганда тўқималар қонайди, парда буюм ойначалари орасида эзилмайди, сувда чўқади.</p> <p>4. Регионар лимфа тугунлари катталашади–пайпасланганда ҳаракатчан ва оғриқсиз.</p> <p>5. Тана ҳарорати оғирлик даражасига мос бўлмаган ҳолда 38-39<sup>0</sup>га кўтарилиб, қиска муддат (2-3 кун) давом этади</p> <p>6. Заҳарланиш белгилари: холсизлик, тез чарчаш, иштаҳани пасайиши.</p> <p>7. Тана ҳароратининг кўтарилиши билан мос бўлмаган тахикардия, юрак тонларининг бўғиқланиши.</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) бактериологик усул – томоқнинг бўғма қопламаси жойлашган жойдан суртма олиб</p> <p>Клаубергнинг қонли-телуритли эллектив мухитга ёки Лефлер мухитига экиш</p> <p>2) серологик усул – антителоларни нейтраллаш реакцияси (РНА) РПГА,РА,ИФА</p> <p>Антитаначалар титри 1:80</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>1. коннинг умумий тахлили: лейкоцитоз, нейтрофиллез чапга силжиган, миелоцитларгача. ЭЧТ ошиши 20-30 мм/с</p> <p>2. уринограмма – оксил, эритроцит, цилиндрлар миқдорини ошиши</p>	<p>Коринобактериялар ни ажратиб олиш</p> <p>Қонда хусусий антитаначаларнинг тўпланиш. Нормада – манфий.</p> <p>Лейкоцитлар N – 4,0-9,0x10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N 30-37%. Гемопоз аззоларининг бактериялар таъсирига жавоби</p> <p>«токсик буйрак» холати.</p>	<p>А) ҳалқум бўғмасининг лакунар ангинадан фарқи – лакунар ангина – ютинганда бироз оғриқли, муртак безларининг шиллиқ қаватларининг қизариши, қопламалар муртакнинг лакуналарида жойлашган бўлиб, оқ-сарғиш рангда, кўчирганда осон кўчади, буюм ойначалари орасида осон ишқаланади ва сувда чўқмайди, қоплама фибринли хусусиятга эга эмас. Тонзилляр лимфа тугунлари катталашган, қаттиқлашган, пайпасланганда оғриқли, ўзига хос заҳарланиш белгилари ва юқори тана ҳарорати.</p> <p>Б) Бўғмадан фоликуляр ангинанинг фарқи – юқори тана ҳарорати, заҳарланиш белгиларининг яққол намоён бўлиши ва томоқда оғриқ, ҳалқум шиллиқ қаватининг қизариши, муртак безларининг шишганлиги, эгри-бугри юзаларида шиллиқ ости қаватида сарғиш рангдаги фолликулаларда йиринг пайдо бўлиши, регионар лимфа тугунларида ўзгариш деярли йўқ, тана ҳарорати нормал ёки субфебрил</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ оғирлик даражасидан қаътий назар ётоқ тартиби белгиланади</li> <li>✓ калорияли овқатланиш буюрилади (сут маҳсулотлари – творог, қатик, мева-сабзавотлар)</li> <li>✓ кўп суюқликлар ичиш (мева шарбатлари, сут, лимонли чой, ўт дамламалари)</li> </ul> <p>II. <u>Хусусий даво</u></p> <p>Безредко усули бўйича бўғмага қарши зардоб юбориш 10-15 минг АБ миқдорда (ўртача миқдори бир курсга 10-20 минг АБ).</p> <p>Rp: Seri antidiphtherici concentrati depurati «Diaferm» 10 000 АБ</p> <p>D.t.d. № 10</p> <p>S. м/о юборилади, оғир ҳолатларда в/и схема бўйича</p> <p>III. <u>Патогенетик даво</u> –</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Дезинтоксикацион даво – реополиглокин, гемодез 10-15 мл/кг тана вазни ҳисобидан, плазма 5-10 мл/кг</li> <li>✓ Гормонотерапия – преднизолон 2-3 мг/кг, гидрокортизон 5-10 мг/кг</li> <li>✓ Витаминотерапия: В<sub>1</sub> тиамин хлорид 5% (0,2-1,0 мл м/о 1 кунда 1 маҳал), В<sub>6</sub> – пиридоксин гидрохлорид 5% (0,5-1,0 мл м/о), аскорбин кислотаси 5% эритмаси (1-2 мл 1 суткада в/и томчилаб)</li> <li>✓ Десенсибиловчи терапия – пипольфен 2,5% эритмаси 0,1 мл/ешига ҳисобидан, супрастин 2% эритмаси 0,2-0,3 мл/кг тана вазнига 1 суткада</li> <li>✓ Миокардит белгилари пайдо бўлса – кокарбоксилаза 50-100 мг</li> </ul> <p><u>Профилактика асослари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. ўчоғда 1% ли хлорамин эритмаси билан якуний дезинфекция</li> <li>2. бўғма билан касалланган бемор билан мулоқатда бўлганларни текшириш</li> <li>3. мулоқатда бўлган болаларни болалар боғчасига боришни тақиқлаш (бактериал текшириш тахлиллари натижасининг 7-чи кунигача)</li> <li>4. бактерия ташувчиларни аниқлаб даволаш мақасида касалхонага ётқизиш</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.



### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Аденовирусли инфекция, ўрта оғир шакли, касалликни 3 куни.

**Ёши:** 3 еш.

**Тана вазни:** 15 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1.Эпид.анамнез – ўхшаш бемор билан мулокатда бўлиши.</p> <p>1.Касалликни ўткир, юқори ҳарорат билан бошланиши.</p> <p>2.Юқори ва 5 кундан ортик давом этадиган фебрил ҳарорат.</p> <p>3.Пардали конъюктивит, ринит ва фарингит.</p> <p>4.Томоғи кизарган, муртак безлари шишган.</p> <p>5.Гепатоспленомегалия ва лимфаденит.</p> <p>6.Қоринда оғрик ва ич кетиши.</p> <p>7.Заҳарланиш белиглари.</p>	<p>1.Иммунофлюоресценция усули</p> <p>2. Вирусологик</p> <p>3. РСК, РТГА, РНГА жуфт зардоб усулида Антителоларни титрини 1:80 ёки 4 баробар ва ундан юқори ошиши</p> <p>4. ПЦР (Полимераз занжир реакцияси).</p> <p>5. Иммуноферментли анализ</p> <p>Вирусологик текширувларнинг кўп вақт талаб қилишини инobatта олиб, Ташҳис клиник-эпидемиологик далилларга асосланиб қўйилади</p>	<p>Вирус антигенларини нафас йўллари эпителийси хужайларидан ажратиб олиш</p> <p>Вирусларни тўқима хужайралари культурасидан ажратиб олиш</p> <p>Қонда хусусий антитаначалар тўпланиш. Нормада манфий</p> <p>Нафас йўллари ажратмаларида вирус ДНКсини аниқлаш</p> <p>IgM синфидаги антителоларни аниқлаш</p>	<p>А)ЎРВИни аденовирусли инфекциядан фарқи. ЎРВИ – кўз шиллик қаватининг яллиғланиши, асосий клиник белгиларининг бир вақтда юзага келмаслиги, лимфа тўқималаридаги яққол ривожланган реакцияси, юқори нафас йўллари ва халқумдаги экссудатив яллиғланишга хос ўзгариш</p> <p>Б) юқумли моноклеоз – бўйин ва бўйин орқасидаги лимфа тугунларининг катталашиши, намоён бўлган катарал яллиғланиш, бурун орқали нафас олишинг қийинлашуви – бурун халқум муртакларининг яллиғланиши натижасида, ангинанинг ривожланиши, жигар ва талокнинг катталашиши, қонда – лимфоцитар лейкоцитоз ва кўп микдорда атипик моноклеарларнинг бўлиши.</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <p>✓ даво-чоралари кўп ҳолларда уй шароитида олиб борилади. Шундай ҳолатларда беморни албатта бошқа оила аъзоларидан алоҳидалаш лозим</p> <p>✓ оғирлик даражасидан қаътий назар ётоқ тартиби буюрилади</p> <p>✓ калорияли овқатланиш тавсия этилади (сут маҳсулотлари – творог, қатик, мева-сабзавотлар)</p> <p>✓ кўп суюқликлар ичиш (мева шарбатлари, сут, лимонли чой, ўт дамламалари)</p> <p>II. <u>Махсус даволаш</u></p> <p>✓ 1-2 мг/мл концентрацияли дезоксирибонуклеазани бурунга (5-10 томчидан ҳар 2 соатда) ёки кўзга томизиш (2 томчидан). Янги тайерланган 0,2% ли оксалин эритмасини кунига 3 маҳал бурунга томизиш</p> <p>III. <u>Белгилли даво</u></p> <p>✓ тана ҳарорати 38,5<sup>0</sup> дан юқори бўлганда парацетамол 7-10 мг/кг дан буюрилади</p> <p style="padding-left: 20px;">Rp: Paracetamoli D.t.d. № 10 S. 1/2 таблеткадан ичишга</p> <p>✓ нафас олиш қийинлашганда – санорин, болалар нафтизини, 2% протаргол эритмаси, 20% сульфацил натрий кўз конъюктивасига томизилади</p> <p>IV. <u>Профилактика асослари:</u></p> <p>1. Беморни эрта алоҳидалаш</p> <p>2. Хонани тез-тез шамоллатиш, хонани намлаб артиш</p> <p>3. Оиланинг бошқа аъзоларини ниқоб тақиб юришларини таъминлаш</p> <p>4. Кучсиз хлорли эритма билан намлаб тозалаш</p> <p>5. Идиш товоқларни, оқликларни, кийимларни қайнатиш</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Эпидемик паротит, типик шакли, ўрта оғир кечиши.

**Ёши:** 6 ёш.

**Тана вазни:** 20 кг.

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпиданамнез – болалар боғчасида тепки билан касалланган бола билан мулоқатда бўлган.</p> <p>2. Ўткир бошланиши, тана ҳароратини 39-39,5<sup>0</sup>С кўтариллиш ва захарланиш белгиларини бўлиши.</p> <p>3. Оғизни очганда ва қаттиқ овқат чайнаганда кулоқ олдида оғрик.</p> <p>4. Бир томонда –кўпинча иккала томонда кулоқ олди сўлак безларининг катталаниши. Пайпаслаганда хамирсимон консистенцияда, шишган, териси таранглашган, яллиғланиш белгилари йўқ.</p> <p>5. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва стенон ёрикчаси атрофида шиш ва кизариш (Мурсу белгиси мусбат).</p> <p>6. Ретромандибулар чуқурча соҳасида босиб кўрилганда оғрик (Филатов белгиси).</p>	<p>1. Умумий қон тахлили Нормоцитоз ёки лейкопения лимфоцитоз, ЭЧТ нормада</p> <p>2. Вирусологик усул Касалликнинг 3-4 кунда бурун ҳалқум шиллиғидан, қон, ликвордан (тирик тўқима мухитида) вирусни ажратиш олиш</p> <p>3. Серологик усул КБР, РТГА, РА жуфт зардоблар билан. Бир марта текширувдан сўнг Ташҳис титрини 1:80 ёки 10-12 кундан кейин бу титр миқдорини 4 мартадан ортиши Ташҳисотнинг вирусологик усулини мураккаб томонларини ҳисобга олган ҳолда Ташҳис асосан клиник эпидемиологик маълумотларга асосланган ҳолда қўйилади</p>	<p>Лейкоцитлар N-4,0-9,0 x10<sup>9</sup>/л, Лимфоцитлар N – 20-37%, СОЭ N 0-10 мм/час. Гемопоз аъзоларининг вирусли инфекцияга хусусий реакцияси</p> <p>Қонда хусусий антитаначалар тўпланиши. Нормада манфий.</p>	<p>А) йирингли паротит бактериал инфекция оқибатида юзага келади (септик ҳолат, оғиз бўшлиғининг йирингли, инфекцияси, гайморит). Тана ҳарорати юқори бўлиб, сўлак безлари соҳасида кучли оғрик пайдо бўлади, марказида флюктуация аниқланади. Периферик қонда нейтрофилли лейкоцитоз, ЭЧТ тезлашган</p> <p>Б) юқумли мононуклеозда асосан лимфа тугунлари катталаниб (сўлак безлари эмас), муртак безлари, жигар ва талок каталашади, қонда лейкоцитоз ва ноаник мононуклеарлар аниқланади</p>	<p><u>I. Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ даволаниш кўпинча уй шароитида олиб борилади</li> <li>✓ ётоқ тартиби (бемор ҳолатининг оғирлигидан қатъий назар 7-10 кун давомида)</li> <li>✓ сифатли овқатланиш, кўпроқ сут-қатик, сабзавот мевалардан тайёрланган таомлар</li> <li>✓ кўп суюқлик ичиш (мева шарбати, сут, лимонли, чой, ўт дамламалари)</li> <li>✓ зарарланган сўлак беши соҳасини – қуруқ иссиқ қилиш (пахта қўйиб рўмолча ўраш)</li> </ul> <p><u>II. Маҳсус даво йўқ</u></p> <p><u>III. Белгилли даво:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Тана Ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар аналгин 50% - 0,1 мл/хар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 мл/гача еки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига.</li> </ul> <p style="text-align: center;">Rp: Analgini 50% D.t.d. № 10 S. 0,4 мл дан м/о</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Беморни вақтида алоҳидалаш</li> <li>2. Хонани шамоллатиш, хонани намлаб тозалаш</li> <li>3. Оиланинг соғлом аъзолари 4 қаватли докали никоб тақиб юришлари лозим</li> <li>4. Идиш товоқларини, кийимларини қайнатиш</li> </ol>
100%    -    3	1	2	1	3
50%    -    1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ    -    0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Қизилча

Ёши: 4 ёш

Тана вазни: 16 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Тошмаси бор бемор билан мулоқат</p> <p>2. Қасалликни тошма тошиши билан бошланиши</p> <p>3. Кучли бўлмаган захарланиш белгиларини бўлиши</p> <p>4. Тошмалар майда доғсимон кўринишга эга бўлиб касалликнинг 1-2 кунда аввал юзда кейин буйинда ва тезлик билан танага тарқалиши билан характерланади. Кўпроқ орқада, думбаларда, оёқ ва кўлларнинг ёзилувчи соҳаларида тошади. Тошмалар доғли-папулалар шаклида кўриниб чегараси текис, бир-бирига қўшилмайди. Тошмалардан сўнг из қолмайди.</p> <p>5. Энса лимфатугунларини катталашуви.</p>	<p>I. Хусусий усул - вирусологик усул</p> <p>- серологик усул (РПГА, РСК ва РИФ қўш зардобларда). Қондаги хусусий антитаначалар миқдорини касаллик давомида 4 баровар ва ундан ортиқ ортиши</p> <p>II. Нохусусий - гемограмма Лейкопения нейтропения нисбий лимфоцитоз, моноцитоз ЭЧТ – N. Плазматик хужарарнинг пайдо бўлиши (N – бўлмайди)</p>	<p>Вирусни томоқ чайиндисидан, қондан, нажасдан ажратиб олиш</p> <p>Қонда хусусий антитаначалар пайдо бўлиши.</p> <p>Лейкоцитлар N- 4,8-10,8 x 10<sup>9</sup>/л, нейтрофиллар N – 60%, моноцитлар N 5-10%, плазматик хужайралар нормада бўлмайди.</p>	<p>А) Қизамиқга – яққол намоён бўлган катарал белгилар (ринит, конъюктивит, куруқ йўтал), кучли ривожланган захарланиш белгилари, Бельский-Филатов белгисининг ижобийлиги, тошмаларни касалликни 4-5 кунда босқичма-босқич тошиши, бир-бирига кўшилиш хусусиятига эга бўлганлиги ва ўзидан сўнг пигментация қолдириши хос</p> <p>Б) Скарлатинага – касаллик ўткир бошланиши, тошмалар касалликни 1-2 кун тошиши, тошмалар майда нуктасимон бўлиши ва кўпроқ физиологик бурмалар соҳасида бўлиши ва оғиз-бурун уч бурчагида бўлмаслиги (Филатов белгиси), тошмадан сўнг терини пўст ташлаши, «алангасимон томоқ» мавжудлиги, оқ дермографизм белгиси ижобийлиги хос.</p>	<p>1. Асоратланмаган қизилчани клиникада даволаш шарт эмас</p> <p>2. Ётоқ тартиби 3-4 кун</p> <p>3. витаминлар (пиковит 1 драже x 3 маҳал кунига), ревит 1 драже 2-3 маҳал кунига ва бошқалар. Rp: Dragee «Revitum» D.t.d № 50 S. 1 дражедан, кунига 3 маҳал</p> <p>Профилактикаси:</p> <p>1. Мулоқатда бўлган болаларни алоҳидалашга зарурият йўқ.</p> <p>2. Беморни тошма тошиши билан 5 кунга алоҳидалаш зарур.</p> <p>3. Ўчоқда дезинфекция ўтказилмайди.</p>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Бўғма, тарқоқ шакли, ўрта оғир кечуви.

Ёши: 5 ёш.

Тана вазни: 18 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даво сандартлари		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Эпидемиологик анамнез маълумотлари – бўғма билан касалланган бемор ёки бўғма таёқчаларининг токсиген штамларини ташиб юрувчи бактерияташувчилар билан мулоқатда бўлиш</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланиб, тана ҳарорати 38-39<sup>0</sup>С, умумий захарланиш белгилари, рангпар, холсизлик, оғиз-ҳалқумга хос маҳалий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши</p> <p>3. Томоқдаги қизариш кўкимтир тусга эга бодомча (муртак) безларда, танглай равоқларида, тилчада, юмшоқ танглайда фибриноз парданинг бўлиши</p> <p>4. Регионар лимфа тугунларининг катталашishi пайпасланганда кам оғриқли</p> <p>5. Атрофдаги тўқималарга зич ёпишган хира-қулранг қоплама кўчирганда қонайди, 2та буюм ойначаси орасида суркалиб кетмайди. Оғиз ҳалқум шиллик қаватнинг қизариши яққол кўзга ташланади, муртаклар, танглай, тилча шишган</p> <p>6. Лимфа тугунларининг катталашishi, қаттиқлашishi оғриқли бўлиши</p> <p>7. Тахикардия – аъзонинг ҳарорат муносабатига мос келмайди, юрак тонлари бўғик</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) бактериологик усул – томоқнинг бўғма қопламаси жойлашган жойдан суртма олиб Клаубергнинг қонли-телуридли эллектив мухитга ёки Лефлер мухитига экиш</p> <p>2) серологик усул – РНА, нейтраллаш реакцияси РПГА,РА,ИФА Антитаначалар титри 1:80</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>1) қоннинг умумий таҳлили: лейкоцитоз, нейтрофиллез чапга силжиган, миелоцитларгача ЭЧТ ошиши 20-30 мм/ч</p> <p>2) уринограмма – оқсил, эритроцит, цилиндрлар миқдорини ошиши</p>	<p>Коринобактериялар арни ажратиб олиш</p> <p>Қонда хусусий антитаначаларнинг тўпланиши. Нормада – манфий.</p> <p>Лейкоцитлар N – 4,0-9,0x10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N-30-37%. Гемопоз аззоларининг хусусий реакцияси</p> <p>«токсик буйрак» ривожланиши мумкин.</p>	<p>А) жойлашган ҳалқум бўғмасининг лакунар ангинадан фарқи – лакунар ангина – ютинганда бироз оғриқли, муртак безларининг шиллик қаватларининг қизариш, қопламалар муртакнинг лакуналарида жойлашган бўлиб, оқ-сарик рангда, кўчирганда осон кўчади, иккита буюм ойначалари орасида осон ишқаланади ва хоказо, қоплама фибринли хусусиятига эга эмас. тонзиллар лимфа тугунлари катталашган, қаттиқлашган, пайпасланганда оғриқли, ўзига хос захарланиш белгилари ва юқори тана ҳарорати.</p> <p>Б) бўғмадан фоликуляр ангинанинг фарқи – юқори тана ҳарорати, захарланиш белгиларининг яққол намоён бўлиши ва томоқда оғриқ, ҳалқум шиллик қаватининг қизариши, муртак безларининг шишганлиги, эгри-бугри юзаларида шиллик ости қаватида сарғиш рангдаги фоликулаларда йиринг пайдо бўлиши, регионар лимфа тугунлари катталашган</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ агар бўғмага шубҳа уйғонса дарҳол касалхонага ётқизиш керак.</li> <li>✓ Қабғий ётоқ тартиби, беморни транспортировка қилиш, овқатлантириш, туалет, окликларни алмаштириш муолажалар асоратни олдини олиш мақсадида ётган жойда амалга оширилади.</li> <li>✓ Беморнинг овқатланиш тартиби – овқат албатта суюк ёки ярим суюк бўлиши ва оқсил, ёғ, углеводлар нисбати меъёрида бўлиши керак</li> </ul> <p>II. <u>Хусусий даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Безредко усули бўйича бўғмага қарши зардоб юбориш 30-40 минг АБ (антитоксик бирлик) миқдорда (доза) (ўртача миқдори бир курсга 30-60 минг АБ).</li> <li>Rp: Seri antidiphtherici concentrati depurati «Diaferm» 10 000 АБ</li> <li>D.t.d. № 10</li> <li>S. м/о юборилади, оғир ҳолатларда в/и схема бўйича</li> </ul> <p>III. <u>Патогенетик даво</u> –</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Дезинтоксикацион даво – реополиглюкин, гемодез 10-15 мл/кг тана вазни ҳисобидан, плазма 5-10 мл/кг</li> <li>✓ Гормонотерапия – преднизолон 2-3 мг/кг, гидрокортизон 5-10 мг/кг</li> <li>✓ Витаминотерапия: В<sub>1</sub> тиамин хлорид 5% (0,2-1,0 мл м/о 1 кунда 1 маҳал), В<sub>6</sub> – пиридоксин гидрохлорид 5% (0,5-1,0 мл м/о), аскорбин кислотаси 5% эритмаси (1-2 мл 1 суткада в/и томчилаб)</li> <li>✓ Десенсибиловчи терапия – пипольфен 2,5% эритмаси 0,1 мл/ешига ҳисобидан, супрастин 2% эритмаси 0,2-0,3 мл/нг тана вазнига 1 суткада</li> <li>✓ Миокардит белгилари пайдо бўлса – кокарбоксилаза 50-100 мг</li> </ul> <p><u>Профилактика асослари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. ўчоғда 1% ли хлорамин эритмаси билан якуний дезинфекция</li> <li>2. бўғма билан касалланган бемор билан мулоқатда бўлганларни текшириш</li> <li>3. мулоқатда бўлган болаларни болалар боғчасига боришини тақиқлаш (бактериал текшириш таҳлиллари натижасининг 7-чи кунигача)</li> <li>4. бактерия ташувчиларни аниқлаб даволаш мақсадида касалхонага ётқизиш</li> <li>5. фаол иммунитет ҳосил қилиш мақсадида АКДС вакцинаси билан эмлаш 2 ойликдан бошланади, кейин 3, 4, 16 ойликда эмлаш давом эттирилади.</li> </ol>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Скарлатина, аниқ шакли, ўрта оғирликда

Ёши: 5 ёш

Тана вазни: 15 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳис маълумотлари		Қиесий ташҳис	Даво стандартлари		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Эпиданамнез – ангина билан касалланган бемор билан мулоқатда бўлиш</p> <p>2. Касалликни ўткир бошланиши, тана ҳарорати 38-40°C ва интоксикация белгилари</p> <p>3. Касалликнинг 1-чи ёки 2-чи кунда қизарган терида майда нуктасимон тошма пайдо бўлиб, табиий бурмалари соҳасида бири-бири билан қўшилган гиперемия тери фонида</p> <p>4. Бурун-лаб учбурчаги оқиш, юзлари қизарган (Филатов белгиси)</p> <p>5. Тонзиллит белгилари (катарал. фоликуляр, лакунар) томоқда қизариш («алангаланган томоқ»)</p> <p>6. Оқ дермаграфизм</p> <p>7. Касалликнинг биринчи кунларидан симпатикотония белгилари (тахикардия ва артериал қон босимнинг кўтарилиши)</p> <p>8. х9. афтанинг охири кунларида ваготония белгилари (брадикардия, юрак чегараларининг кенгайиши, функционал систолик шовкин). Артериал қон босимнинг пасайиши.</p> <p>10. Тил қуюқ оқ караш билан қопланган (ўткир даврида касалликнинг 2-3 кундан бошлаб караш ўрнини қизиллик эгаллайди, тил сўргичлари катталашган «малинасимон тил»)</p> <p>11. 1-чи ҳафтанинг охири 2-чи ҳафтанинг бошида бадан терисида–кепаксимон қипикланиш, кафт ва панжада пластинасимон қипикланиш кузатилади</p>	<p>I. хусусий</p> <p>1) бактериологик усул – томоқдан шиллик олиб экиш</p> <p>2) серологик реакция</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>1) гемограмма</p> <p>Лейкоцитоз таёкча ядроли чапга силжиши, эозинофилия (N-0,5-5%), ЭЧТ ошиши</p>	<p>A гуруҳига мансуб Ғ-гемолитик стрептококкнинг соф культурасини ажратиб олиш</p> <p>Қонда антистрептолизин-О титрини аниқлаш</p> <p>лейкоцитлар N-4,8-10,8 х 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар 30-37%, эозинофиллар 0,5-5%. Гемопоз аззоларининг бактериал инфекцияга жавоби</p>	<p>A) Қизамиқ – ўткир бошланади. Юқори ҳарорат, ларинготрахеит, конъюнктивит, ринит, шиллик каватдаги «Филатов-Коплик_Бельский» доғлари, макуло-папулез тошма, тошмалар тошишининг босқичлилиги. Бир-бири билан қўшилиши. Тошмадан сўнг пигментация.</p> <p>Б) псевдотуберкулез – тошмалар полиморф хусусиятга эга, хажми катта, асосан буғимлар атрофида, тошмалар кўпинча кул бармоқларида жойлашади. Ундан ташқари панжада юзда, бурун лаб учбурчагида ҳам жойлашади. Оғиз ҳалқумда ўзгариш камроқ намоён бўлади. Жигар ва талогни катталашуви, артралгия, терининг қичишиши, қоринда оғрик, ичнинг бузилиши, сариқлик скарлатинага хос эмас.</p>	<p>Беморни алоҳидалаш</p> <p>I. <u>Этиотрон даво</u> – пенициллин (50-100 минг ЕД кг/сут). Курс давомийлиги 5-7 кун; ампициллин (50-100 минг ЕД/кг кунда) Rp: Benzilpenicillini-natrii 1000000 ED D.t..d.№ 20 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаинда эритилиб, кунига 4 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</p> <p>II. <u>Белгилли даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ дезинтоксикацион даво – 10%ли глюкоза, реополиглюкин – 10 мл/кг 1-2 кун давомида кўп суяклик ичиш</li> <li>✓ десенсибиловчи даво (пипольфен 2,5% эритмаси 0,1 мл/ешига; супрастин 2% эритмаси 0,2-0,3 мг/кг тана вазнига 1 суткага</li> <li>✓ витаминотерапия В<sub>1</sub> тиамин хлорид 5% (0,2-1,0 мл м/о х кунига 1 маҳал), В<sub>6</sub> пиридоксина гидрохлорид 5% (0,5-1,0 мл м/о кунига 1 маҳал), аскорбин кислотаси 5% эритмаси 1-2 мл суткага в/и)</li> <li>✓ оғиз-ҳалқумни фурациллин ёки мойчечак дамламаси билан ғарғари қилиш</li> </ul> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. беморни 7-10 кун алоҳидалаш. Бошқа стрептококк инфекция касаллиги билан (ангина, фарингит, стрептодермия) оғриган беморларни 22 кун алоҳидалаш</li> <li>2. Ўчоқда – доимий жорий дезинфекция.</li> <li>3. Болаларни богчага касаллик бошланишидан 22 кун ўтгач қўйилади.</li> <li>4. Мулоқатда бўлганларни 7 кун давомида алоҳидалаш зарур.</li> </ol>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Сув чечак, аниқ шакли, ўрта оғир кечуви.

**Ёши:** 4 ёш

**Тана вазни:** 16 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳис маълумотлари		Қиесий ташҳис	Даво стандартлари
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпиданамнез – сув чечак билан оғриган ёки белбоғсимон лишай билан касалланган бемор билан мулоқатда бўлиш</p> <p>2. Ўткир бошланиши тана ҳароратини 39-39,5<sup>0</sup>С гача кўтарилиши ва захарланиш белгиларини кузатилиши</p> <p>3. 1-2 кунда ўзига хос тошма тошиши</p> <p>4. Тошма-везикуладан (пуфакчадан) иборат бўлиб, сохта полиморфизм аниқланади (макула-папула-везикула-катқалоқ)</p> <p>5. Везикулалар думалоқ шаклда бўлиб, асосида инфилтрат бўлмайди, гиперемияланган халқа билан ўралган, бир камерали. Маркази киндиксимон ботикга эга</p> <p>6. Тошмалар доимо бошнинг сочли қисмида аниқланади.</p> <p>7. Тошма кафтда ва панжада бўлмайди</p> <p>8. Тана ҳароратининг кўтарилиши билан бир вақтда, янги тшмаларнинг пайдо бўлади</p>	<p>1. Қоннинг умумий тахлили Лейкопения лимфоцитоз билан ЭЧТ нормада</p> <p>2. Кумушли Морозов усули бўйича везикула таркибидан Арагана таначаларини аниқлаш</p> <p>3. Тўқма хўжарайраси мухитида пуфакча таркибидан вирусни аниқлаш</p> <p>4. Жуфт зардобларда КБР Антителолар титри 4 маротаба ортиши Ташҳисотнинг вирусологик усулининг мураккаб томонларини ҳисобга олган холда Ташҳис асосан клиник эпидемиологик маълумотларга асосланган холда қўйилади.</p>	<p>Лейкоцитлар N= 4,8-10,8 x 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N – 30-37%, эозинофиллар N 0,5-5%. Гемопоз аззоларининг вирусли инфекцияга хусусий реакцияси</p> <p>Везикула суюқлигидан тайёрланган суртмада вируснинг топилиши</p> <p>Қон зардобида хусусий антитаначаларни ҳосил бўлиши</p>	<p>А) импетигони сувчечакдан фарқлашда асосан эътибор бериш лозим – тошма юзда, қўлда жойлашади. Пуфакчалар таркиби сарғимтир йирингдан иборат бўлиб, тез ёрилади ва қалин катқалоқ ҳосил қилади.</p> <p>Б) Строфулюсни – сувчечакдан фарқи тана ҳарорати кўтарилмайди, тошма элементлари кучли кичийди, қаттиқ бўлади, асосан думба, орқада, оёқ-қўлларнинг ён юзаларида жойлашади</p> <p>В) оддий герпес эрта ёшдаги болаларда учрайди, оғир кечади. Гуруҳли пуфакчали тошмалар тошади. Улар бир бирига қўшилиб, ёпишган катқалоқ ҳосил қилади. Жигар, талоқ катталашади. Лимфа тугунларига хос реакция юзига келади</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ боланинг гигиеник ҳолатига эътибор бериш, кўрпа-тўшаклар, кийим, кўрпа, қўл тозаланиши сақлаш</li> <li>✓ везикулаларга 1% бриллиант кўкининг спиртли эритмасидан ёки 2% калий перманганат эритмасидан суртиш</li> <li>✓ фурациллин эритмаси билан оғизни чайиш (1:5000) оғиз шиллиқ қаватини ингалипт билан тозалаш</li> </ul> <p>II. <u>Этиотроп даво ўтказилмайди</u></p> <p>III. <u>Патогенетик даво</u></p> <p>- Тана Ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар аналгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 млгача еки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига.</p> <p>Rp: Analgini 50% D.t.d. № 10 S. 0,4 мл дан м/о</p> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. беморни уйда, охириги тошма пайдо бўлгандан сўнг 5 кунгача аллоҳидалаш</li> <li>2. мулоқатда бўлганларни 11-21 кунга мулоқатда бўлган вақтдан бошлаб аллоҳидалаш</li> <li>3. болалар жамоасида 21 кун давомида карантин ўрнатиш</li> <li>4. махсус гамма глобулин юбориш билан пассив иммунитет ҳосил қилиш</li> <li>5. дезинфекция ўтказилмайди, хоналарни намлаб артиш етарли ҳисобланади.</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Грипп, аниқ шакли, ўрта-оғир кечуви, касалликнинг 3-чи куни. **Ёши:** 9 ёшда. **Тана вазни:** 28 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлар	Ташҳис маълумотлари		Қиёсий ташҳис	Даво стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпиданамнез –«шамоллаган бемор» билан мулоқатда бўлиш</p> <p>2. Ўткир бошланиши</p> <p>3. Интоксикация белгиларининг борлиги, тананинг қакшаши, бош оғриги айниқса пешона соҳасида, кўз олмасида ва мушакларда оғриқ, гипертермия – ҳарорат 38-39<sup>0</sup>С (2 кун давомида)</p> <p>4. Томоғи қизарган, орқа деворида майда фолликулалар бўртиб туриши.</p> <p>5. Куруқ йўтал ва тўш соҳасида оғриқ (трахеит).</p> <p>6. Бурни битиши ва сероз суюқликлар оқиши (ринит).</p> <p>7. Конъюнктиваларида майда томирларни кенгайтиши</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) риноцитоскопия</p> <p>2) серологик усул РПГА,КБР,РА жуфт зардобларда Антитело титрининг 4 марта ошиши</p> <p>3) вирусологик усул – товук эмбрионида грипп вируси культурасини ўстириб олиши</p> <p>4) жадал ташҳис – иммуно-флюоресцент усул</p> <p>Ташҳис қўйишида вирусологик усулни мураккаблигини ҳисобга олиб клиник-эпидемиологик маълумотларга асосланади</p>	<p>Цилиндрик эпителий хужайраларда РНК цитоплазматик киритмаларни аниқлаш.</p> <p>Хусусий антителалар ҳосил бўлиши</p> <p>Томоқ суртмасидан вирусни ажратиб олиш</p>	<p>А) қорин тифига кўпинча адинамия, бифарқлик, рангпарлик, нисбий брадикардия, гипотония, тиф симон тил, метеоризм, гепатоспленомегалия ва розеолез тошмалар хос</p> <p>Б) вирусли гепатит А га қориндаги оғриқ, астено вегетатив белгилар, гепатоспленомегалия, сийдикни тўқ қизил бўлиши ва нажасни оқариши хос.</p>	<p>I. <u>Базис даво:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ беморни уйда алоҳида парваришлаш</li> <li>✓ стол – пархез № 15</li> <li>✓ кўп миқдорда суюқлик, мева, сабзавот шарбатлари, лимонли чой, истеъмол қилиш</li> </ul> <p>II. <u>Этиотроп даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ лейкоцитар интерферон – ҳар бир бурун бўшлиғига 3-5 томчидан кунига 5-6 маҳал томизиш Rp: Interferoni leucocytici D.t.d. № 10 in ampull S. ампула ичидаги моддани 2 мл совутилган қайнаган сувда эритиб, бурнига 4 томчидан кунига 5-6 марта томизиш</li> <li>✓ ремантадин ёки арбитол 25-30 мг 3 маҳал 1 кунда, 1-3 кун давомида</li> <li>✓ реоферон аэрозол 500000 ХБ х 2 маҳал 1 кунда, 2-3 кун давомида</li> </ul> <p>III. <u>Белгилли даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Тана ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар аналгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 мл/гача еки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига.</li> <li>✓ антигриппин 1 порошокдан 3 маҳал 2-4 кун давомида</li> <li>✓ уйқусизлик, кўзгалувчанликда – димедрол, фенобарбитал</li> <li>✓ тумовда – нафтизин 0,1% 1-2 томчи бурунга 2-3 маҳал 1 кунга, галазолин 0,05%</li> <li>✓ чалғитувчи восита – хантал билан ўраш, оёқ хаммомчаси</li> </ul> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Эрта ташҳисот ва беморларни алоҳидалаш 7 кунгача.</li> <li>2. Хонани тез-тез шамоллатиш, намлаб тозалаш, никоб тақиб юриш.</li> <li>3. Оксалин малхамини – бурун йўлларида суртиш.</li> <li>4. Эпидемия олди даврида гриппга қарши эмлаш</li> <li>5. Лейкоцитар интерферон – 2-5 томчи ҳар бир бурун йўлига 1 кунда 4 маҳал (грипп эпидемияси даврида) томизиш</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б				

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Қизамиқ, аниқ шакли, ўрта оғир кечуви.

Ёши: 2,5 ёш.

Тана вазни: 14 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳис маълумотлари		Қиёсий ташҳис	Даво стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Қизамиқ билан касалланган бемор билан мулоқат</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг 39<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлиши, интоксикация белгиларининг борлиги</p> <p>3. Ринит белгилари – бурундан сероз-йирингли ажралма оқиши</p> <p>4. Ларинго-трахеит белгилари – овознинг бўғилиши, қуруқ, қийновчи йўтал</p> <p>5. Оғиз бўшлиги ва томоқдаги гиперемия ва энантема.</p> <p>6. Конъюнктивит белгилари – кўз шиллик пардаларининг қизариши, шиши, кўздан серозли ёки сероз-йирингли ажралма оқиши, склера томирларида инъекция, кўз ёшини оқиши, ёруғликдан қурқиши</p> <p>7.Бельский-Филатов-Коплик доғлари – оқ рангдаги майда доғчалар. Бу доғлар кичик қозиқ тишлар қарама қаршисида, шиллик қават юзаларида жойлашиб четлари қизил хошия билан ўралган бўлади. Касалликни 1 чи ёки 2-чи кунда пайдо бўлади</p> <p>8.Юмшоқ ва каттиқ танглайда оч гиперемия фонидаги майда доғли энантема</p> <p>9.Тошма-доғли папулез, бир-бири билан қўшилиш хусусиятига эга булган, катта эритематоз майдон хосил қилади, айниқса тананинг орқа ва думба соҳаларида, ўзидан кейин доғ ҳосил қилади</p> <p>10.Тошма босқич билан тошади ва экзантемалар йўқолади</p>	<p>I. Хусусий серологик усул – мақсад маҳсус антитаначаларни, РПГА жуфт зардобларда аниқлаш, РТГА, РН. Қизамиқ антитаначаларини титрини қўш зардобда 4 мартагача ортиши</p> <p>Ташҳис қўйишда асос бўлади</p> <p>II. Нохусусий - гемограмма</p> <p>Лейкопения нисбий лимфоцитоз, эозинопения, плазматик хужарайраларнинг пайдо бўлиши, тромбоцитопения</p>	<p>Специфик антитаначалар пайдо бўлиши курсатади. Нормада манфий.</p> <p>Лейкоцитлар N – 4,0-9,0 x10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N – 30-37%, эозинофиллар N – 0,5-5%) Гемопозэ аззоларининг вирусли инфекцияларга хос жавоб реакцияси.</p>	<p>А) қизилчада – тошмалар қизамиқдан фарқли бир вақтда тошади (1 кунда), доғ бўлмайди, тошмалар нисбатан майда, бир-бири билан қўшилмайди. Интоксикация белгилари ва катарал белгилар нисбатан камроқ намоён бўлади</p> <p>Б) қизамиқни катарал даврини ЎРВИ билан таққослаш мумкин ЎРВИда катарал белгилар яққол намоён бўлади, конъюнктивит, доимий эмас, Бельский-Филатов-Коплик доғлари Ташҳис қўйишда, тошма тошишидан олдин асосий патогномик белги хисобланади.</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ болани шахсий гигиенага риоя қилиши, ўрин кўрпасини, кийимларини, қўлларини тоза сақлаши</li> <li>✓ ётоқ тартиби ва кўп суюқликлар ичиш</li> <li>✓ оғиз бўшлигини санация қилиш (қайнатилган сув билан ёки 2%ли натрий гидрокарбонат эритмасини билан чайиш), кўзига ёруғликни таъсирини камайтириш. 20%ли сульфацил натрий эритмасини кўзига 2-3 томчидан 3-4 маҳал 1 кунда томизиш</li> </ul> <p>Rp: Sol.Sulfacyli-natrii 30% 10 ml</p> <p>D.S. кўзига 2-3 томчидан, кунига 3 маҳал томизиш</p> <p>II. <u>Этиотроп даво ўтказилмайди</u></p> <p>III. <u>Синдромал даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Тана ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар аналгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 млгача еки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига</li> </ul> <p>Rp: Paracetamoli</p> <p>D.t.d. № 10</p> <p>S. 1/2 таблеткадан ичишга</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ интоксикация кучли ривожланганда инфузион даво ҳар тана вазниги 10-15 мл хисобидан белгиланади</li> </ul> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тошма тошишининг 5-чи кундан бошлаб беморларни алоҳидалаш; мулоқатда бўлганларни назоратга олиш</li> <li>2. Мулоқатдаги бўлган 3-12 ойлик болаларга 1-чи 5 кунда 3,0 мл нормал одам иммуноглобулини юборилади</li> <li>3. Режали профилактика мақсадида тирик қизамиқ вакцинаси ёшига қараб жадвал бўйича эмлаш асосида ўтказилади (қизамиқ<sub>1</sub> 1-9 ой, қизамиқ<sub>2</sub> – 18 ойлигида)</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Кўкйўтал, аниқ шакли, спазматик хуруж даври, ўрта оғир кечуви.

Ёши: 6 ёш.

Тана вазни: 20 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлар	Ташҳис маълумотлар		Қиёсий ташҳис	Даво стандарти		
	Лаборатор текширув	Интерпретация				
<p>1. Эпиданамнез – йўталаётган бемор билан мулоқатда бўлган</p> <p>2. Касалликни аста-секин бошланиши (1-2 ҳафта ичида) тана ҳарорати субфебрил, умумий холсизлик, тумов, йўтал</p> <p>3. Спазматик йўтал 10-15 марта</p> <p>4. Репризлар</p> <p>5. Аура</p> <p>6. Йўталдан сўнг ёпишқоқ балғам билан қайд қилиш</p> <p>7. Юзлари бироз керкиган ковоклари шишган, терида, конъюнктивада қон қуйилиш, тил ўзанчасида ярача ҳосил бўлган</p> <p>8. ЮҚТТ – тахикардия, артериал қон босимининг кўтарилиши</p> <p>9. Ўпкада кутичасимон перкутор товуш эшитилади, аускультацияда курук хириллаш, ўпка эмфиземаси белгилари</p> <p>10. Тил илдизи ва қулоқ дўмбоқчаси босилганда спазматик йўтал хуружларини пайдо бўлиши</p>	<p>I. Хусусий</p> <p>1) бак. Текширув юқори нафас йўларидан шиллиқ олиб текшириш, материал 2 та ҳалқум тампони билан олинад (курук ва нам буферли физиологик эритма билан). Катта ёшдаги болаларда материал олиш «ўйтал пластинкали» усули билан ўтказилади. Мухит – қон қушилган глицерин-картошкали ёки казеин-кўмирли агар ҳисобланади</p> <p>2) серологик усул РПГА,ҚБР,РА Антителолар титри 1:80, 1:200</p> <p>II. Нохусусий</p> <p>1) гемограмма Гиперлейкоцитоз 20-60 х 10<sup>9</sup>/л, лимфоцитоз, моноцитоз – 60-80%, ЭЧТ меъёрада</p>	<p>Бактериялар соф культурасини ажратиш</p> <p>Қонда хусусий антитаначалар пайдо бўлиши</p> <p>Лейкоцитлар N – 4,8-10,8 х 10<sup>9</sup> лимфоцитлар N – 30-37%, моноцитлар (N 5-10%. Гемопоз аззоларининг инфекцияга хусусий жавоб реакцияси</p>	<p>А) ЎРВИ – касалликнинг ўткир бошланиши, юқори ҳарорат, юқори нафас йўлларида кучли катарал ўзгаришлар (ринит, конъюнктивит, ларингит), узоқ давом этадиган, хуружли йўталларнинг бўлмаслиги (1-2 ой), репризлар йўқлиги, даво чораларнинг ижобий натижаси, гемограммада нормал СОЭ ва лейкоцитознинг бўлмаслиги.</p> <p>Б) бронхларда ёт жисмлар бўлганда кузатилади – бирданига хуружли йўтал, тана ҳароратининг бўлмаслиги ва репризларнинг йўқлиги, лейкоцитларнинг меъёрида бўлиши</p>	<p>I. <u>Этиотроп даво:</u> 7-10 кун муддат билан бошланиш даврида буюрилади</p> <p>✓ левомецетин 50 мг/кг ҳар 12 соатда Rp: Tab. Laevomycetini 0.5 D.t.d. № 30 S. 1 та таблеткадан 4 махал</p> <p>✓ эритромицин 20 мг/кг кунига 2 марта</p> <p>✓ ампициллин 100 мг/кг/суткада</p> <p>II. <u>Патогенетик даво</u></p> <p>✓ нейролептик воситалар аминазин 2,5% -0,1 мл/ҳар ешига, пролазин 2,5% -0,1 мл/ҳар ешига</p> <p>✓ десенсибиловчи терапия (пипольфен 2,5% 0,1 мл/ҳар ёшига, супрастин 2% эритмаси 0,2-0,3 мг/кг тана вазнига 1 суткага)</p> <p>✓ балғам кўчирувчи препаратлар (амброксан, бронхосан)</p> <p>✓ спазмолитиклар (эуфиллин 2,4% эритмаси 2-4 мг/кг тана вазнига, но-шпа 0,05-0,07 мл/кг тана вазнига суткага)</p> <p>✓ оксигенотерапия (кислородли палатка, Бобров аппарати)</p> <p><u>Профилактика чоралари:</u></p> <p>1. Махсус профилактика – АКДС 2 ойликдан бошлаб 3 марта 0,5 мл 1 ой оралатиб ўтказилади</p> <p>2. Беморни 25-30 кун алоҳидалаш кўрсатма асосида касалхонага ётқизиш;</p> <p>3. 7 ёшгача бўлган болалар агар бемор билан мулоқатда бўлган бўлса 14 кунга алоҳдалаш,</p> <p>4. Бир ёшгача бўлган болалар, агар эмланмаган бўлса тезкор профилактика мақсадида қизамиққа қарши иммуноглобуллинни 3 мл миқдорда м/о юборилади</p> <p>5. 7 ёшдан катта болалар ва болалар билан ишлайдиганлар 14 кун мобайнида назоратга олинад</p>		
100%	-	3	1	2	1	3
50%	-	1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ	-	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Юқумли мононуклеоз.

**Ёши:** 8 ёш.

**Тана вазни:** 26 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳис маълумотлари		Қиёсий ташҳис	Даво стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпиданамнез маълумотлари – одамлар жамоаси кўп бўлган жойда бўлиш</p> <p>2. Касаллик ўткир бошланиб ҳарорат 38-39<sup>0</sup>С, томоқда оғриқ, тумов.</p> <p>3. Лимфоаденопатия – 2ла томонда жағ ости, кулоқ олди, бўйин ва энса лимфа тугунларининг катталашиси.</p> <p>4. Томоқда катарал, ярали, некротик, фибриноз пардалар ўзгаришлар (ангина).</p> <p>5. Гепатоспленомегалия, жигар фаолиятининг бузилиши (тери ва кўз склерасининг сариқлиги, гиперферментемия, билирубинемия, тимол синамаларининг ошиши).</p> <p>6. Кам учрайди – экзантема доғли-папулез тошма</p>	<p><b>I. Хусусий</b> 1) серологик реакция - Паул Бунелл реакцияси Антитела титри 1:32 ва ундан юқори - Лаврик Вольнер реакцияси - мусбат - Гофф-Бауер реакцияси (буюм ойначаси ва ойнали капиллярда) Антитела титри 1:96 ва ундан юқори - Гемолиз тест</p> <p><b>II. Нохусусий</b> - гемограмма Лейкоцитоз 10-12 x10<sup>9</sup>/л, нисбий нейтропения, лимфоцитоз, моноцитоз (атипик мононуклеар хужайралар пайдо бўлади), ЭЧТ меъёрида ёки ошган.</p>	<p>Конда специфик антитаначалар пайдо бўлиши курсатади. Нормада – манфий.</p> <p>Лейкоцитлар N-4,0-9,0x10<sup>9</sup>/л, лимфоцитлар N 30-37%, эозинофиллар N 0,5-10%, ноаник мононуклеарлар нормада бўлмайди. Гемопоз аззоларни бактериал инфекцияга жавоби.</p>	<p>А) Бўгма учун кул рангли қоплама хос бўлиб, бу қоплама шпател билан кўчирилганда кийин кўчади, шпателлар орасида ишқаланганда эзилмайди, сувда чўкади. Гепатомегалия бўлмайди, гемограммада атипик мононуклеарлар бўлмайди.</p> <p>Б) Вирусли гепатитлар учун киска муддатли гипертермия хос бўлиб, катарал белгиларга нисбатан астено-вегетатив белгиларнинг намоён бўлиши устунлик қилади. Биохимик текширувларда эса гиперферментемия (АЛТ, АСТ) ва маркерларнинг топилиши кузатилади.</p>	<p><u>Белгилар давоси:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ сенсбилизацияни пасайтирувчи даво пипольфен 2,5% эритмаси – 0,1 мл ҳар ешига; супрастин 2% эритмаси 0,2-0,3 мг/кг сутки) Rp: Sol.Suprastini 2% - 1 ml D.t.d. № 5 in amp. S. 1 мл дан м/о, кунига 2 маҳал</li> <li>✓ дезинтоксикацион воситалар – кўп миқдорда ичиш, глюкоза 10% эритмаси 10 мл/кг, гемодез – 10 мл/кг.</li> <li>✓ Тана ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар анальгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 млгача еки парацетамол 7-10 мг/кг тана вазнига</li> <li>✓ витаминлар В<sub>1</sub> тиамин хлорид – 5% (0,2-1,0 мл в/м х 1 маҳал), В<sub>6</sub> пиридоксин хлорид – 5% (0,5-1,0 мл м/о х 1 маҳал), аскорбин кислотаси –5% эритмаси (1-2 мл/суткага в/и)</li> </ul> <p style="text-align: center;"><u>Профилактика чоралари:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Клиник кўрсатмага кўра касалхонага ётқизиш</li> <li>2. Дезинфекцион чора-тадбирлар ўтказилмайди</li> <li>3. Хусусий профилактикаси ишлаб чиқилмаган</li> </ol>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Менингококкли менингит, ўрта-оғир даражаси, касалликнинг 3-чи куни.

**Ёши:** 2 ёш

**Тана вазни:** 13 кг

Клиник-эпидемиологик маълумотлари	Ташҳис маълумотлари		Қиёсий ташҳис	Даво стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация		
<p>1. Эпиданамнез – иситмалаётган ва томоғи оғриётган бемор билан мулоқатда бўлиш, совуқ қотиш</p> <p>2. Касалликнинг ўткир бошланиши, тана ҳароратининг 1 соат ичида 39-40<sup>0</sup>Сгача кўтарилиши, қусиш, кучли бош оғриши, безовталиқ</p> <p>3. Яққол намоён бўлган заҳарланиш белгилари, ҳолсизлик ёки унинг акси кўзғалиш</p> <p>4. Менингиал белгилар (Кернига, Брудзинский, «уч оёқ», энса мушакларининг таранглиги)</p> <p>5. «Ётган кучук» ҳолатидаги кўриниш. Тери қопламлари гиперестезияси; тўшакдаги мажбурий ҳолат – оёқлари букилган, боши орқага ташланган ҳолда ётиши</p>	<p>1. умумий қон таҳлили 1-2 сутка ичида нисбий гипохром анемия белгилари, лейкоцитоз 15-40x10<sup>9</sup>/л, яққол нейтрофиллёз, чапга силжиш, лимфопения анэозинофилия, ЭЧТ нормада</p> <p>2. Орқа мия суюқлигини (люмбал пункция орқали) текшириш орқа мия суюқлиги босим ортида оқади ёки тез-тез томчилайди, хира. Цитоз нейтрофиллар ҳисобиги ортади (N – 0-3), хужайра – оксил диссоциацияси, Панди, Нонне-Апельт реакцияси ижобий. Микроскопияда – (диплококк) – менингококклар аниқланади</p> <p>3. Оксил тутган муҳитга ликвор, қон, бурун-ҳалқумдан суртма олиб экиш</p>	<p>Лейкоцитлар N – 4,8-10,8 x 10<sup>9</sup>/л, Нейтрофиллар N - 60%, миелоцит ва метамиелоцитлар N –abs, т/я N - 1-6%, с/я N -. 47-72%), Лимфоцитлар N –30%, эозинофиллар N - 0,5-5%. Гемопоз азъоларни бактериал инфекцияга жавоби.</p> <p>Бактериал инфекцион яллиланиш жараёнида хосил бўлади</p> <p>Менингококк культурасини ажратиб олиш</p>	<p>А) ЎРВИ ва токсик гриппни – менингиал белгилар билан кечиши – орқа мия суюқлигини текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга, гриппда ва бошқа ЎРВИ касалликларида ликворда ўзига хос ўзгаришлар бўлади.</p> <p>Б) Энтеровируслар сабаб бўлган серозли менингит (эпидемик паротит ва бошқа вируслар бўлиши мумкин). Менингитни ҳал этишда йилнинг, фасли, эпидемик ҳолат, каби саволларни ечиш керак. Ташҳис эса орқа мия суюқлигини текширилгандан сўнг тасдиқланади. Серозли менингитларда орқа мия суюқлиги тиниқ, оксил микдори меъёрида ёки нисбатан кўпайган ва лимфоцитар цитоз бўлади.</p>	<p>I. <u>Базис даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ беморларни юқумли касалхоналарнинг махсус бўлимларига ётқизиш лозим</li> <li>✓ ётоқ тартиби</li> <li>✓ стол № 4</li> </ul> <p>II. <u>Этиотроп даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Пенициллин микдори 300000-500000 ТБ/кг/сут ҳар 4 соатда юборилади Rp: Benzilpenicillini-natrii 1000000 ED D.t.d.№ 20 S. флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаида эритилиб, кунига 6 маҳал м/о 5 мл дан юборилади</li> </ul> <p>III. <u>Патогенетик даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ мия шишиши ривожланишига йўл қўймаслик (20% глюкоза эритмаси. 20-15% манитол эритмаси, 0,5-1,5 куруқ модда ҳисобидан ҳар бир кг тана вазнига 10-20% альбумин эритмаси 5-10 мл/кг, сийдик хайдовчи воситалар – лазикс, фуросемид 1-2 мг/кг тана вазнига)</li> <li>✓ Дезинтоксикацион даво (гемодез, 10% глюкоза 10-15 мл/кг)</li> <li>✓ Гормонотерапия – преднизолон 5-10 мг/кг</li> </ul> <p>IV. <u>Белгилар даво</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Тана ҳарорати кўтарилганда 38,5<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда иситма тушурувчи препаратлар анальгин 50% - 0,1 мл/ҳар ёшига, димедрол 1% - 0,03 мл/кг, новокаин 0,5% - 1,0 млгача</li> <li>✓ Талвасага қарши даво (седуксен 0,5% - 1,0 мл в/и, ГОМК 50-100 мг/кг в/и)</li> </ul>
100% - 3	1	2	1	3
50% - 1,5	0,5	1	0,5	1,5
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.				

## 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Упканинг учокли сили.

Ёши: 14 ёш.

Тана вазни: 44 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
<p><b>Умумий клиник белгилар:</b> -тана хароратини кўтарилиши (субфебрилдан юқори кўрсаткичларгача) -умумий холсизлик -иштаҳа йўқолиши -бош оғриқ</p> <p><b>Маҳаллий белгилар:</b> <b>Юза жойлашган абсцессларда:</b> кизариш, шиш, оғриқ, маҳаллий хароратни кўтарилиши, функция бузилиши, флюктуация аниқланилиши. Яллиғланиш белгилари хар хил майдонни эгаллаши мумкин.</p> <p>Йиринг характери кўзгатувчи турига боғлиқ: <i>Чиритувчи инфекцияда</i> – бадбўй хид, кулранг – ифлос ранг. <i>Стафилококкда</i> – куюк сарик – яшил йиринг. <i>Кўкяшил таёқча</i> – кўкяшил ранг ва ширин хидли.</p> <p><b>Чукүр жойлашган абсцессларда</b> Флюктуация аниқланилмаслиги мумкин, бу холда: -диагностик пункция -Ултратовуш текшируви (УТТ) -аъзолар компьютер томографияси -рентгенография усуллари ёрдам бериши мумкин.</p>	<p><b>Умумий қон тахлили:</b> -нейтрофилли лейкоцитоз-15-20 х 10<sup>9</sup>/л.гача, -лейкоцитар формулани чапга силжиши. -Эритроцитлар чўкиш тез-лигини (ЭЧТ) ортиши.</p>	<p><b>Бу ўзгаришлар организмнинг инфекцияга умумий реакцияси бўлиб, қуйидагиларга боғлиқ бўлади:</b> <b>-микроб вирулентлигига, -микроблар маҳсулотлари ва токсин-ларнинг сўрилиши интенсивлигига, -макроорганизм реактивлигига.</b> Бу касалликда лейкоцитлар сонини ошиши (лейкоцитоз, нормада 4,0-9,0х10<sup>9</sup>/л), <i>лейкоцитар формулани чапга силжиши</i> (сегментядролилар сонини камайиши, нормада - 47-72%, таёқчаядроли нейтрофилларни кўпайиши, нормада - 1-6%), кузатилади. <b>Эритроцитларни чўкиш тезлиги</b> (ЭЧТ) ортиши, (нормада 2-10 мм/с) йирингли процесс учун характерли бўлиб, у кон яратиш бузилишига олиб келади.</p>	<p><b>-совүк абсцесс</b> (бу холат суяк ва бўғимлар силига хос бўлиб, жуда сеин авж олиши, флюктуация белгиси мавжуд бўлса ҳам, маҳаллий яллиғланиш белгиларининг йўқлиги билан характерланади). <b>-юмшоқ тўқималар ўсмасининг емирилиши босқичи</b> (ўсмалар атроф тўқималарга ўсиб кириб битишиб кетади, жуда тез ривожланади, метастазлар беради. Яллиғланиш белгилари кузатилмайди, охириги босқичларида ўсманинг емирилиши кузатилади. Умумий ахволи ёмонлашиб, сабабсиз озиш, анемия белгилари пайдо бўлади. Биопсия ташҳисни тасдиқлайди). <b>-гематомаларда</b> (бу холат тўқималар орасига кўп миқдорда қон куйилиши, натижада қон билан тўлган сунъий бўшлиқ борлиги билан характерланиб, пайпаслаганда яллиғланиш белгиларсиз, юмшоқ эластик консистенцияли шиш аниқланилади, диагностик пункцияда қон мавжудлиги ташҳисни тасдиқлайди). <b>-флегмона</b> (тери шиши ва кизариши аста секинлик билан соғ тўқималарга чегаралан-масдан ўтади) <b>-гидраденит</b> (бемор умумий ахволи кам ўз-гаради, касаллик ўткир бошланади, қўлтик-ости соҳасида тери юзасидан бўртиб чиққан кичик оғрикли тугуннинг пайдо бўлиши, бир нечта тугунларнинг қўшилиши эса қаттиқ оғрикли, устки териси кизарган инфилтрат ҳосил бўлишига олиб келади, инфилтрат ўртасида эса флюктуация аниқланилади). <b>-чурралар</b> (чурра ҳосил бўлиши соҳаларида, оғриқсиз, юмшоқ, эластик консистенцияли, шишнинг пайдо бўлиши, тана холати ўз-гарганда ҳосила таркибий қисмларининг қорин бўшлиғига кириб кетиши натижасида бўшашиши, перкуссияда тўмтоқ товуш ёки тимпанит, пайпаслаганда эса ичаклар ғулдираши, “йўтал турткиси” симптомининг аниқланиши билан характерланади).</p>	<p><b>Инфилтрат босқичида:</b> 1)тинчлик бериш 2)иссиклик муолажалари: -иситувчи компресслар -грелкалар -соллюкс -УВЧ 3)антибиотикотерапия (биринчи 2-3 кун давомида) <i>Rp: Tab. Erytromycini 0,25 D.t.d. № 20</i> <i>S: 1 таб. 4 маҳал ичишга ёки</i> <i>Rp: Tab. Tetracyclini 0,25 obductae № 20</i> <i>D.S: 1 таб. 4 маҳал ичишга (овқатдан кейин)</i> <i>Rp: Benzylpenicillini Natrii 1000000 ED</i> <i>D.t.d. № 10</i> <i>S: флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаинда эритилиб м/о 5 мл юборилади.</i> Шунингдек антибиотикларни регионар лимфотроп усулда юбориш ҳам тавсия қилинади. Кейинги 4 кундан бошлаб, микробларга сезувчанлиги аниқланган антибиотиклар иш-латилади. -дезинтоксикацион терапия в/ичига–(5% глюкоза, 0,9% натрий хлор, гемодез эритмалари ва х.) юборилади. -витаминотерапия, -иммуностимуляторлар (тима-лин, ёки тактивин, ёки им-муномодулин инъекцияларда), Флюктуация белгиси аниқ-ланилганда шошилиш равишида <b>абсцессни очиш</b> операцияси амалга оширилади.</p>	<p><b>Оғиксизлантириш:</b> -маҳаллий -вена ичи наркози</p> <p><b>Абсцесслардаги тери қирқимлари:</b> -аввалига пункция қили-ниб, сўнгра игна бўйлаб тўқималар кесилади ва абсцесс очилади, -йиринг чиқарилади, ло-зим бўлса электрсўргич ёрдамида сўриб олинади, -қирқим кенгайтирилиб абсцесс бўшлиғи бармоқ билан (перчаткали) тек-ширилади, тўсиқлар бу-зилади, тўқима секвестр-лардан тозаланилади, -йиринг бўшлиқ 3% водород пероксиди эрит-маси билан, сўнгра фура-циллиннинг (1:5000) эритмалари билан юви-либ, 10% натрий хлор ёки протеолитик фер-ментлар (трипсин, химопсин ёки трипсин) эритмаларига шим-дирилган докали тампон-лар билан дренажланади.</p>
100%	- 2	1	1	2	2
50%	- 1	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ	- 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

5 – Курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Бўйин карбункули

Ёши: 47 ёш

Тана вазни: 96 кг

Клиника	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти	
	Лаборатор текширув	Интерпретация		Оператив	Консерватив
<p><b>Шикоятлари:</b> кучли оғрик, бўйин орқа соҳасида оғриқли шиш мавжудлиги, тана ҳароратининг 40 С гача кўтарилиши, эт уйиши, дармонсизлик, холсизланиш, иштаҳа йўқлиги, бош оғриқларига.</p> <p><b>Анамнездан:</b> қандли диабет ҳасталиги борлиги, авитаминоз, озгинлик.</p> <p><b>Бемор текширувида</b> бўйин орқа қисмида тери ранги кўкимтир бўлган оғриқли шиш мавжудлиги аниқланилади.</p> <p><b>Қасаллик бошланишида</b> бир нечта кичик оғриқли инфилтратлар қўшилиб, тери устидан кўтарилиб турувчи қатта шиш ҳосил қилади. Бу шиш юзасида бир нечта йирингли некротик пустикулалар аниқланилиб, улар қўшилганда марказида тери некрози ҳосил бўлади. Некроз натижасида юпқалашган соҳаси ёрилиб бир нечта тешикчалардан йиринг чиқиши кузатилади. (“Элак” ёки «Ари ини» симптомлари).</p>	<p><b>Умумий қон таҳлили:</b> -25-30x10<sup>9</sup>/л гача лейкоцитоз, лейкоцитар формулани чапга силжиши билан –эритроцит, гемоглобин миқдорининг камайиши -Эритроцитлар чўкиш тез-лиги (ЭЧТ) 30-40 мм/с.гача ортиши</p> <p><b>Қон биохимик таҳлилида:</b> -гипопротеинемия</p> <p><b>Умумий пешоб таҳлили:</b> – оксил ва цилиндрлар мав-жудлиги.</p>	<p><b>Бу ўзгаришлар организмнинг инфекцияга умумий реакцияси бўлиб, қуйидагиларга боғлиқ бўлади:</b> -микроб вирулентлигига, -микроблар маҳсулотлари ва токсинларнинг сўрилиш интенсивлигига, -макроорганизм реактивлигига.</p> <p>Ривожланаётган йирингли захарланиш қон яратиш функцияси бузилишига олиб келади: шакланмаган ёш эритроцитлар пайдо бўлади - <b>нормохром анемия</b> (гемоглобин ва эритроцит кўрсаткичларини камайиши, нормада қонда эритроцитлар – 4,5-5,7 x 10<sup>12</sup>/л, гемоглобин 120-160 г/л) кузатилади. Шу билан бирга лейкоцитар формулани чапга силжиши (сегментядролилар сонини камайиши, нормада - 47-72%, таёқчаядроли нейтрофилларни кўпайиши, нормада - 1-6%,) кузатилади.</p> <p><b>Эритроцитларни чўкиш тез-лиги</b> (ЭЧТ) ортиши, (нормада 2-10 мм/с) йирингли процесс учун характерли бўлиб, у қон яратиш бузилишига олиб келади.</p> <p><b>Гипопротеинемия</b>-қондаги умумий оксиллар миқдорини камайиши, нормада 65-85г/л.</p> <p><b>Умумий пешоб таҳлили</b> (нормада): -оксил - аниқланилмайди, -эритроцитлар (чўкмада) - 0-1/кў-рув майдонида -лейкоцитлар (чўкмада) – 1-3/кў-рув майдонида -цилиндрлар: -гиалин 0-1 -донадор – аниқланилмайди.</p>	<p><b>Сибирярали карбункул</b> (геморрагик суюқликли пуфаклар мавжудлиги, йирингли ажралма йўқлиги, инфилтрат оғриксизлиги, тўқималарнинг кескин шишганлиги, некротик тўқимада кўп сонли геморрагик характерли пуфакчалар бўлиб, унда сибир яраси таёқчаси борлиги билан фаркланади)</p>	<p>Консерватив даво чораларининг 2-3 кун давомида ёрдам бермаслиги, тўқималар некрозининг кучайиши <b>операцияга</b> кўрсатмадир: 1)в/ичи наркози билан 2)бутсимон кесим орқали инфилтрат фасциягача кесилиб, некрозга учраган тўқималар кесиб олиб ташланади, йирингли чўнтаклар кенг очилди, 3% водород пероксиди ва фурациллиннинг (1:5000) эритмалари би-лан ювилиб, натрий хлорнинг 10% ли гипертоник эритмаси ёки протеолитик фермент-лартрипсин, ёки химопсин, ёки химотрипсинли тампонлар билан дренажланади.</p>	<p><b>Бошланғич фазасида:</b> -соҳани тинчлантириш, (фиксациялаш) -ётиш режими -суюк овқат -70 спирт билан артиш, асептик боғлов қўйиш -УВЧ терапия -антибиотикотерапия (биринчи 2-3 кун давомида) <i>Rp: Tab. Erytromycini 0,25 D.t.d. № 20</i> <i>S: 1 таб. 4 маҳал ичишига</i></p> <p><i>ёки</i> <i>Rp: Tab. Tetracyclini 0,25 obductae № 20</i> <i>D.S: 1 таб. 4 маҳал ичишига (овқатдан кейин)</i></p> <p><i>Rp: Benzylpenicillini Natrii 1000000 ED D.t.d. № 10</i> <i>S: флакон ичидаги моддани 5 мл 0,5% новокаида эритилиб м/о 5 мл юборилади.</i></p> <p>Шунингдек антибиотикларни регионар лимфотроп усулда юбориш ҳам тавсия қилинади. Кейинги 4 кундан бошлаб, микробларга сезувчанлиги аниқланган антибиотиклар иш-латилади. -дезинтоксикацион терапия в/ичига– (5% глюкоза, 0,9% натрий хлор, гемодез эрит-малари ва х.) юборилади. -витаминотерапия, -иммуностимуляторлар (тималин, ёки тактивин, ёки иммуномодулин инъекцияларда), -кўрсатма асосида қон ва унинг таркибий қисмлари қуйилади.</p>
100% - 2	1	1	2	2	2
50% - 1	0,5	0,5	1	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

5 – Курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўткир йирингли мастит

Ёши: 23 ёш

Тана вазни: 56 кг

Клиника	Ташҳисот		Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти	
	Лаборатор текширув	Интерпретация		Оператив	Консерватив
<p><b><u>Маститнинг сероз фазаси үчүн характерли:</u></b> Касалликнинг ўткир бошланиши, эт уюшиши, сут беши соҳасидаги шишнинг катталаниши ва қаттиқлашиши, сут беши ўлчамларининг катталаниши, пайпаслаганда оғриқлилиги, тана ҳароратини 38-39 С гача кўтариллиши. Касалликнинг ривожланиши унинг <b><u>инфильтратив фазага</u></b> ўтишидан дарак беради, бу ҳолда: -сут безининг қаттиқлашиши, -устидagi терини қизариши -тунги оғриқлар пайдо бўлиши -уйқусизлик -умумий холсизланиш -тана ҳароратининг 40 С гача кўтариллиши -кўлтиқ ости лимфа тугунларининг катталаниши кузатилади</p> <p><b><u>Маститнинг флегмоноз-гангреноз шакли.</u></b> <b><u>(абсцессланиш босқичи)</u></b> -умумий ахволи оғирлашади -эт уюши сакланилади -септик ҳолатлар кучаяди -яллиғланган ўчоқ соҳаси кескин шишиб, териси қизаради -сўргич ичкарига тортилади -юза жойлашган веноз томирлари кенгайди -лимфангит аломатлари пайдо бўлади -инфильтрат соҳасида <b><u>флюктуация</u></b> аниқланилади.</p>	<p><b><u>Умумий қон таҳлили:</u></b> -лейкоцитоз 10-12x10<sup>9</sup>/л -Эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) 30-45 мм/с.гача ошади.</p> <p><b><u>Умумий қон таҳлили:</u></b> -15-20x10<sup>9</sup>/л. гача нейтро-филли лейкоцитоз, лейкоцитар формулани чапга силжиши билан -анемия: Нб: -40-50 г/л -ЭЧТ 60-70 мм/с. гача оша-ди..</p> <p><b><u>Умумий пешоб таҳлили:</u></b> -пешобда оксил, чўкмасида лейкоцитлар, донатор цилиндрлар аниқланади.</p>	<p><b><u>Бу ўзгаришлар организмнинг инфекцияга умумий реакцияси бўлиб, қуйидагиларга боғлиқ бўлади:</u></b> <b><u>-микроб вирулентлигига, -микроблар маҳсулотлари ва токсинларнинг сўрилиши интен-сивлигига, -макроорганизм реактивлиги-гига.</u></b></p> <p>Шу билан бирга лейкоцитар формулани чапга силжиши (сегментядролилар сонини камайиши, нормада - 47-72%, таёқчадроли нейтрофилларни кўпайиши, нормада - 1-6%.) кузатилади.</p> <p><b><u>Умумий пешоб таҳлили</u></b> (нормада): -оксил - аниқланилмайди, -эритроцитлар (чўкмада) - 0-1/кўрув майдонида -лейкоцитлар (чўкмада) – 1-3/кўрув майдонида -цилиндрлар: -гиалин 0-1 -донатор - аниқланилмайди.</p>	<p><b><u>Лактостаз</u></b> (сут бешида сутнинг дим-ланиши, икки томонлама бўлиб, кўпинча биринчи тўққан аёлларда учрайди ва у сут келиши вақтлари – 3-5 суткаларга тўғри келади. Шиқоятлари: сут беши соҳасида оғирлик, сут беши бўлақлари проекциясида оғриқли, ҳаракатчан шишларнинг пайдо бўлиши, улар босилганда сутнинг ажралиши, бутунлай соғиб ташланганда эса енгиллик сезилиши билан ҳарактерланади).</p> <p><b><u>Гинекомастия</u></b> (эркакларда сут безларининг катталаниши бўлиб, кўпинча гипофиз, буйрақусти безининг пўстлоғи функциялари бузилишидан келиб чиқади, баъзида жигар циррозида ҳам учраши мумкин. Ўсмирларда эса гинекомастиянинг диффуз шакли учраб, у жинсий безлар функцияларининг бузилиш натижасидир).</p> <p><b><u>Кўкрак қафаси девори флегмонаси</u></b> (тери шиши ва қизариши аста-секинлик билан соғ тўқималарга чегараланмасдан ўтади).</p> <p><b><u>Сут беши рақи</u></b> (белгиларсиз бошланиб, сут беши соҳаси пайпасланганда бехосдан, оғриқсиз қаттиқ тугунлар аниқланилади. У жуда тез ривожланиб атроф тўқималарга ўсиб киради ва кўлтиқ, ўмов ости лимфа тугунларига метастаз беради).</p>	<p><b><u>Шошилчи операция:</u></b> А)терини <b><u>радиар</u></b> кесиш Б)йирингли бўшлиқни бармоқ билан текшириш, ички тўсиқларни бузиб, ягона бўшлиққа айлантириш В)йиринг бўшлиқни найлаш Г)лозим бўлганда бир неча радиар кесмалар-контрапертуралар бажариш Маститнинг ретромаммар шаклида <b><u>Барденгайер</u></b> кесмасини бажариш.</p>	<p>-сутни соғиб туриш ёки шу кўкрак билан эмизиш -сут безини кўтарилган ҳолатда ушлаш -физиотерапевтик муолажалар (УВЧ, Электрофорез) <b><u>-антибиотикотерапия:</u></b> <i>Rp: Benzylpenicillini Natrii 1000000 ED</i> <i>D.t.d. № 10</i> <i>S: флакон ичидаги моддани 5 мл</i> <i>0,5% новокаинда эритилиб, 4 маҳал м/о 5 мл юборилади.</i> <b><u>Антибиотикларни қуйидаги усулларда ҳам юбориш тавсия этилади:</u></b> а)регионар лимфотроп усулда юбориш б)сут безини антибиотиклар билан инфилтрациялаш в)антибиотикни 0,25% новокаин билан ретромаммар юбориш -дезинтоксикацион (в/ичига – 5% глюкоза, 0,9% натрий хлор, гемодез эритмалари ва б.), -витаминотерапия, -иммуностимуляторлар (тималин, ёки тактивин, ёки иммуномодулин инъекцияда), -кўрсатма бўйича қон ва унинг препаратларини қуйиш, -Гипербарик оксигенация (ГБО) – терапияси.</p>
100%	- 2	1	2	2	2
50%	- 1	0,5	1	1	1
Жавоб йўқ	- 0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Оёқ вена қон томирларининг варикоз кенгайиши Ёши: 35 Тана вазни: 64 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Кўп юрганда оғрик ва шиш, тез чарчаш. Кўрилганда болдир ва сон сахасида юзаки веналарни копсимон, илонсимон ва цилиндрсимон кенгайиши, пайпасланганда йўқолиши, оғриксизлиги.	Коагуло грамма	Узига хос узгаришлар йўқ	Флебомоно-метрия  Флебография	Оёқ мушаклари ҳаракатда бўлгандан сўнг вена қон босими секинлик билан ўз ўрнига келади. Вена қон томирларининг ўзгаришини, чуқур веналарни ўтказувчанлигини, клапан аппаратининг ва комуникант веналар ҳолатини кўрсатади.	Оёқ чуқур веналарининг тромбофлебитдан сўнгги синдроми билан таққослаш лозим. Тромбофлебитдан сўнгги синдромда анамнези тромбофлебит бўлганини тасдиқлайди, оёқда шиш ҳар доим бўлади, юзаки веналарнинг кенгайиши ёйилган ҳолатда, тери трофикалси бузилган бўлади. Пертес юриш синамасида чуқур веналарни ўтказувчанлиги бузилгани кўрилади.	I. <u>Консерватив даволаш:</u> Эластик бинт боғлаш ёки эластик пайпок кийиш. II. Склерозлаш усули (кенгайган вена ичига склероз чакирадиган дорилар юбориш: варикоцид, вистарин, сотрадекол, трамбовар ва х.к.). III. <u>Хирургик даволаш:</u> флебэктомия (Троянов, Бэбкок, Маделунг ва бошқа усуллар).
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ- 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Уткир механик ичак тутилиши

Ёши: 25 еш

Тана вазни: 70 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
<p><b>Шикоятлари:</b> қориндаги тўлғоқсимон оғриқларга, кўнгил айниши, қусишга, ел ва нажас ажиралишини тухташига. Касаллик анамнезидан: ўткир бошланади.</p> <p><b>Шайъи анамнезидан:</b> Аввал қорин бўшлиғида операция ўтказгани, саратон хасталиги симптомлари борлиги.</p> <p><b>Кўрув:</b> Тери қопламлари оқарган. АҚБ пасайган. Пульс тезлашган, қорин шишган, асимметрик, Вал симптоми мусбат.</p> <p><b>Пальпация:</b> Қорин ҳамма сочаларида оғриқ сезади.</p> <p><b>Перкуссия:</b> Кивуль симптоми.</p> <p><b>Аускультация:</b> Дастлабки дақиқаларда гиперперестальтика, кейгинчалик перистальтика бўлмаслиги мумкин.</p> <p><b>Тўғри ичак кўруви:</b> Греков, Обухов шифохонаси симптоми мусбат</p>	<p>1. <b>Умумий қон анализ:</b> лейкоцитоз, лейкоцитар формуланинг чапга силжиши, СОЭ тезлашган.</p> <p>2. <b>Биохи-мик анализларга:</b> кеч даврларда мочевино ва креатинин миқдори ошади.</p>	<p>Лейкоцитоз беморда қон қуюқлашиши ва қорин бўшлиғидаги яллиғланиш процессига боғлиқ.</p> <p>2. Шосил бўлган метаболик ацидоз жигар ва буйрак иш фаолиятини бузилишига олиб келади.</p>	<p>1. <b>УЗИ:</b> ичак пневматози, қорин бўшлиғида суюқлик аниқланиши мумкин.</p> <p>2. <b>Ренгенскопия:</b> Клойберг косачалари аниқланади ва ингичка ва йўғон ичак арқлари кўринади.</p>	<p>1. Суюқлик ва газлар транзити бузилиши натижасида ичак қовуздоқлари шишади. Перитонит белгилари пайдо бўлганда қорин бўшлиғида суюқлик аниқланади.</p>	<p>1. <b>Ўткир аппендицит:</b> - оғриқ ўнг ён бош соҳасида, доимий: -ичаклар перитастальтикаси қониқорли; -тўғри ичак ампуласи бўш;</p> <p>2. <b>Ўткир холецистит:</b> -оғриқ доимий, ўнг қовурға ёки остида, ўнг бел ва ўнг куракка узатилади; -пайпаслаганда катталашган ўт пуфаги пайпасланади; -сариклик пайдо бўлиши мумкин; -эрта лейкоцитоз.</p> <p>3. <b>Ўткир панкреатит:</b> -оғриқ қорин юқори қаватида "белбоғсимон" оғриқ, кўп марта қусиш; -териси кўкимтир - мармар рангда; -Мейо-Робсон, Воскресенский симптомлари муссийдикда диастаза миқдори ошиши.</p>	<p><b>Консерватив даволаш:</b> -совуқ сув билан ошқозонни ювиш; -инфузион терапия; -сифон клизма; паранефрал блокада.</p> <p>2. <b>Консерватив даво 2 соат ичида самарасиз бўлса оператив даво:</b> ичак тутилишини бартараф қилиш; қорин бўшлиғини дренажлаш;</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: *Тешилган яра* Ёши: 45 Тана вазни: 62 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструментал текширув	Интерпретация		
<p><b><u>Яра перфорацияси учун анъановий ўқлик белгиси хос:</u></b>                      -Тусатдан эпигастрал соҳада ханжар санчгандек оғриқ (95%);                      -қорин мускуллари таранглашуви "тахтасимон" бўлиши (92%);                      -анамнезда яра бўлиши (82%). Баъзида 10-20% беморларда сазм органлари патологиясида яра перфорацияси бирламчи щисобланади. Бу ҳолат асосан ёш ёки ёши ўтган қари кишиларда кузатилади. Перфорацияда оғриқ синдроми жуда кучли бўлиб, касални шокгача олиб бориши мумкин. Улар мажбурий шолатда, юзи азоб чекаётган кишиникига ўхшайди. Тери ер рангида. Қўл ва оёқ фалангаларининг охирлари совуқ, акрацианоз, юзаки нафас, совуққотиш (титраш). Тили қуруқ. Дастлаб пульс секин (вагусли пульс), кейинчалик тахикардия, АҚБ эса касалликни бошиданок ташкирғанда қориннинг шамма соҳасида кучли оғриқ бўлади, қорин юқори қисмида мускуллар таранглиги, кейинчалик қориннинг шамма қисмига тарқалиши кузатилади. Щёткин - Блюмберг симптоми мусбат.                      Жигар тўмтоқлиги камаяди ёки умуман йўқолади. Кервин ва Френикус-симptomлари мусбат. Кўп беморларда ичак перистальтикаси сусайган ёки аускультацияда бутунлай эшитмайди.                      Ректал текширувда-қорин пардасининг чанок қисмида қаттиқ оғриқ анакланиди.                      Касалликнинг кечишида 3 та босқич фаркланади:                      1.Шок босқичи.                      2.Сохта яхшиланиш босқичи.                      3.Перитонит босқичи.                      Юқорида келтирилган клиник ҳолат биринчи соатларда ривожланади ва шок босқича учун характерли. 5-6 соатдан кейин оғриқ камаяди, шок шалати бартараф бўлади, касалнинг ахволи бирмунча яхшиланади. Бу белгилар сохта яхшиланиш босқичига характерли. Кейинги 6-12 соатда касал ашволи прогрессив равишда ёмонлашади, пульс тезлашади, АҚБ пасаяди, енгиллик келтирмайдиган қушиш ва қорин шиши пайдо бўлади, перитонит клиник кўриниши ривожланади.</p>	<p>Умумий қон анализи.</p> <p>Сийдик анализи</p> <p>Қонни биохимик анализи</p>	<p>Тез усувчи лейкоцитоз 11,0-12,0 10<sup>9</sup>/л лейкоцитар формуланинг чапга силжиши билан</p> <p>ЭЧТнинг ошиши.                      Перитонит ривожланганда оксил, цилиндрлар, шаклли элементлар аниқланади.                      Мочевина ва креатининнинг ошиши.</p>	<p>1.Рентгенологик текширув.</p> <p>2.Пневмогастрография.</p> <p>3.Лапароскопия.</p> <p>4.УЗИ</p>	<p>Қорин бўшлиғининг ўнг диафрагма гумбазиде остигда шаво кўринида.</p> <p>Ошқозонга зонд орқали шаво юбориш ташхисни аниқлашга ёрдам беради.</p> <p>Ошқозон ёки 12 б ичак девориде тешилган соҳа анакланиди.</p> <p>Қорин бўшлиғида эрик суюқликни аниқлаш.</p>	<p>Ўткир аппендицит билан, айниқса, яра перфорациясидан 6-7 соат ўтган даврда диф. ташхис қилиш қийинчилик тудиради.                      Чунки яра перфорациясида эксудат ва ошқозон суюқлиги ўнг ёнбош чуқурчасига тўпланади шамма ўткир аппендицитга хос симптомларни чақиради.                      Ўткир холецистит билан, ўткир панкреатит, ичак тутилиши билан, буйрак коликаси, миокард инфаркти, базал плеврит, плевропневмония, перикардит</p> <p>фарқлаш керак.</p>	<p>Шошилиноч операция.                      Беморнинг агонал шолати ягона монелик щисобланади.  <u>Операциядан кейинги даврда:</u>                      -назогастрал зонд орқали актив аспирация.                      -Анальгетиклар, кенг таъсир доирали антибиотиклар, коррекцияловчи инфузион терапия, ичак перестальтикасини стимуллаш, иммунитетни ошириш, умумий қувватловчи даво чоралари.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Уткир панкреатит

Ёши: 31 еш.

Тана вазни: 67 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
<p><b>Шикоятлари:</b> Эпигастрал сощада доимий харктердаги белбоғсимон оғрик, кўнгил айниши, қусиш.</p> <p><b>Анамнезида:</b> касаллик парhezни бузгандан, алкагол қабул қилгандан кейин уткир бошланади.</p> <p><b>Шаёт анамнезида:</b> зарарли одатлардан алкоголизм, кўп ёғли овкат ейиш.</p> <p><b>Умумий кўрувда:</b> Щуши жойида. Тери коплами оқарган, <b>Деструктив шаклда:</b> Куллен ва Грей-Тернер симптомлари мусбат қорин бироз шишган, нафас актида кучсиз қатнашади. Пальпацияда эпигастрал мускуллар таранглиги ва сощада оғрик; Керте, Мейо-Робсон, Воскресенский симптомлари мусбат.</p> <p>Перкусия- перкутор товуш одатда ўзгармаган. Аускультация: ичак перистательникаси актив ёки сустлашган.</p>	<p>Умумий қон анализ.</p> <p>Қон биохимик анализ.</p>	<p>Лейкоцитоз, формуланинг чапга силжиши билан. ЭЧТошган.</p> <p>Диастаза ошади (альфа-амилаза). Билирубин микдори ошиши мумкин</p>	<p>1.УЗИ.</p> <p>2. Диагностик лапароскопия.</p>	<p><b>Ошқозон ости беzi:</b> катталашган, паренхима инфильтрацияси, чарви копида эркин суюқликни топиши мумкин.</p> <p>Стеаринли пилакчалар топилади.</p>	<p>Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги ва асоратлари, ўткир холецистит, ўткир аппендицит, ўткир миокард инфаркти, ковурағалараро невралгия, буўрак касалликлари, ўраб олувчи герпесдан фарқлаш керак.</p>	<p>1.<b>Очлик, ошқозони совум сув билан ювиши, эпигастрал сощага совуқ қуйиши;</b> антибиотиклар, протеаза ингибиторлари, инфузион, дезинтоксикацион даво, цитостатиклар, хаёт учун зарур орган ва системаларни бузилган функцияларини коррекциялаш учун даво. <b>Консерватив даво фойда бермаса, оператив даво қилинади.</b> Ўрта лапаротомия; секвестрэктомия; чарви копини дренажлаш.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўткир аппендицит

Ёши: 70 еш.

Тана вазни: 64 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
<p>ЎНГ ёнбош сохадаги доимий оғриқ, кўнгил айнаш, бир мартаба қусиш. Қусгандан кейин ахволининг биров энгллашиши. Баъзида оғриқ қориннинг эпигастрал соҳаси ёки бўтун қорин бўйлаб бошланади. 2-3 соатдан сўнг оғриқлар ўнг ёкбош сохага кўчади (Кохер белгиси). Тана харароти одатда субфебрил бўлади 37-37,5<sup>0</sup>С. Ровзинг, Ситковский, Раздольский, Бартомье-Михельсон белгилари мусбат бўлади. Касаллик ноанънавий кечганда Коуп I, II, Образцов белгилари мусбат бўлади. Агар яллиғланиш қорин пардаги ўтадиган бўлса. Щеткин- Бломберг белгиси мусбат бўлади.</p>	<p>Қоннинг ўмумий тахлили. СОЭ.</p> <p>Сийдик умумий тахлил.</p>	<p>Лейкоцитоз. Лейкоцитар формулани чап томонга силжиши. Лейкоцитлар соннинг ўсиш доражаси яллиғланишнинг чуқурлигини англатади. Чувалчангсимон ўсимта деструктив формасида сийдик умумий тахлилида оксил, цилиндрлар пайдо бўлади.</p>	<p>УТТ.</p> <p>Лапароскопи я.</p>	<p>УТТ ўнг ёнбош сохада ўлчамлари катталашган гувалгансимон ўсимта аниқланади. Лапароскопия-Ташҳис кўйши қийинчилик бўлганда қўлланилади: Бунда қорин бўшлиғида ўнг ёнбош сохада чувалгансимон ўсимтасининг яллиғланганлиги аниқланади.</p>	<p><u>Ошқозон 12 бармоқ ичак</u> ярасининг тешилиши-эпигастрал сохадаги ханжарсимон оғриқ. Қоринни пайпаслаганда эпигастрал сохада кучли оғриқ, қорин мушакларини таранглашиши, перкуссияда жигар тўмтоқлаги аниқланмаслиги қорин парда яллиғланиш белгиларини пайдо бўлиши. R<sup>0</sup>-скопияда ўнг диафрагма остида эркин газ пайдо бўлади. Анамнез муҳим ахамиятга эга.</p> <p><u>Ўткир холецистит.</u></p> <p>Ўнг қобирға ёйи остида хуружсимон оғриқлар бўлади. Оғриқлар ўнг елка, ўнг куракка узатилади. Доимий равишда кўнгил айнаш, миротоба қусиш шундан сўнг ахволини яхшиламаслиги. Анамнез (ёғли, ўткир овқатлар ва алкогольни истеъмол қилиш натижасида). УТТ катталашган, яллиғланган ўт қопи ва кўпинча ўт қопи ичида тошлар аниқланади.</p> <p><u>Ўткир панкреатит.</u></p> <p>Кучли белбоғсимон оғриқлар, доимий кўнгил айнаш, азобловчи доимий қусиш ва ахволини оғирлашиши. Қоннинг биохимиявий тахлилида - L амилазани ошиши. Сийдик тахлилида диастазаларни пайдо бўлиши кузатилади, баъзида гипокальцемия бўлиши мумкин. УТТ да ошқозон олти бен ката <u>Ўнг тарафлама буйрак санчиги.</u> Тўсатдан ўнг бел соҳасида кучли оғриқ в оғриқларни ўнг чов, мойк соҳаларига узатилиши. Тез-тез оғриқли сийиш кузатилади. Ўнг торафлама Пастернацкий белгиси мусбат. Сийдик тахлилида янги эритроцитлар, лейкоцитлар, оксиллар пайдо бўлади. УТТ ўнг буйракда тош қум ёки пиелоектомиа гидроневроз белгилаги аниқланади.</p> <p><u>Бачадондан ташқари хомила.</u> Тухумдон апоплексияси. Қоринни пастки қисимларида тўсатдан кучли оғриқ, зўраовчи холсизлик, тери қопламларини бўзариши, пульс тезлашиши. АКБ пасайиши. қон тахлилида Нв, эр. миқдорини комониши. УТТ да кичик тозда суюқлик ёки катталашган тухумдон аниқланади.</p>	<p>Шошлинч жаррохлик амалиёти. Аппендэктомиа оғриқсизлантириш-махаллий ёки умумий. Мак-Бурней кесхлик орқами. Агар перитонит белгилари бўлса (умумий оғриқсизлантирисш билан) ўрта пастки лапаротомия аппендэктомиа кесими орқали бажарилади.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

### 5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

**Ташҳис:** Аппендикулярнўй инфилтрат **Ёши:** 22 ёш **Тана вазни:** 54 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
<p>АИ-серозли экссудат даражасидаги чегаранган перитонит. АИ клиникаси касаллик бошлангандан сўнг 3-5 кундан кейин намоён бўлади. Қориндаги оғриқлар ўтиб кетади. Тана харорати субфебрил даражада бўлади. Ровзинг, Ситковский белгилари мусбат бўлиши мумкин. Ўнг ёнбош сохани пайпаслаб кўрилганда қаттиқ, катталашган, кам ҳаракатли, оғрикли ҳосила қўлга илинади. Шу ҳосила ўнг ёнбош суягига ёпишган бўлади</p>	<p>Қоннинг умумий тахлили.</p>	<p>Лейкоцитоз, лейкоцитар формулани чап томонга сурилиши. Эритроцитлар чўкиш тезлигини ортиши.</p>	<p>1.Ўнг ёнбош сохасини УТТ. 2.Лапароскопия.</p>	<p>УТТда ўнг ёкбош сохада ҳосила аниқланади.  Лапароскопия-ташҳис кўйиш қийинчилик туғдирганда қўлланилади. Қорин бўшлиғида ўнг ёнбош сохада бир-бири билан чамбарчас боғланган ингички ичак, йўғон ичак ва ичак қовузғоқлари, қорин парда париетал варрағи, катта чарви билан ўралган холда аниқланади</p>	<p><u>Уткир аппендицит</u>-ўнг ёнбош сохасидаги доимий оғриқ, қорин мушакларини ўнг ёнбош сохада таранглашиши. Ровзинг, Ситковский, Воскресенский, Бартомье-Михельсон белгиларини мусбатлиги. <u>Ўнг тараф йўғон ичан ўсма касалликлари</u>-қориндаги тўмтоқ оғриқлар, Цолсизлик, анемия белгилари, ичак тутилиши клиникасини намоён бўлиши. Ошқозон ичан тракти рентген контраст текширувида ҳосилани аниқланиши.</p>	<p>1.Жаррохлик бўлимига ётқизиб, ётоқ халатини таъминлаш.  3.Антибиотиклар масалан: пенициллин 1,0млн х 4 маҳал. м/о. Бир ҳафта давомида ампициллин 1,0 х 3 маҳал, м/о гентамицин 80мг х 3 маҳал м/о.  4. Инфузион даво. 5%-глюкоза+аскорбин к-та 5,0 в/м. 0,9% физиологин суюқлик +КСІ 7,5%-10,0 в/и.  5.Ўнг ёнбош сохасига муз қўйиш.  6.Енгил пархез.  7.УВЧ, УФО иссиқ муолажаялар.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Кисилган чов чурралари

Ёши: 35 ёш Тана вазни: 73 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Бирданига човда пайдо булган хосила соҳасидаги оғрик. Олдинига бемалол кирган чурраларнинг корин бўшлиғига кирмай қолиши. Баъзи пайтларда ичак қовузлоклари қисилганда - ўткир ичак тутилиши белгилари пайдо булади (кунгил айниш, қусиш, ел ва ичи келмаслиги).	Умумий қон анализи.          Сийдик умумий анализи.	Лейкоцитоз, баъзи пайтларда лейкоформуласини чапга силжиши билан. СОЭ тезлашуви.    Ўта оғир ҳолатларда цилиндр-лар ва оқсил аникланади.	Қорин бўшлиғини Ренгеноскопик, график текшируви УТТ-ультратовуш текшируви.	Ичак тутилиши белгилари болганди Клойбер косачалари аникланади   Кайси аъзо қисилганини ва корин бўшлиғиди, суюқлик бор-йўқлиги аникланади.	<u>Липома</u> -кўп вақт мобайнида бўлиши, юмшоқ - эластик консистенцияда, пайпаслаб кўрганда юмшоқ ҳаракатчанг ва оғриксиз. <u>Сон чурралари</u> -купрок аёлларда учрайди. Кийшик чов чурраларида азоларнинг ёрғокга тушиши кузатилади. Тўғри чов чурраларида хосила юмалоқ шаклда, баъзи пайтларда икки томонлама симметрик ҳолатда, ёши ўтган беморларда чов каналанини ташқи тешиги проекциясида жойлашади.	Шошилич оператив даволаш - чуррани бартараф этиш ва Жирар-Спасокукоцкий, Бассини, Постемский усуллари буйчи пластика бажариш.
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўткир мастит

Ёши: 23 ёш

Тана вазни: 58 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
<p>Тўсатдан тана харорати 39-40<sup>0</sup>С га кўтариллади. Щамда сут безида кучли оғрик бўлади.</p> <p><b>Сероз фазада:</b> сут бези катталашган, пайпаслаганда (пальпацияда) оғрикли, контурлари сақланган, устидаги тери ўзгаришсиз.</p> <p><b>Ўткир инфилтратив фазада:</b> пальпацияда кескин оғрик, ноаниқ чегарали инфилтрат қўлга уннайди, устидаги териси кизаради. Бош оғриғи, уйқусизлик, қалтириш, харорат кўтариллади. Баъзан қўлтиқ ости лимфатик тугунларида оғриқлар ва уларнинг катталашуви кузатилади. Абсцессланиш фазасида барча клиник белгилар кучалади ва инфилтрат соҳасида флюктуация аниқланади. Флегманоз фазада беморнинг умумий ақволи кескин оғирлашади. Харорати кўтариллади, қайта-қайта титроқ босади. Септик ҳолат шам ривожланиши мумкин. Тили ва лаблари қуруқлашиши, уйқусизлик, бош оғриғи, ишта ҳасизлик кузатилади. Сут безнинг катталашуви, қапқиши, тери гиперемияси, ялтироқлик кузатилади. Баъзан цианотик тусга киради шамда лимфангит белгилари аниқланади, тери ости веналари кўзга ташлана бошлайди. Кўпинча сўргич ичига тортилади, бир неча қойда флюктуация белгилари аниқланади.</p> <p><b>Гангреноз фаза:</b> кеч мурожат қилган беморларда хаддан ташқари оғир кечади.</p>	<p>Сийдик ва қон тахлили. УТТ.</p>	<p>Инфилтратив фазада лейкоцитлар сони 10-12 10<sup>9</sup>/л етади. ЭЧТ 35-45 мм/с. Йирингли маститда лейкоцитлар сони 17-20 10<sup>9</sup>/л га етади. ЭЧТ 60-70 мм/с ортади. Сийдикда оксил, лейкоцитлар, эритроцитлар, донатор ва гиалин цилиндрлар аниқланади.</p>	<p>Термометрия. УТТ.</p>	<p>Тана харорати 39-40<sup>0</sup>С ортган. УТТ инфилтратив бўшлиқли хосила аниқланади.</p>	<p>Мастопатияда сут безининг ҳамма қисмларида ўткир яллиғланиш белгиларисиз қаттиқланиш аниқланади. Фиброаденомада сут безида 1-4 см лик қаттиқ-эластик консистенцияли, атрофдаги тўқима билан битишмаган шосила аниқланади. Сут бези ракида шосила устида тери хосила тарафга тортилганлиги, сўргич ичкарига ботганлиги ва ундан геморрагик суюқлик ажралиши кузатилади. Ойдинлаштириш учун: маммография, УТТ, аспирацион, пункцион, эксцезиацион биопсия қилинади. Сарамасда яққол гиперемиялашган "географик карта" тусидаги нотекис чегарали соща анакланади, йиринг ва қонли экссудатли эпидермис билан қопланган пуфакчалар шосил бўлиши мумкин. Инфекция тушган сощада куйгансимон оғрик ва иссиқлик хисси кузатилади.</p>	<p>Сероз-инфилтратив фазада касалланган кўкрақдан эмизиш давом эттирилади, вақти-вақти билан йиғилган сутни соғиб ташлаш ёки сут сўргич билан сўриб олиш мумкин. Сут безига кўтарилган ҳолат бериш лозим. Антибактериал терапия ретромаммар пинициллин-новокаин блокадаси, физиотерапия (УФН, УВЧ, солюкс лампаси) амалга оширилади. Йирингли мастит хирургик йўл билан даволанилади. Мащаллий ёки умумий оғрик сизлантириш остида сут безининг ташки чиқарув йўллари йўналиши бўйича йирингли соща устида 1 ёки 2 радиал кесим бажарилади. Сўргич ва сўргич халқаси атрофи доирасида кесиш мумкин эмас. Йиринг эвакуация қилингандан сўнг бармоқ билан йиринг бўшлигини ажратиб турувчи деворлар очиб ташланади ва 3% ли водород пероксиди, фурациллин, нейтрал анализ эритмаларида тозаланиб, жарохат бўшлиги дренажланади. Антибактериал, дезинтоксикацион терапия, физиотерапия, витаминотерапия муолажалари бажарилади.</p>
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ - 0	0	0	0	0	0	0

Максимал балл – 10 б.

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Йирингли плеврит

Ёши: 40 ёш

Тана вазни: 56 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Плеврит ишқаланиш шовқуни билан хамрохликдаги плевритик оғриқ фебрил харорат, хансираш перкусияда "Тумтоқ ёки тумтоқлашган перкутор товуш. Аускультацияда йиринг тўпланган соҳа устида нафас йўқлиги еки уни жуда сусайганлиги аниқланади. Баъзан бронхиал нафас эшитилади.	Қон, сийдик тахлили, плевра ажралмасинг рН ни аниқлаш, Грам усулида бўялган суртмалар бактериоскопияси. Микроблар ни ва уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш.	Лейкоцитоз, лейкоцитар формуланинг чапга силжиши. Сийдикда оксил ёки оксил излари, микроскопияда эса токсик характерга эга ўзгаришлар аниқланади. Плевра суюқлигида рН 7,2 дан камлиги эмпиема борлигини тасдиқлайди.	Ренгено-скопия, ренгено-графия. Плевра бўшлиғининг диагностик пункцияси, торако-центези.	Ён проекцияда кесилган костодиафрагмал бўрчак, диафрагманинг орқа қисмини сояланиши, тўғри проекцияда горизонтал сатхли қоронғиланиш аниқланади. Рентгеноскопияда плевра бўшлиғида суюқлик борлиги ва кўкс оралиғининг соғ тарафга силжиши кузатилади. Торакоцентез пайтида плевратик ажрамани тўла равишда эвакуация қилишга қийинчилик туғулган ҳолларда ультратовуш текшируви суюқлик жойлашувини яққол аниқлаб беради. Диагностик пункцияда, торакоцентезда одатда специфик нохуш хидга эга, жуда хира, қуюқ ва хақиқий йирингга айланувчи суюқлик олинади.	Эксудат 3 г% купроқ оксил ва юқори активлигга эга бўлган ЛДГ ферменти борлиги билан трансудатдан фарқ қилади. Плевра бўшлиғида кўп микдорда геморогик суюқлик тўпланиши кўпроқ усмаларга, шикастланишларга ва упка инфарктига хос белгилар хисобланади. Панкреанекроз ва қизилунгачнинг ерилишида плевра суюқлигида кўпинча амилаза ферментининг фаоллиги ортанлиги аниқланади. Баъзан хавфли ўсмаларда ҳам амилаза фаоллиги биров ортиши мумкин. Туберкулез ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ плевра ажрамаларида гоҳида рН кўрсаткичи 7,3 дан кам бўлган ҳоллар учраши мумкин. Плевра бўшлиғи суюқлиги ва плазмадаги глюкоза концентрациянинг ўзаро нисбатининг пасайиши туберкулез ва ўсмаларга хос белги хисобланади.	Вена ичига ва плевра бушлиғига аниқланган микрофлорага сезирлиги юқори антибиотикларни юбориш самарали антибиотиктерапия утказиш. Плевра бўшлиғи суюқлигида нисбатан лейкоцитлар сони кам, рН кўрсаткичи 7,2 кўп, инфекция ривожланмаган ҳолларда антибиотикларни системали қўллаб беморни соғайтириш мумкин. Бактериал пневмония билан боғлиқ эрта ўткир эмпиемаларда бемор плевра бўшлиғининг қайта-қайта пункция қилиб, йирингли эксудатни сўриб чиқариб ва адекват антибактериал муолажалар ёрдамида соғайтирилади.
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ- 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Ўткир калькулез холецистит (тошли) Ёши: 42 ёш

Тана вазни: 68 кг

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Шикоятлари: ўнг қовурга ёйи остидаги щуружсимон оғринларга ва бу оғрикларни ўнг елкага, ўнг қуракга берилишига, кўпчил айниши, кўп маротоба қусишга, тана шаророти кўтарилишига. Тахикардия. Ўнг қовурга ёйи остида оғрик ва мускуллар таранглашган. Катталашган, таранглашган, оғрикли ўт пуфаги. Пойпасланиши мумкин. Ортнер, Мерфи Симтомлари мусбот.	Қон умумий анализи  Қон биохимик тахлили. Биллирубин АСТ, АЛТ Асосли. Фосфатога.	Лейкоцитоз, Лейкоформу лани чапга силжиши СОЭ теэлашу ви 45% шолатда  Билирубин кўтариледи. 40% холатда кўтариледи 23% холатда кўтариледи	Холецисто-графия  УЗИ  Термография  ЭКГ	Ўт куфаги, катталашгани, деворининг қалинлашгани, тош, борлиги ўт-эвакуацияси, холлати. Жигарнинг холлати, ўт пуфаги, унинг улчамлари, девори қалинлиги, тош борлиги, холедох холлати. 80-90% ўт пуфиги яллигланишида учрайди. Диф. диагноз учун зарур.	1.Меъда ва 12-бармоқли ичак перфорацияси:- Ўткир ханжарсимон оғрик. Ярали анамнез: -Мажбурий холат -"Тахтасимон" қорин -Чугуев симптоми -Жигар тумтоқлигини аниқлашмаслиги -R-спияда: "Эркин" газ диафрагма остиди. 2.Ўткир панкреатит -Велбоғсимон кучли оғриклар -Кўп маротаба қусиш. -Акроцианоз, Грей Турнер, Мондор симптомлари мусбат. -Керте, Мейо-Робсон, Воскресенский симптомлари мусбат -Қон ва сийдикда L амилаза ошиши. 3.Ўткир аппендицит-Ўнг енбош соҳасида симирловли оғрик. Воскресенский, Ситковский, Бортомье Михельсон симптомлари мусбат. 4.Миокард инфаркти-Юрак проекциясидаги кучли оғрик, аритмия, АКБ пасайиши. ЭКГ даги ўзгаришлар.	1.Етоқ шолати. 2.Очлик. 3.Локал гипотермия. 4.Инфузион. терапия 5.Спазмалитиклар ва анальгетиклар. 6.Новокаин блокадалари. 7.Антибиотиклар. 8.Консерватив муложалалар фойдаси бўлмаса, оператив доъво-Холецистэктомия.
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ- 0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Бевоссил Ёши: 40 ёш

Тана вазни: 74 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Дефекация акти охирида томчилаб қон оқиши. Бавоссил тугунларининг катталашиси.	1.Қон умумий тахлили	Қон кетишда гемоглобин ва эритроцитлар сони пасайиши.	Тўғри ичакни бормоқ билан текшириш.  Ректоскопия.  Ректоромоноскопия Нажасни текшириш	Қўл билан текширилганда тугунлар каталашисини, асоратлар борлиги аниқланади.  Ректоскопия билан кўрганда геморроидал тугунларини катталашганини асоратларини кўриш мумкин.	<u>1.Тўғри ичак раки:</u> узун анамнез, анусдан шиплик, йуринг ва қон ажаралиши, тугунларни қўл билан текширилганда қаттиқ, ғадир-будир бўлади. Ректоскопия вақтида тугундан биопсия олинади. <u>2.Анус атрофидаги канделома:</u> Анамнез (сифилис билан касалланган беморлар билан жинсий алоқада бўлиши). Васерман реакцияси, мусбат булиши.	Бошлангич босқичи консерватив даволанилади. Бевоссил асоратлари оператив йўл билан доволанилади (қон оқиш тромбоз). Геморройэктомия.
100% - 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ-0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						



5-курс

Талабанинг клиник фикрлаш баҳолаш варақаси

Ташҳис: Пилородуодения стеноз

Ёши: 34 ёш

Тана вазни: 50 кг.

Клиника	Ташҳисот				Қиёсий ташҳис	Даволаш стандарти
	Лаборатор текширув	Интерпретация	Инструмент текширув	Интерпретация		
Овқат исътемом қилингандан кейин эпигастрал сохода оғирлик ва тўлаликни щис қилиш. Перистальтикани кучайиши, қоринни юқори қисмини дам бўлиши, исътемом қилинган овқат билан кекириш, қайт қилиш, оғиздон ёмон щиз келиши.	1.Қонни умумий тахлили.  2.Қон биохимияси.  3.Қон электролитлари.  4.Қон гематокрити. 5.Сийдик умумий анализи.	Гемоглабин ва эритроцитлар миқдорини кўтарилиши. Гипопротеинэмия.  Гипокалемия, Гипохлоремия.  Гематокритни ошиши.	1.Рентгено-скопия. 2.Рентгено-графия	Ошқозон кенгайиб, барий контраст моддасини туриб қолиши кузатилади.	1. <u>Ошқозон пилорик қисмини раки:</u> Яра анамнезини бўлмаслиги, қиска анамнез, ренген, эндоскопик маъмуотлар, биопсия. 2. <u>Ошқозон атонияси:</u> анамнез белгилари. Ошқозон атонияси кўпинга операциядан кейин щосил бўлади, қиска анамнез.	Фақат оператив. Кўпинча ошқозонни 2/3 қисмини Б-I ва Б-II резекцияси, оғир щамотларда ГЭА.
100%- 2	1	1	1	1	2	2
50% - 1	0,5	0,5	0,5	0,5	1	1
Жавоб йўқ-0	0	0	0	0	0	0
Максимал балл – 10 б.						

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Аветисов Э.С., Ковалевский Е.И., Хватова А.В. «Руководство по детской офтальмологии» 1987.
2. Арипов У.А. и др. «Умумий хирургия». 1997.
3. Бабажанова Л.Д., Елисеева С.Г. «Турли ёшдаги болаларда кўриш функцияси ва унинг текшириш усуллари» Метод. Указания для студентов – 2000.
4. Балаболкин М.И. «Эндокринология». М., 1989 г.
5. Бунатян А.А. и соавт. «Справочник по анестезиологии и реаниматологии». 1989.
6. Васильев Н.А. «Туберкулез» М., 1990.г
7. Под редакцией Волкова М.В., Тер-Егiazарова Г.М. «Ортопедия и травматология детского возраста». М. Мед. 1983.
8. Ганиев К.Г. «Сил касаллиги» (дарслик) Ташкент, 1995.й
9. Дарбинян Т.М. «Руководство по анестезиологии». 1973.
10. Исаков Ю.Ф. «Детская хирургия». М. Медицина. 1982.
11. Под ред. Камарова Ф.И., М. «Руководство по внутренним болезням». 1993 г. том 1,2,3.
12. Под редакцией Лейна Д., Эндрю М. «Детская и подростковая психотерапия». С.-П. Питер. 2001.
13. Ленюшкин А.И. «Руководство по детской поликлинической хирургии». Л.1986.
14. Маджидов Н.М. «Умумий неврология». Ташкент. 1995.
15. Мазурин А.В., Воронцов И.М. «Пропедевтика детских болезней». М., 1985.
16. Микиртумов Б.Е., Кошавцев А.Г., Гречануй С.В. «Клиническая психиатрия раннего детского возраста». С.-Петербург. Питер. 2001.
17. Под редакцией Мусалатова Х.А., Юмашева Г.С. «Травматология и ортопедия». М. Мед. 1995.
18. Павлов С.Т., Шапошников О.К. Самцов В.И., Ильин И.И. «Кожные и венерические болезни».
19. Пальчун В.Т., Крюков А.И. «Оториноларингология». М., Литера, 1997 г. – 512 стр.
20. Потемкин В.В. «Эндокринология». М., 1986й.
21. Под ред. проф. Садыковой Г.К. Методические рекомендации по всем разделам общей и частной неврологии на узб. яз. Ташкент. 1994, 1996, 1997.
22. Скрипкин Ю.К. «Кожные и венерические болезни». Учебник для медицинских институтов М., 1979.г
23. Под.ред. Сметенева А.С. Кукеса. В.Г. «Внутренние болезни». М., 1982 г.
24. Солдатов И.Б. «Руководство по оториноларингологии». Москва, 1997.
25. Стручков В.И. «Умумий хирургия», М. 1978, 1983.г
26. Таболин В.А., Шабалов Н.П. «Справочник неонатология». М. 1984.
27. Под редакцией Тура А.Ф., Тарасова С.В., Шабалова Н.П. «Детские болезни». Л. 1985.

28. Учайкин В.Ф. «Руководство по инфекционным болезням у детей». М., 1998.
29. Цыбульский Э.К. «Неотложная помощь в педиатрии». Медицина 1997 г.
30. Под редакцией Чазова Е.И. «Неотложные состояния и экстренная медицинская помощь»
31. Шабалов Н.П. «Неонатология». Санкт – Петербург. 1996.
32. Под редакцией Шейдера Р. «Психиатрия». М. Практика. 1998.
33. Шувалова Е.П. «Инфекционные болезни». 1995.